



Вафо ФАЙЗУЛЛО

# Китоб, китоб...

Ўзи китоб, адабий асар нимага ўқилади? Шарқда қандай мезондаги китоблар адабиётлар аталиб, қадрланади? Бу аломат саволга жавоб излашдан олдин бугунги омманинг фикр-хаёли, интилишларини бир кўнгил тарозусига солайлик.

Кўчаларда — раста, дўкон. Зоҳири гўзал, ботини даҳшатли китоблар. Пештахталардан ёшлар кўзини узолмайди.

Хўп, бу яхши эмасми? Бу тараққиёт белгиси-ку, дерсиз. Қани шундай бўлса эди... Афсуски, расталарда оломон талашган, тобора омма қизиқаётган китоблар, аслида ошкора беҳаёликни тарғиб қилади, очиқча муштумзўрликдан баҳс этади. Уларни қўлга олишдан, алҳазар, хонадонда ўқиш уёқда турсин, олиб келган гуноҳга ботади. Бироқ бундай нарсалар тобора қаёқлардан-да оқиб келиб, бошлаб тарғиб-ташвиқ қилинаётир, минглаб нухсаларда кўпайтирилиб, ҳали ўзини англамаган, яхши-ёмоннинг фарқига етмаган, балоғат бекатидан ҳатламаган ёшлар қўлига тушиб қолаётир.

Бу маънавий хуруждан қандай ҳимояланиш мумкин? Нима қалқон бўла олади? Сохта китобни асл китоб маҳв этади. Уйдирма сўзни ҳақиқат енгади. Беҳаёликдан маърифат қайтаради. Китоб кўринишидаги балога тўсиқ ҳам, охири ғов ҳам китоб, асл китоб. Асл китобнинг асллигини адабиёт англади. Асл китобнинг давомчиси адабиёт бўлади.

Ҳозир бизда бир нарса унутилиб боряпти: давра бўлиб китоб ўқиш, тонготар ўтириб дostonлар тинглаш, ахлоқи гўзал романлар кўйида сел бўлиш. Кимдир бугун: ҳамма саводхон, хоҳласа истаган китобини олиб, якка-ёлғиз, хонанишин ҳолида бир ўзи ҳам ўқийверади-ку, дейиши мумкин. Боз устига давра бўлиб, кўпчилик бир ерда йиғилиб ибратланиб ўқийдиган замонавий асарлар ҳам сийрак. Қолаверса саводхонлик савияси ҳаминқадар бўлмаса-да, китобхонлик, қироатхонлик рисоладагидек деб бўлмайди. Ишонмасангиз, бир қишлоқлар орананг, деҳқоннинг эмас, зиёлиман деб юрган ўқитувчининг хонадонига кириш, фақат у адабиёт муаллими бўлмасин... ҳар ўзбекнинг уйи тўрида, тоқчасида бўладиган янги дostonлардан суриштиринг, шу романдан сизда борми, деб сўранг. Сўровни тўғри

англаган тўртдан уч хонадон соҳиби ерга қараб, "йўқ" деб жавоб қайтаради...

Ҳатто, шундайлар борки, нима, мен сизга адабиётчиманми, олимманми, ёзувчиманми, дея идлао қилишади, саволни ноўрин, ҳавойи деб билишади, уялтирмоқчи бўлишади. Э, тавба, деб ёқангизни ушлайсиз. Ахир ўша, мозийдаги, саводи ҳаминқадар деб аталган момоларимиз, боболаримиз тонг отганча "Алпомиш"ни тинглаб, "Кунтуғмиш"дан йиғлаганларида фақат адабий завқ, руҳий ҳордиқ учун мутолаага бунчалик ўч, қироатга бунчалик сомё ва қобил бўлмаган-ку! Бу ташналикнинг тилсими қаерда?

Билмаганлар билиб, унутганлар ёдга олсинки, давра бўлиб китобхонлик қилишда, бедилхонлик, навоийхонликларда ўқиб ҳордиқ чиқаришдан юксак яна бир кўзлов бор эди. Бу китобхонлик, дostonхонликда ўқишгина эмас, ўқиш, тушуниш имкони — инсон, эл боласи учун жуда зарур адаб ўрганиш олами қаватма-қават эди. Шу боис ҳам Шарқда неча асрларни оралаб келаётган бадий асарлар санъаткорлиги, ўзига хос бетакрорлиги баробар буюк тарбия мактаби, инсон ички дунёсининг мусаввири, ҳақ амрининг таъсирли ва теран муфассири бўлгани боис ҳам олий мақом қадрга, юрак мурожаатига сазовор. Лекин нега ҳозир ана шундай асарларнинг нашр этилганим дўконларда чанг босиб ётганидан, ҳатто шундай китоб дўконлари кичрайиб, ўрни алламбало "маркет" бўлиб кетаётганидан қайғурмаймиз? Аммоки; хонадонимизга меҳмон келганида, маст қилувчи ичкилик бўлмаса, ўзимизни қўярга жой тополмаймиз, ерга кириб кетгудай бўламиз... Ёки бир пайтлар "Келиной кўшиқлари"дан мунаввар бўлган тўйларимиз ароқ балосида охири шақол базмининг айна ўзи бўлади. Бу истаймизми, йўқми, хонадонларимиздан чинакам китоб ўринлари бўшаб қолганидан, айрим биродарларимиз қалбини шайтоний қуткуга қурилган туйғулар забт этишга уринаётганидан...

Эл фарзанди элнинг энг қадрли битикларини ўқиб, ўқиб одам бўлади, элга шараф келтиради. Ота-оналик бахтининг энг нозик нуқталарини чизган асардан руҳ олиб оила қуради, хонадон сарвари

бўлади. Ҳар тугул шундай китобларимиз, асарларимиз оз эмас. Шундайлардан бири улуг адибимиз Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" қиссасидир.

Халқимиз нега шеърсевар? Ахир, ҳамма ҳам ундаги санъаткорликнинг, баланд бадииятнинг ишқибози эмас-ку! Бизнингча, шеърят тенгсиз бир кенгликка менгзайди. Унда инсоннинг маънавий оламига дори—ишқу адолатни ҳам, софлигу матонатни ҳис қилса бўлади. Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" қиссаси ана шундай шеърят дориси билан эмланган шифои комил адабиёт.

Асарнинг биринчи ибрати ишқ лаҳзалари тасвиридан кўнглимиз илоҳий ёғдуланади. Энг тотимли, энг муқаддас бир лаҳзани кечиргандек маънан покланамиз. Мана ўша беғубор севгининг бутун асрга татийдиган бир лаҳзаси...

— *Кўзларингни яширма, Оймомо.*

— *Кетинг, одамлар кўради, кетинг.*

— *Булоқ сувларидан ичайин деб келдим.*

— *Ичган бўлсангиз энди кетинг!*

— *Кўзларингни бир кўрайин деб келдим.*

— *Кўришга мени кўзларимдан ўзга-да кўзлар кўндир.*

— *Йўқ, ҳар банданинг ўз кўрадиган кўзлари бўлади.*

*Сенинг кўзларинг меники, келма десанг, майли келмайман.*

— *Кўзларни деб келмасангиз-да, булоқ суви ичгани келинг...*

Инсондаги энг ўзига тортадиган, бетакрор чирой кўздир. Кўз кўнгилга борадиган йўл. Булоқ олдидаги учрашувдан кўнгил ҳам, кўз ҳам софланади. Гўё бу тасвир чин ишқ булоғи каби тоза, уни татиб кўрган янада покланиши керак, деяётгандай бўлади.

Оила таянчи нима деб кўп баҳслашамиз. Кўпинча бир арзирли маслаҳатга зор бўламиз. "Ойдинда юрган одамлар" қиссасини ўқиган китобхон шунга яна бир бор амин бўладики, оиланинг асл таянчи, бу — чин кўнгиллар муҳаббати, сўнгра шу муҳаббатга матонатли садоқат экан. Асар қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомога кўнгилдан қойил қоламиз, дилдан ташаккур айтамыз.

Фарзанд кўришавермагач, Қоплоннинг отаси уйига айтиб бориб, тергайди. Онаси неvara орсунини ўртага солиб, йиғлаб-йиғлаб, қайта-қайта эланади, отаси бунга қўшимча, ҳатто учинчи бор тергашида ўғилни унинг хонадонида қарғаб чиқиб кетади. Қазосигача унинг хонадонига қайта оёқ босмайди. Балки Қоплоннинг сиҳати ҳаминқадар бўлганида муҳаббатга садоқати ночорликдан-да, деб шубҳа билан қараган бўлардик. Бироқ табибга борса, фолбин ва дўхтирга борса-да, барчасида Қоплон соппа-соғ чиқади, фразандли бўлишга қобил. Демак, Оймомони аягани, суягани, ҳеч қачон умидсиз бўлмагани садоқати чинлигидан дарак беради.

Оймомо ҳам муҳаббатга вафода, садоқату сабрда, ихлосу покликда ўз жуфти ҳалолдан қолишмайди. Ким ҳазрати Сўфи Оллоёр мақбарасига бошлаб, йиғлаблар фразанд тилайди—Оймомо! Ким яхши ниятлар қилиб, сумалак тонглари оқлайди —

Оймомо. Бунда ҳар қандай муслима Оймомо онамизга қойил қолади. Айниқса, оғзига кучи етмаганларнинг фарзандсизлигини юзига солишига чидаб, сабр қилишларида, хўжасига бир оғиз бир нима демаганлигида, келинлар учун қанчалик сабоқ, қанчалик ибрат бор. Ҳатто Қиммат момо дегани таъна ва маломатлар билан уни енголмаслигини билиб, эри йўқлигида очиқча хиёнат кўчасига етакламоқчи бўлади... Шундагина Оймомо портлайди:

— *Оғзингизга қараб гапиринг, момо.*

(Сўз олов, сўз ўқ, сўз хиёнат йўли бўлиши мумкин — агар тилига кучи етмайдиганлар қўлига тушса. Изоҳлар муаллифники)

— *Оғзимга қараб гапирсам-гапирмасам-да, бўлам, Гулдай умрингни зое кеткизиб нима қиласан, бўлам...* (гулдай умрни нимага сарф қилиш керак бўлмаса?..)

— *Бошимда ҳақ никоҳлик эгам турибди-ку!*

— *Ҳақ никоҳлик эгандан ёруғлик чиқмаса нима қиласан, бўлам...* (Ёруғлик, инсоний ёруғлик нима ўзи—чин муҳаббатга садоқат ва вафодорлик эмасми?! Номардлар эса ёруғликни не йўл билан бўлсин нафс фаровонлигига тобе қилмоққа уринишади).

— *Кетинг, ҳозир кетинг.*

— *Эб-ей, яхшиликка-ёмонлик (тушунчанинг тескарилигини...) Мен сени бўлам деб эдим, бўлагинам деб айтиб эдим.*"

Тақдирни қаранг. Қоплон ўз кўз очиб кўрганидан воз кечмаганлиги, севгисига содиқлиги учун отасининг қарғишига қолади. Отанинг қарғиши ўқ дейдилар, ахир! Оймомо эса бир гийбатчи кампирнинг гапини рад этгани учун ундан ҳам қарғиш эшитилади. Гўё садоқат боис жазоланишади. Фожеий қисматларига нотанти қарғиш ҳам кўмаклашади...

Аслида зоҳиран шунақа... Ёзувчи ботиний, илоҳий кўнгил оламига бошлайдики, бунда Фарҳоду Ширинларга монанд Оймомо ва Қоплонларнинг бетимсол ишқидан авлодлар ўрناق олади. Инсонни инсон этадиган муборак туйғуларнинг баракаси, ҳиссаси ошади.

Лекин бу серғавго оламга, ўзлигини унутган қорақўз жуфтларга разм солиб, дарз кетган оилалар нега кўпайгандан кўпайиб борапти, деб ўйлайсан. Ҳамма нарса етарли бўлса-да, бир-бирини оёқ ости қилаётган эр-хотинларни кўриб, ахир бир умр бир дамлик-ку, бу тортишувлар нимага арзийди ўзи, деб ҳайқиринг келади. Айниқса, гулдай қизлари балоғатга етган оталарнинг, бўз бола ўғиллари бор оналарнинг хиёнат кўчасига бўйлаганидан куйиблар кетасиз. Улар улғаяётган фарзандларидан эртага нима кутишади? Ахир, яхшидир, ёмондир ҳар умрнинг ўз ҳосили бўлади. Улар енгил-елпи ҳаётга бошлайдиган олди-қочди китоблар, "Морена Клара"га ўхшаш тутуруқсиз, ишқ ва садоқатдан маҳрум, оила аталмиш пок бир кўрғонни вайрона этадиган фильм, телесериалларни кўришга ҳовликқунча, "Ўтган кунлар"нинг ворисий давоми "Ойдинда юрган одамлар"ни қайта-қайта мутолаа қилсалар, ундан андоза, ўрناق олсалар бўлмайдами?!

Бу асарни навбатдаги миллий кўзгу, ўзбекона одоб қомуси, мусулмонча ўрناق рамзи деса бўлади.



Нега бизда "Биринчи муҳаббат" қўшиғини тинглаётганда ҳеч қачон англаб бўлмас бир армон, жуда тоза бир туйғу жону жаҳонимизни қуршаб олади? Нега биз чорак асрдан буюн тинглаб келаётган "Ўзбегим" қўшиғи қулоғимизга чалиниши билан юрагимизни бутун миллатимиз бўй-бастини ўзида мужассам этган юксак бир руҳ забт этади? Буни тўла тушунтириб бўлмаса-да, бу чин инсонийлик, асл миллийликдан дарак эканлигини ҳис қилмаслик мумкин эмас. Бизнингча, Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" асаридан ҳам қай даражададир мухлис кўнглида шунга ўхшаш, бироқ ўзига хос эврилиш рўй беради. Бу эврилишда шавқ ва армон ила бир ишқни, тараннуми борки, буни туйган ўқувчи оиладан миллатга, миллатдан инсониятга қўшилажак кўнгил юртининг гўзал харитасига кўзи тушади. Асардаги Наврўз кечмишию баҳор сайиллари, сумалак қайнатару унинг бунёдига оид минг йиллар оша келган жонбахш ривоятларни ким эътиборсиз, нописанд ўқий олади? Ким Худога муножот, Хўжаи Хизрга таваллоларни, Сўфи Оллоёрга бахшида, Рамазони Шарифдаги мижжа қоқмай қутиладиган Лайлатул Қадрнинг минг ойдан афзал қилинган умид туни фароғати, юксак ниятини шундайлигича ўтказиб юборади? Ахир буларнинг барчасида ажодларимизнинг имлоди бўлиб, бобою момоларимиз таважжуҳида инсоний покдомонлик, оилапарварликни ўргатиш санъати бор. Ҳолбуки асар кўз очган бундан чорак аср олдинги даврда айнан адиб жонлангирган одат-қадриятларимиз қафасда, оёқ ости эди. Адиб юрагининг тўридаги бу қадриятларни жасорат қилиб, очиқликка чиқарди. Бошига қора калтақ тушишини билатуриб, уфқни, узокларни кўзлади.

Асар минг йиллик урфларимизни, Аллоҳ ҳалоллаган жуфтликни тараннум этиш билан бошланади. "Совчилар қадами қизлик уйга шараф".

Афсуски, йиллаб онларни кўр этган совет мафкурасининг касофатию эркин севги-маънавий бузилишнинг оқибатида совчиларсиз жуфтлашган, никоҳсиз эр-хотин бўлган, чимилдиқ кўрмай келин-куёв саналган, эл отасини билмай фарзанд кўтарган оналарнинг ҳатто гуноҳини-да ҳис қилмай яшаётганидан кўз юмиб бўладими?

"Ойдинда юрган одамлар"да бундай бандалардан эъғириш йўқ. Балки, ўзликка қайтиш, халққа ўз улуглигини эслатиш бор. Шу боис бу лаҳзалар ўз бошингиздан кечаётгандай ҳаяжонланасиз, орзиқасиз. Орзиқиш қаторида ўрганасиз. Сергак тортасиз. Мана ўша совчилар келиши, тўй тадориги, қандай қилиб катталаримиз бир оилани бунёд қилиш манзараси:

— *Хуш кўрдик, хуш кўрдик.*

— *Хушвақт бўл, қассоб, хушвақт бўл. Қани, илоҳу омин, шу уйда катта-катта тўйлар бўлсин, Оллоҳу акбар.*

— *Оллоҳу акбар! Айтганингиз келсин!*

— *Сингилнинг бошига бахт қуши кўниб турибди, қассоб, учуриб юбормасанг бўлди.*

— *Аслини билмай, сўз демаслар, наслини билмай қиз бермаслар. Ким экан у?*

— *Қоплонми? Бўлмайдими!*

— *Қассоб, оғир бўл, сомондай оғир бўл.*

— *Оғир бўлсам, бўлмасам! Унингиз на саломни билади, на алиқни билади!*

— *Қассоб, кўнглинг билан эшит, қулоқ алдайди, ақлинг билан кўр, кўз алдайди.*

— *Мен бир нима деёлмайман. Оғайни жамоа бор, қиз боққан янгаси бор. Яна бир келинлар, маслаҳатлашиб олайлик".*

Кимдир одатий, оддий бу манзарадан нима ўрганса бўлади деган хаёлга бориши мумкин. Бироқ уй соҳибининг "наслини билмай қиз бермаслар", деб куёв бўлмишнинг кимлигини суриштириши, уй соҳибининг фикрINI яхшиликка ўзгартириш учун совчиларнинг қилган саъй-ҳаракати, айтган ҳикматлари ва охири Эсон қассобнинг олдин яқинлар билан бир кенгашайлик, деган жавобида икки ёш оила қуришидан, хусусан, бировга қиз беришдан олдин куёвнинг кимлигини синчиклаб суриштириш зарурлиги ҳар бир ота-онага айтилмасдан англатилади. Аввало тақдир, кейин яна шундай сўраб-суриштиришлар билан мустаҳкам оилалар бунёд бўлади. Бунга қўшимча ёзувчининг ажиб тасвирларида қиз-йигитларимиз ўрناق олса бўладиган, аслида элимизда қадимдан шаклланган миллий ибратлар бор. Мана, куёв бўлмишга рози бўлиниб, бунга Оймомонинг ўзи ҳам кўнгиладан шукроналар айтиб турганига қарамай, қизнинг янгасига қилган покдомон жавобида фақатгина ўзбеккагина хос ҳаё, андиша балқиб, киши руҳиятини ёриштиради. Оймомонинг шу жавоби ила уни Барчиной, Зухраҳон, Ширин, Лайли, Кумушбиби, Раъно каби ҳаёда тенгсиз аёлларимиз қаторига қўямиз.

— *Сен нима дейсан?*

— *Нимани нима дейман?*

— *Талмовсирама, бирор нима де. Совчи кепти.*

— *Кимга?*

— *Менга бўлармиди, сенга-да.*

— *Эб-ей, мен сизга нима қилдим? Боринг-е!*

— *Уялсанг, уялмасанг бу баримизнинг бошимизда бор савдо. Биз ҳам сенга ўхшаб уялиб эдик. Мана оқибати, жиянинг шўрпиллатиб эмиб ўтирибди.*

— *Эрга тегаман деб ўлиб ўтирганим йўқ...*

— *Мен сенга ўлиб ўтирибди деб ўйлабманми. Менга қара, бугун бўлмаса эртага барибир келин бўласан... Жойи чиқиб турибди, хўп девьер. Қоплон елкасида икки уй тикласа бўладиган йигит.*

— *Мен ундайчикин одамни билмайман...*

— *Энди биласан-да. Айтганимдан қолма. Чиройинг борида чинорингни топ!"*

Собиқ шўро замонасида қизил мафкура тескари ташвиқот юритди. Аёлни эркакка қайраш, хотинни эрига тезлаш бўлди. Аллақандай илдизсиз тенглик, тенг ҳуқуқлилик ҳақида баландпарвоз жар солиниб, элда шаклланган, шариятда белгиланган тўхтамларга, Ҳақнинг қонунига тескари иш тугилди. Аслида хонадондаги ҳар кимнинг ўзи эгаллаб бўлмас ўрнига, отанинг оила бошлиқлигига, ҳаммадан кўпроқ масъуллигига, ор-номус посбонлигига, онанинг ундан-да муқаддас ҳурлигига, келажак-фарзандлар тарбиясига жон-фидо бўлишлигига заҳа етказилди. Оқибат рўзгорнинг гапи кўчаларга чиқди. Оқибат тирик етимлар кўпайди. Оқибат ҳаётга енгил-

елпи қарайдиганлар ортди. Оқибат айрим кутқуга солинган кўнгилларда "Сен зўрми-мен зўр" хуружида отигагина оила қолди, эр эрлигини, хотин хотинлигини унутай деди. Ҳассос ёзувчимиз ўша машғум замон айнаи "гуллаган" да ҳам Оймомо онамиз тимсолида аёлга одил ва меҳрли таъриф берадики, бу таъриф гоят рост ва гўзал.

*"Аёл зоти аzzанча ўзига тўқ бўлсин, еган-ичгани олдида бўлсин, аzzанча серуруғ, серавлод бўлсин, барибир... Барибир, ўз оти билан... заиф бўлади. Шу боис ҳамшиша бошида паноҳи бўлишини хоҳлайди. Аёл зоти аzzанча ўзига мустақил бўлсин, мағрур бўлсин, барибир ана шу паноҳига бош эгиб яшайди. Бош паноҳи амалдорми? Бош паноҳи камбағалми? Кўрми ё калми? Бош паноҳи майибми? Барибир, аёл зоти учун барибир! Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин, тўрт девор ичида суюкли бўлсин. Аёл зоти ана шу паноҳига суяниб яшайди. Аёл зоти аzzанча хўрликни кўтаради, аzzанча таҳқирлашни кўтаради. Аммо "боши очик" деган гапни кўтараолмайди! "Ўнта ўғлим бўлмасин... чолим ўлмасин", демиш гап, аёллар юрагидан отилиб чиққан бўлади!"*

Болажон халқмиз. Боласеварликда, болабоқарликда ўзбекларга етадигани борми? "Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи бошқа" мақоли ўзбек дилининг кенглигидан тўраган. Шу боис оиланинг энг улуғ қувончи, энг улуғ таянчи фарзандлар. Шу боис ҳам болали уй бозор, боласиз уй мазор бўлади. Шу боис ўзбек оиласида энг оғир фожиа, ҳеч қачон таскин топиб бўлмайдиган фожиа бу тирноққа зорлик. Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар"ида бу фожиа шундай нозик руҳиёна манзаралар билан тасвирга туширилганки, уларда олам-олам кўз ёшлар сели, фақат санъаткорнинг шуурида юз кўрсатиб, юрак қонидан бунёд ҳақиқат ўқувчига тутқазилган. Одам руҳини тутиб турадиган устун нима? деган савол бор. Бунга ҳар халқ ўз яшаш тарзи билан турлича жавоб бериши мумкин. Ўзбек руҳини тутиб турадиган устунлардан бири эса фарзанд. Шу устунсиз ўзбек адо бўлади, чўққилари ер бағирлаб қолади. Қоплон бу оғир савдо бошига тушмасдан олдин қандай руҳиятдаги киши эди. "У ўзини эл учун — биз учун дил-дилдан ошно билади. Бизга содиқ меҳр қўяди. Биз учун ҳамшиша хайрихоҳ, ҳамдод бўлади. Бир қориндан талашиб чиққандайин бўлсам дейди.

*Ақалли, бир, бир ёмонлигимизни кўрса бўлди. Биздан қўлини ювиб қўлтиққа уради. Биз билан салом-алик қилмаслик пайида бўлади.*

*У бизни шундай ҳайрон қолдириб-қолдириб яшайди!*

*У чин гаплар кўнглида бўлади. Тилга чиқса, ёлгон бўлади, қолади",* деб ўйлайди.

Шундай мағрур одам тирноққа зор бўлиб эл олдида уятга, тўловсиз қарзга қолгандай, ҳақгўй,

покиза бўлишга қарамасдан тил қисикдай юради. Марҳумларни тирик кўрсатиб пул олаётган, текшириш келганда, буни маълум қилганларни ифвогарга чиқарган қишлоқ кенгаши котиби каби номардларга бир оғиз сўз демайди, аммо дилдан лаънатлайди. Ёлғизликдан йиғлаб, улардан ёзғиради. Ҳамма дардини ичига оладиган бўлади.

Оймомонинг фарзанд кутиб, бунинг умидида ташқи кўринишида бўлган ўзгаришлар бундан-да антиқа, эриникидан-да даҳшатли. У қирқ бешдан ўтганда юзларига сепкил тошиб тўлишади. Эл, маҳалла-қўй: Оймомонинг бўйида бўлибди, Яратганнинг ўзи ноласини эшитибди, фарзанднинг эрта-кечи бўладими, ишқилиб, эсон-омон кутилиб олсин деб ўйлайдилар, гап тарқатадилар. Аслида ёзувчининг юракда кўз очган мардона хулосаси билан аёлнинг улуғ, ҳаётнинг эса шафқатсиз жиҳатини очади:

*"Аслида... ундай эмас! Аёл зоти чинакам фарзандни орзу қилса... худди бўйида бўлишидай тўлишади! Аёл руҳияти шундай, аёл тани шундай, аёл қалби шундай! Табиат аёлни фарзанд учун яратади".* Айниқса Оймомо онамизнинг Робия ҳамсоясининг гўдагига йиғлаб-йиғлаб, гўдак исига маст, ўз гўдагига зор бўлиб, танида бир мўъжиза юз бериши сўқирнинг ҳам кўзига ёш келтиради. "Ё қудратингдан" деб ичингизни бир илоҳий ёруғлик тилиб юборади. Бизга қолса бу ўрин адиб томонидан инсон юрагини англашнинг энг чўққи нуқтаси. Мана ўша чўққи:

*"Онамиз кўкрагига... Сут келди".* Демак, фарзанд оила тиргаги, ота гурури, она бахти-шарафи экан, нега айримлар бу бахт ва ҳақиқатдан кўз юмадилар. Аллоҳ уларга шу бахтни инъом этгани ҳолда ношукурчилик қилиб юрадилар. Ахир орамизда ичкиликка берилиб, нафс, ҳирс балосига гирифтор бўлиб, бола-бақрасини қон қақшатган, бегуноҳ гўдакларни ярим кўнгил қилиб, одамларга қўшилолмайдиган ҳолга солганлар озми? Ёки бола умримнинг эгови деб етимхоналарга элтиб ташлаб, тирик сағирларни кўпайтирганча ўзлари ялло қилиб ҳаётнинг шу чинакам фароғати деб билганлар, ички дунёсини куйдирганлар йўқми? Улар фарзанд инсон учун энг олий неъмат эканлигини чуқурроқ англасалар эди, бу ўткинчи умр мазмун кашф этиб гўзалроқ бўлмасикин. Эҳтимол, худди шундай ота-оналар "Ойдинда юрган одамлар" каби чинакам адабиёт намуналарини кўпроқ қўлга олиб хонадонда, оила даврасида ўқисалар эди... озгина бўлса-да ўзбеклик, ўзлик эсланиб, бир лаҳза бўлсада оилани азиз, қадрли, мустаҳкам етадиган устунларга кўзлари тушиб, ҳақиқат сари боришлари, фарзанд соғлом, ширин, машаққатли турмушининг жавоҳири эканлигини теранроқ англашлари мумкин.



Усмон ҚУЧҚОР,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

# Ўйчилсанг арзийди Ватанга



\*\*\*

Дунёнинг  
Арзирми  
Чорлаб турганида  
Осилмак истасак  
Арзирми  
Кўзлардан  
Юсуф

Ишонсак,  
бошларни  
Моғор гўшаларга,  
арзирми,  
Хур шамол  
сингари  
Адирин  
таниган  
Заминга тушмай  
қур-қурлаб юборсак.  
Қора булутларни  
яшиндай ёриб  
Чаманга тикилмоқ  
фарз эмасми, айт.

остонга  
қўйсак.  
ҳабиб,  
хур-хурлаб борсак.  
турналар каби  
юборсак.  
яшиндай ёриб  
фаз эмасми, айт.

йўқ биздан  
ҳамон парвоси,  
дардимиз тўксак  
қорларга...  
осмон парвози —  
юксак дорларга.  
баҳорда қайтган қушларга  
ёшларни  
лайсондай қуйсак.  
таъбирини айтган  
тушларга

Умидни  
хунбор  
Ватанга  
йиқилмоқ  
арзимасми,  
айт...

\*\*\*

Менга зугум қилма бу қаро  
Кунда юрсам йиғлаб ва кулиб.  
Мен бу ерда номсиз фуқаро,  
Номсиз сайёранинг вакили.

Мен—оловдан унган самандар,  
Ўз жонимни ўзим руҳлайман.  
Айбим шуки, ухласам агар  
Чуқур,

қаттиқ,  
узоқ ухлайман.

Кетса кетсин ернинг тагига —  
Зоҳидларнинг иши узлатдир.  
Мен — бошқаман.  
Эртақдагидай  
Фақат менга қирқ кун муҳлат бер.

Қирқ биринчи кунда кўзимни  
Очиб, ширин эснасам бўлди.  
Сени таниб олсам...  
Ўзимнинг  
Кимлигимни эсласам бўлди...

\*\*\*

Жулдур булутлардан музтар бир тунда  
Пичирлаб баддуо қилади коҳин.  
Бузиб юбормоқни истар гардунда  
У Ер билан Ойнинг никоҳин.



Булут чоклаб кўшиқ айтар Ой,  
Қўллариди тилла жуводдиз:  
"Ойқизга уволдир,  
Тун ёмон чувалди.  
Кўк кўксин яраси  
Қон билан сувалди..."

Ер чуқур хўрсиниб қўйди-да, мовий  
Бошидан қоп-қора рўени қувди.  
Унинг кўксидидаги гулга самовий  
Шабнамлар кўз ёшдек тўкилди дув-  
дув...

\*\*\*

Бу йўлда ўнг ҳам тор,  
Сўл ҳам тор,  
Ноўнғай кенликка тузмоқ қасида.  
Бу кеча шу қадар қуюқ,  
кўламдор,  
Тошиниб чиқади кўз соққасидан.

Мен-кўрман,  
кўр тундан қораетирман,  
Ёлғиз Тангрим билар мендан кечганин.  
Дунёни пайпаслаб бораётирман —  
Фарқлаб олмоқ учун Кундан Кечани...

\*\*\*

Томошо шавқи бор эди ройимда  
Ўн саккиз минг оламларингни.  
Нечун ўрмалатиб қўйдинг пойимда  
Чумолидан майда одамларингни.

Бу ўша —  
йўлидан ҳамшиша озғон,  
Деб мени осийга йўйдинг-ку доим.  
Эрк десам...  
бошимга бу ишша қозон —  
Осмонни тўнтариб қўйдинг, Худойим...

\*\*\*

Сайёҳ!  
Энди мендан ранжисима,  
Гоҳ мағлуб,  
гоҳ ғолиб келдим мен.

Сўрамайман  
Шу жойгача .  
Қолганига  
Бу сарҳаддан  
Ўзинг кетавергин,  
Ёлғоннинг ҳам...  
омадинг берсин,  
ўтмасман зинҳор...  
жсин урсин,  
чегараси бор...

\*\*\*

Ҳисобсиз эмасдир  
Юлдузлар  
Ҳисобда  
Ҳисобда ҳар қийлу қоли  
Ҳисобда ҳар шодлик,  
Борар манзилиму  
Чизилган —  
Қай лаҳза узилар  
Ҳисобда турибди,  
ҳарита каби —  
китобда.  
қай бир кипригим —  
ҳисобда...

\*\*\*

Замин тўзон сочар.  
Қизариб боқади  
Қудуқлар кўмилган...  
Шом тушар...  
Ёлғиз ўзи қолди.  
Осмон — аланга...  
офтоб ҳам уфқдан.  
Карвон таланган...  
Бошланар афтода хуфтон...

Паноҳ — Худодан.  
Омон қолганини  
саодат билар.  
Саҳрода  
қибласин  
йўқотган  
одам  
Дуч келган  
томонга  
ибодат қилар...  
\*\*\*  
Кўзёшда буюк бир ҳикмат бор экан,  
Тасалли бор экан дардда, йиғида,  
Яна мен бу дарддан ёш тўкдим, бекам,  
Куйдим кўзларингнинг қорачиғида.

Сен кетдинг... узилиб тушиди томчи ёш,  
Ҳаракат тўхтади. Ҳаёт тўхтади.  
Ҳаттоки фалакда жовидон қуёш,  
Энди қотиб қолган қора нуқтадир.  
Денгизда ногаҳон тинди пўртана,  
Боғларда шамоллар босилиб қолди.  
Бандидан узилган япроқлар, ана,  
Ҳавода муаллақ осилиб қолди.  
Сен кетдинг... бу боғлар хазонга ботди,  
Кезмакдан тўхтади — ой тортди хира.  
Фалакда юлдузлар нуқтадай қотди,  
Муздек қотиб қолди хотира...  
Дунё тўхтаб қолди... Дунё — қизиқмас,  
Барчасин тўхтатди битта ишорат.  
Сен кетдинг... Бу умрим энди чизиқмас,  
Қотган нуқталардан иборат...

\*\*\*

Уммоннинг остида  
Олисга чўзилган  
Ҳали вулқонлари уйқуда,  
Титраниб қўяди  
Эшилиб рақсга тушар  
Тоғ тинглар  
гунг дунё  
оҳангларини.  
Чиғаноқ келтирар  
Чўчиб-чўчиб ҳидлар  
Долғалар гоҳ кўкка  
Гоҳ сокин мавжларга  
Тоғни  
Нима туғишини  
ўсаётир тоғ,  
силсилалари.  
бироқ  
зилзилалари.  
сувўтлар,  
садаф совутлар,  
наҳанглар уни.  
сапчир шодумон,  
айлангай яна.  
силаб-силаб қўяди уммон —  
билмаган она...

**ДОРБОЗЛАР**

Бирида лангарчўп,  
Оёғи дордаю  
боши осмонда.  
Саёғи шердай.





Бирин боши дорда,  
оёғи ерда,  
Аёли долонда...  
Моли талонда...

\*\*\*

Олисдан бир шамол гулаб эсмоқда,  
Ўтмоқда бу боғнинг эмди ёзлари.  
Кунма-кун чирмовуқ каби ўсмоқда  
Юракда гуссанинг имтиёзлари.

Меваси сочилиб ётган боғларга  
Хазон диёридан келур дараклар.  
Бундай андуҳларга, бундай доғларга  
Қандайин кўниксин вазмин  
дарахтлар.

Дунёнинг вужуди борар қувраниб,  
Сувин тортаёттир жилға, сойлиқлар...  
Жулдур камзулига ғамгин ўраниб  
Фалакда ой йиғлар...  
Кўкда ой йиғлар...

\*\*\*

Ҳаёт ўпқонидан фано аришига  
Юксалиб бормоқда мана бу одам.  
Кўнгил хуржунидан бор илинжларни  
Тўкиб ташламоқда кераксиз тошдай.  
Дунё оёғидан тубанга тортар,  
Хотин, бола-чақа унга қўшилиб...  
Тангрим, сабот бергил ушбу  
банданга,  
Унинг Сендан бошқа нажоткори йўқ.  
Ўчирма дилидан умид шамини,  
Қувват бер арқоннинг ҳар толасига...  
Ениллашиб борар юксалган сари,  
Ҳар бир нафасини қилур назорат.  
Юраги биллурдек тозариб борар,  
Юзлари ловуллар ишқ шаробидан.  
Оллоҳим, бетакрор Ўз нуринг ила

Унинг нигоҳини ром эт чунонким —  
Қулаб тушмаслиги учун ваҳмдан —  
Ерга қарамасин, ишқилиб...

\*\*\*

Орзу қилмагандик  
бу хор жасадни,  
Рух ила  
кўкларга боғланган эдик.  
Тангри  
англамабди  
бизнинг мақсадни,  
Ўзга оламларга  
чоғланган эдик.  
Оҳ, шўрлик ерликлар...  
Ғами аримас,  
Тушига сут,  
пишлоқ,  
урлар киради.  
Бизнинг тушларга-чи,  
қора ер эмас,  
Шуълалар киради,  
нурлар киради...

\*\*\*

Қуёшсиз, ҳавосиз ҳаёт йўқ дея  
таълим берар эди олимлар.  
Яқинда уммоннинг қағрини  
Кўрсатишиди телевизорда.  
Офтоб шуълалари ҳеч қачон  
Етиб бормас тубанликларда,  
Ҳавоси йўқ совуқ муҳитда,  
Фаворадек отилиб ётган  
Олтингуғурт оғулариди,  
Ҳар қандай сув ости кемасин  
Пачоқлаб қўйгудек босим остида  
Жониворлар ўйнаб юрибди  
Бир-бирин қувалаб бемалол.  
Демакки,  
Қуёшсиз, ҳавосиз мавжуд экан то —  
Ислоҳ қилишимиз керакдир балки  
Ҳаёт ҳақидаги тушунчамизни...



\*\*\*

Ўн бешинчи асрдан бери  
Таназулга учраган тоғлар,  
Қоп-қоронғу юҳо жарликлар,  
лашкарларнинг қилич-қалқони  
Занглаб тупроқ бўлган адирлар,  
Оқсоч тоғни шўр денгизларга  
Боғлаб ётган ҳолсиз дарёлар  
Узра елиб келган бу шамол  
Бугун менинг елкамга кўнди.  
Калхат қувган чумчуқ сингари  
Потирларди унинг юраги.  
Кўрқувданми, хорғинликданми —  
Юмилиб-юмилиб кетарди худди  
Мунчоқдек бенажот кўзлари.  
Муштипар шамолим, дея мен уни  
Силамоқчи бўлгандим, ногоҳ  
Ҳарир қанотини силжитиб  
Учиб кетди ҳуркак бу шамол.  
Шу кетганча энди нечанчи  
Авлодимнинг елкаларига  
Бориб кўнар экан...

билмайман...

\*\*\*

Қоп-қора  
зулмоний  
бу чангдан  
Башарнинг юзига сочди ёвузлик.  
Дунёнинг ўзидек  
қадим бу жангда  
Яна инсоният  
қилди ёлғизлик.  
Насроний мулзамдир,  
ўсал мусулмон,  
Ўзга қавмлар ҳам  
қунишиб келар.  
Ҳаводан  
ҳеч қачон  
ушалмас армон,  
Олинмаган  
хун иси келар...



Орзиқул ЭРГАШ

# Олис юлдузлар



Рассом: Оловиддин Собир ўғли

## Қисса

Уйқуни бунча яхши кўришмаса булар. Бошлари болишга тегдими, қоғишади-қолишади. Муннай гап-гап қилиб ётишмайди. Майли гаплашишмасин, лекин осмонга термулиб, маза қилиб хаёл суришса бўлади-ку!.. Ҳа, бир ҳисобда шунисиям маъқул, халал беришмайди. Бир ўзгинам жимгина тикилиб — гаплашиб ётаман юлдузчалар билан...

Шу, анчадан бери битта нарса миямдан кетмайди. Буларга айтай дейман-у, қулишадими, деб ўзимни тияман. Рост-да, ўзи кулгулироқ бир оз... Ўзимча дейман: юлдузлар баландда, жудаям баландда, ҳамма ердан кўриниб туришади. Шунақа бўлгач, ҳозир анови уруш

бўлаётган жойлардагилар ҳам кўриб тургандир. Уларгаям бизга ўшаб кечалари дам беришар. Шунда улар ҳам окопдами, чайладами, ёки шундай кенг дала ўртасидами (ишқилиб-да), чалқанча тушиб олиб, юлдузларга тикилиб ётишар... Ажойиб-да! У ёқда улар, бу ёқда бизлар — бир пайтнинг ўзида битта нарсани кўриб туришимиз мумкин...

Миямга ўрнашиб қолган нарса шуки, битта юлдузни, масалан, Маъмура опам танласалар, кейин Маҳмуд акага хат ёзсалар: фалончи юлдуз бизнинг бахт юлдузимиз, фалон пайтда унга тикилиб гапингизни айтинг. Мен бу ёқда туриб қулоқ соламан, десалар... Агар



чинакамига ихлос билан қулоқ солса, эшитса бўлади. Мана мен эшитаман ҳам, гаплашаман ҳам. Лекин, опаларимга айтай дейман-у кулишадими, деб қўрқаман. Қўрқишимнинг бошқа бир сабабям бор-да...

Айтмоқчи, танлаган юлдузим ҳақида ҳали Жўра акага ёзиб юборолганим йўқ. Чунки, хат узилиб қолган. Мана ўн бир ойни юз кўряпти. Ўн бир ой-а!.. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Хат келди дегунча, албатта ёзиб юбораман. Жўра акамга маъқул бўлади. Чунки, жудаям ёруғ, чиройли юлдуз. Ҳозирча у ос-монда йўқ. Ҳали тонгта яқин кўринади. Хув, тоғнинг тепасида чарақлаб туради...

Уни танлашим қизиқ бўлган. Тунов куни бригад бобомиз, "азаматлар, полвонлар", деб бизни уйғотиб, далага бошлаб кетди. Бориб буғдой ўроққа тушдик. Ҳеч уйқум очилмайди, мункиб-мункиб кетаман. Қоронғуда турганиб-сурганиб, чалги ураман. Яхшиям буғдойга қўшиб, қўл-пўлимни кесиб олмаганим.

Биздан олдинроқда, буғдой оралаб Жаббор амаки овоз бериб турибди. Қўрқишмасин, дейди-да.

— Ҳа, азаматларим, келаверинглар. Мана мен бу ёқдаман. Биринчи марра мана шу ер. Кейин дам оламиз. Ҳа, гаплашиб, гангир-гунгир қилиб ўринглар, уйқу қочади. Балли, балли азаматларим. Мен аскарларим, яшанглар!..

Ҳарчанд уринмайин, уйқунинг қарахтлиги кетмасди. Қўлим ишдаю, миямда алланарсалар айланишади, тик оёқда турганча туш кўриб кетаётгандайман. Бир маҳал орқамдан биров чақирди:

— Моҳира!

Аланглаб орқа-олдимга қараб олдим. Ҳеч ким йўқ. Бригад бобо олдинлаб кетган қизлар билан гаплашиб турибди. Тавба!.. Уйқум ўчиб, сергак торгдим. Қўрқа-писа қад ростлаб, яна орқамга қарадим. Кўзим ҳеч бир қорани илғамди. Менга шундай туюлдиёв, деб кўксимга "туф-туф"лаб қўйдим. Ва шу пайт олиса, тоғнинг тепасида чарақлаб турган ёп-ёруғ юлдузга кўзим тушди. Осмонда бошқа унақа юлдуз йўқ эди. Бунча чиройли бўлмаса! Чақнайди-я!.. Йўқ, у жовдираб турарди. Менинг аҳволимга ачиниб, эзилиб, лекин иложсиз-ликдан не қиларини билмай, жовдираб-мўлтираб турарди. Секин тиззамга чўкдим, қўл-оёғимдан мажол кетганди. Чунки, мен Жўра акамни кўриб турардим...

— Моҳира, озгина чида, ҳаммаси ўтиб кетади. Ҳали борсам, қўлингни совуқ сувга урдирмайман. Кўрасан, шундай кунларга етамиз ҳали! — дерди у шивирлаган овозда.

— Моҳира қизим, санмисан, — шундоқ тепамда Жаббор амаки турарди. — Нима қилди? Қўлингни кесиб олмадингми ишқилиб?..

— Йўқ, биргад бобо, кесганим йўқ, яхшиман...

— Ҳа, барака топ, қизим, ғайрат қил. Опаларингга етиб ол...

— Хўп, амаки, ҳозир етиб оламан!

— Балли, балли, қизим...

Ғайрат билан, завқ-шавқ билан ўримга тушиб кетдим. Уйқум буткул ўчган, танам қушдай енгил, дилим шунчалик равшан тортиб борардики...

Мана ўша кундан бери қанча кеч ётсам ҳамки, биргад бобо овоз бериши билан сапчиб тураман. Туришим билан кўзим даставвал ўша чақноқ юлдузга тушади. Салом бераман.

— Ассалом, Жўра ака, — дейман.

Сўнгра шапир-шупур юзимни чайиб оламан-да,

уйқу ширинлик қилиб гингшиб ётганларни чимчилаб, қитиқлаб уйғотишга киришиб кетаман. Ортимда эса Жўра акам завқланиб, кулимсираб тураверади.

Бориб ўроққа тушамиз. Қоронғуликка кўз кўниккунча тимирскиланиб, ишимиз юришмайроқ туради. Бу пайтда Жўра ака хомушланиб, жовдираб, мени юпатишга уринади.

— Моҳигинам, сени қандай кунларга қолдириб келдим. Мени кечир. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан. Озгина сабр қилсанг, бўлди...

— Жўра ака, сиз ҳечам парво қилманг, — дейман ич-ичимдан хитоб қилиб, — мен қийналганим йўқ. Қайтага бу ер менга ёқяпти. Далада, шийпонда ётиш маза экан. Энг яхши томони — қулоғим ойбийимнинг гиш-ғишаларидан анча тинчиб қолди. Сиз доим хафа бўлиб, куйиниб юрардингиз-ку, сени ўғай онангинг қўлидан қутқаришим керак, деб... Бу ерда ҳаммадан кичиги менман, эркатойман...

Қўлим ишдаю, хаёлимда Жўра акам билан мазза қилиб гаплашиб кетавераман.

... Хуллас, гапларим кўп-ку, лекин ҳаммаси ичимда қоп кетяпти-да. Опаларимга айтай десам, айтиб бўлмайдиган гаплар бари. Нотўғри тушунишлари мумкин... Эҳ, яна бир пас гаплашиб ётишса бўларди, ҳали вақт эрта эди.

— Ҳанифа опа. Ҳанифа опа!..

— Ҳм...

— Ухляяпсизми?

— Ҳа, ухляяпман, ухлаб қолганман.

— Э, ўлинг-е, — деб кулиб юбордим. — Дишакчага ўхшаб пиш-пиш ухлайсиз.

— Нима қилай?..

— Билмасам. Мени уйқум келмаяпти. Тўғрисини айтсам, кўрқаяпман. Бир ўзим қоп кетгандан кейин одам кўрқади-да. Ҳаммаларинг тош қотиб қопсизлар...

— Кўзингди чиппа юмиб ётаверсанг, сенам ухлайсан.

— Бўлмаяпти, уйқум қочиб кетди.

— Хўп, мен нима қилай, — деди Ҳанифа опа кўзини уқалаб, ўрнига туриб ўтираркан.

— Мен ҳаммаларингдан кичкинаман, шундайми? — дедим эркаланиб. — Шунинг учун, мени аллалаб, э, йўқ, алдаб, у ёқ бу ёқдан гапириб ухлатишларингиз керак. Кейин ўзингиз ухлайсиз...

— Ёқмай қолсин. Хай майли, нимани гапирай?..

— Ўзингиз биласиз... Ҳа, менга қаранг, — дедим бирдан жонланиб. — Маъмура опанинг яхши кўрганлари, биласизми, ким экан?

— Нима? — опамнинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Ҳалиги бор-у, Мақсад момо, ўша кишининг ўғиллари Маҳмуд ака экан.

— Вой, секин, секин, — деди Ҳанифа опа ҳовлиқиб.

— Э, аллақачон ҳаммаси ухлаб қолди, — дедим бепарво.

— Айтиб бўладими, — дуррачасини тўғирлаган бўлиб, қатор тизилиб ётган қизларга кўз ташлаб олди-да, секин шипшиди:

— Хўп, айт-чи, қаёқдан билақолдинг?

— Биламан-да. Мен сизникини ҳам биламан.

— Вой, ўлақолгин, бийронча, меникиям бор эканми?

Ҳанифа опам энди биров эшитиб қолишни ҳам ўйламай, бемалол жойлашиб ўтириб олди.

— Биламан эмиш. Хўп, билсанг бир бошидан айтчи.

— Ҳо, урасиз-да...

— Тентак қиз, сени урарканманми!..

— Ҳанифа опа, ўша Маҳмуд акани мен яхши эслолмайман, жуда чиройли эди, дейишади-я? Урушга кетаётганида ўн етти ёшда экан-а бор-йўғи.

— Ҳа, ниҳолдеккина эди, — деди Ҳанифа опа ўйчан тортиб. — Эндигина мўйлови сабза уриб келаётганди.

Ўрнимдан чаққон турдим-да, опамнинг қаршисига келиб, жимитдайгина бўлиб ўтириб олдим.

— Ҳозир энди басавлат йигит бўп кетгандир-а?

— Вой, қиз қозией, — деди опам завқланиб кетиб, — ҳа-да, кап-катга йигит бўп қолгандир. Неча йил ўтиб кетди. Ишқилиб эсон-омон қайтиб келсин-да. Бир гап бўлса, Маъмура адо бўлади-я...

Худди совқотгандай этим бир жунжикиб олди.

— Э, қўйсангиз-чи, яхши ният қилинг, опа.

— Ҳа, ҳа, тўғри айтасан...

— Ҳанифа опа, — дедим гапимиз қовушаётганидан тетикланиб, — ўша Маҳмуд аканинг ёлғиз онасидан бошқа ҳеч кими йўқ экан-а, ростми шу гап?

— Ҳа, рост... Шўрлик момога ёлғиз тирноқ. Момонинг эри қулоқ қилинган. Момо ўғли билан ҳов анови тоғнинг этагидан келиб қолишган. Айтмоқчи, битта қизи ҳам бўлган. Кейин безгақдан ўлган. Бир куни, қиш пайти бўлган. Даладан, қор тагидан ғўзапоя юлиб келган бир боғ. Келгану, безгақ тутиб, сандалда иситмалаб ётиб ўлиб қолган. Мақсад момо қизи олиб келган ўша бир боғ ғўзапояни ҳалигача айвони шифтида асрар эмиш. Ўша ғўзапояга қараб-чи, хумор бости бўлармиш.

— Вой, шўрликкина момоей!.. — бу гапни биринчи эшитишим эди, Мақсад момога ичим ачигандан ачиб кетди. — Биласизми, Ҳанифа опа, мен нимани ўйлайман. Мақсад момо ҳовлисида ёлғиз ўзи-я, Маъмура опа бориб айтса, мана шунақа, шунақа, мен сиз билан бирга яшайман, деса...

— Э, қизалоқ, — деди Ҳанифа опа хўрсиниб, — сенга қолса, ҳаммаси осон. Маъмуранинг ақли етмайдими шунга! Раҳми келмайди, дейсанми! Шўр-лик момони кўрганда учиб-қўнишларини кўрсанг эди. Хаёл қилсаки, югуриб бориб қучиб, ўпиб олса. югуриб-елиб хизматини қилса!.. Лекин бу мардум қўярмиди! Достон қилиб юборди-ку!..

— Э, мен бўлганимда сира ўйлаб ўтирмасдим. Гапиришса гапираверишсин. Момони ёлғиз қолдирмасдим... Ҳанифа опа, Мақсад момонинг ўзлари биладиларми?..

— Билмаса керак, — деди Ҳанифа опа иккиланиброқ, — билганида...

— Ҳа, билганида ҳар тугул кўча-кўйда кўзи тушиб турса ўглини кўргандай бўларди-да, — дедим донолик қилиб.

— Ўзинг муштдаккина бўлсангам кўп балоларга ақлинг етади-я, — деди опам меҳр билан тикилиб.

— Ҳанифа опа...

— Ҳм...

Сўрашнинг фурсати етгандию, журъатим етмайроқ турарди. Шунинг учун сирлигина қилиб, жим туравердим.

— Ҳа, бийронча, яна бир нарса сўрамоқчимисан?..

— Ўзингиз айтасизми, ё ўзим айтайинми деб турибман-да.

— Нимани айтишим керак, қизгина?

— Ўзингизни гўлликка солманг, — дедим салмоқлаб, — яхши билиб турибсиз. Мен ўзим ҳаммасини биламану, шу, ўзингизди оғзингиздан эшитгим келяпти-да.

— Сен жинни бўп қопсан...

— Айтмайсиз-а, Ҳанифа опа, — деб атай овозимни баландлатдим.

— Вой, секин, секин... Уйғотиб юборасан-ку ҳаммани!

— Айтасиз-а?

— Қизиқсан-а, Моҳи, бу ҳар кимга айтадиган гапми!

— Вой, опа-а, мен ҳар ким бўпманми?

Аразлаган бўлиб, тўп этиб ўзимни тўшакка отдим-да, бошимни буркаб олдим. Опам аразимга ишонди, секин ёнимга ёнбошлаб, бир пас жим ётди-да, кейин юпатган бўлиб аста гап бошлади.

— Моҳира, мен унақа демоқчи эмасдиму, тушунгин-да. Бунақа гапни кўнгилда асраган яхши-да... Айтиб бўладими, қизлардан бирортаси уйғоқ бўлса ёки Сафар эшитиб қолса, эртага укамнинг юзига қандай қарайман. Отамга айтиб берса-чи...

— Э, ваҳима қилманг-е, опа, — деб юбордим аразимни бир пасда унутиб, бошимни кўрпадан чиқариб оларканман. — Буни ҳеч ёмон ери йўқ-ку. Бари-бир эртаиндин, Худо хоҳласа, уруш тугайди. Йигитлар қайтиб келади. Кейин тўй қиламиз. Ҳамма билиб олади-ку барибир.

— Унда бошқа гап, сингилчам, — деди Ҳанифа опам шийпонча шифтига кўз тикканча.

Иккимиз ҳам хаёлга берилиб, бир пас жим ётдик. Енгил шабада юзларимизни сийпаб ўтди. Чангалзор ортидан дарёнинг шовуллагани элас-элас эшитила бошлади. Қишлоқ тарафдан итларнинг яккам-дуккам акиллагани келарди.

Ҳанифа опам оҳиста хиргойи бошлади:

*Бошимдаги рўмомим, чаман ичра,*

*Гул шохига илинди, чаман ичра.*

*Қимда экан хаёлинг, чаман ичра, боғ ичра,*

*Ёлғизлигим билинди, чаман ичра...*

Опам бир пас жим қолди-да, хўрсинди. Менинг томоғимга алланима қадалиб димоғим куюшгандай бўлди. Кўзларимга дув ёш қуюлиб келди. Дарҳол тескари ўғрилиб олиб, кўзёшларимни артдим. Қулт этиб ютиндим.

— Моҳи, сенга нима бўлди, йиғлаяпсанми?.. — деди опам кифтимдан секин тутиб ўзига қаратаркан.

— Йў-ўқ, — дедиму, тўлиқсиниб турганимни сездириб қўйдим. Кейин очигига кўчдим. — Опа, сиз ашула айтсангиз, мана шу еримга бир нарса қадалиб, нафасим қайтиб кетаверади. Йиғлагим келади.

Опам бирдан тетикланди.

— Вой, йиғлагинг келса, айтмайман.

— Йўқ, айтаверинг, яхши кўрганимдан шундай бўлади-да, опа, — дедим тиззалаб ўтириб олиб. — Кейин нимагадир раҳматли аям эсимга тушиб кета-веради. Ҳанифа опа, қаранг, худди кечагина бўлиб ўтгандай ҳаммаси. Лекин, сал кам етти йил ўтиб кетибди орадан.



— Ўлдинг — ўчдинг дегани шу-да, Моҳи, — деди у секин уф тортиб. Кейин оҳиста ўрнига туриб ўтирди.

— Ўша куни аям раҳматли икки тандир нон ёпдилар. Тўртовимизни ҳам чўмилтирдилар. Мени сочимни ўриб, жийда пўпагимни тақиб қўйдилар. Сочимни ўраётиб, ўзларидан ўзлари, қизим, бу сафар бошингни ювсанг, сочингни ким ўриб қўяркин-а, дедилар. Нимага унақа деяпсиз, ая, дедим ҳайрон бўлиб, ўзим айтапман-да, дедилар. Кейин насиҳат қилдилар. Қизим, энди катта бўп қолдинг. Ўнга кирдинг, сонга кирдинг, дейишади. Укаларингга бош бўл. Урма, уришма. Мехрибон бўлгин, дедилар. Эртаси кун ерталаб уйғонсам, чақалоқ қилибдилар. Кейин гаплашиб ўтириб... Ҳеч ўладиганга ўхшамасдилар. Чақалоқни эмиздилар. Кейин ҳаммамизни чақириб, кўрсатдилар. Мана Башоратой, кенжатойларингиз, уни хафа қилмасдан, катта қиласизлар, дедилар. Кейин, майли энди бориб ўйнанглар дедилар. Укаларим ўйнагани чиқиб ке-тишди. Мени сира чиққим келмасди. Холам ёнларида бош солиб ўтирардилар. У кишига айтдиларки, Муяссархон, бориб, Эшон акангизни чақириб қўясизми, дедилар. Дадам ёнларига келиб ўтиришлари билан, аям менга қарадилар-да, Моҳира қизим, ҳовлини супурдингми, дедилар. Супурдим, дедим. Ўчоқнинг кулини олдингми, дедилар. Ҳозир оламан, дедим. Борақол бўлмаса, қизим, шу ишларингни қил, ҳозир меҳмонлар келади, кўп меҳмон, айб қилиб ўтиришмасин тагин, дедилар. Хўп, дедиму барибир ўтиравердим. Худди ташқарига чиқишим билан бир нарса бўладигандай туюларди. Охири дадам бошлари билан ишора қилганларидан кейин, ўрнимдан турдим. Ташқарига чиқдим, ба-рибир эшик олдида нари кетолмадим. Аямнинг гаплари аниқ-тиниқ эшитилиб турарди.

— Болаларни сизга, сизни Худога топширдим, дадаси, рози бўлинг, — дедилар аям.

Дод деб бақиргим келадию, овозим чиқмайди. Ҳаял ўтмай дадам бечора бақириб юбордилар.

— Кўзингни оч, Мушарраф!..

Бир пасда қий-чув бўлиб кетди.

Ичкарига отилиб кирдим. Қарасам, ҳамма ўзини йўқотган, довдираган. Фақат дадам бошларини эгиб, жимгина ўтирибдилар. Аям бўлса, у кишининг қўлларини ушлаганча, ухлаб ётибдилар.

... Ҳикоямни давом эттиролмай, ўрнимдан туриб кетдим. Милтираб турган фонус тагидаги челақдан бир пиёла сув ичиб, нафасимни ростлаб олдим-да, ўрнимга келиб ўтирдим. Бу орада Ҳанифа опам ҳам кўзёшларини артиб, ўзига келиб олди. Ҳа, шўрликкина-я, деб қўйди астагина.

— Биласизми, мен барибир ношуд эканман-да, — дедим алам билан. — Аямнинг васиятларини бажара олмадим. Кўрдингиз-ку, олдинма-кетин учта укамни топширдик.

— Унақа дема, сингилчам, — деди Ҳанифа опа синиқ овозда. — Бу сенинг қўлингга нарса эмас, тақдир. Умрлари қисқа экан. Энди Умаржон катта бўлсин, ишқилиб.

— Айтганингиз келсин, кеча-кундуз Худойимга ёлвораман, мен ўлиб кетсам ўлиб кетай, Умаржонга умр бергин, дейман.

— Вой, Моҳи, ниятни бутун тиласанг-чи. У нима деганинг, санам омон бўл, уканг ҳам катта бўлсин. Ўлиб кетганинг билан ер тўярмиди?!

— Тўғри айтасиз, опа, қўрққангиз юрагимни эрдидан-да. Бир куни шу Умаржонинг юрагимни эрдидан-да. Икковимиз ишқом тагидаги чорпоёда ётиб-миз. Ўшанда қишлоққа бўри оралаб, қўйларни ёриб кетганди. Эсингиздами, ўтган йили шу пайтлар эди-да. Ваҳимада ётиб-турардик. Шу десангиз, ярим кечада турибману, уйқусираб, билмайман нима хаёлда, Умаржонни яхшилаб тўшакка ўрабман. Кейин ўрнимдан туриб, уни роса қидирибман. Молхонаю қўйхона, бостирмалар тагини титкилаб чиқибман. Охири йиғлаб, дадамлар ётган уйга кирибман. Туринглар, Умаржонни бўри обкетибди, ҳеч ерда йўқ, дебман. Дадам бечора милтиқ кўтариб, ойбийим фонус кўтариб, қидиришга тушишди. Бута борми, чангалми, тагларини қараб, ариқ-зовурларгача тушиб, роса излашди. Мен изиллаб йиғлаганча орқаларидан юравердим. Охири чарчаб, энди эртага ёруғда қидирамиз, бўлганча бўлди, деб орқага қайтишди. Мен бўлсам, яна излайлик, деб йиғлайман.

Ойбийим келиб, ҳалиги биз ётадиган чорпоёга ўтирди-да, бирдан бақириб юборди. Мана-ку, деб. Келиб қарасам, Умаржон маза қилиб, ҳеч нарсдан беҳабар ухлаб ётибди. Ойбийим бошлаб шапалоқ туширдик, кўзларимнинг олови чиқиб кетди.

— Вой, бераҳм-ей, — деди Ҳанифа опа бошини сараклатиб.

Мен кулдим.

— Биласизми, ойбийимни жуда қаттол деб ўйлашади. Лекин унақа эмаслар. Кўп уришади, қаргайди, тўғри, лекин ҳечам урмайди. Ургани фақат ўша бўлган. Унгайм ўзим айбдор эдим-да... Биласизми, нимага урмайдилар, қўрқадилар. Сизларни уриб бўлмайди, оқсуяксизлар, дейдилар. Ўша бир шапалоқ урганидаям, қўллари бир неча кун елкаси аралаш қақшаб, юрган экан... Кўп гапириб юбордим-а?.. Ҳанифа опа уйқунгиз кеп кетгандир-а?..

— Йўғ-е, қайтага уйқум қочиб кетди.

— Биласизми, аям раҳматли ҳалиги қўшиқни яхши кўрардилар. Ҳеч ким йўқлигида, бичиш-тикиш қилиб ўтириб, хиргойи қилардилар доим...

Ҳанифа опа иккимиз тўшакка узала тушиб, хаёл суриб ётибмиз. Лекин, менинг сираям уйқум келмасди.

— Битта нарса айтсам, кулмайсизми, Ҳанифа опа, — дея гап қотдим ўзимни тиёлмай.

— Кулмайман, айтавер, — деди опам бечора раъийимни қайтармай.

— Ҳар битта одамнинг ўз юлдузи бўлади, дейишади-я?

— Шунақа дейишади. Одам ўлса юлдузи ҳам сўнармиш ёки тесқарисими, юлдузи сўнса одам ўлармишми, ишқилиб...

— Э, ўлимни гапирманг-е, опа, ҳа, эшитинг-да, мен айтаманки, ҳар битта одамда биттадан эмас, ҳар иккита одамда битта юлдуз бўлади.

— У нима деганинг?..

— Икки киши, масалан, Маъмура опам билан Маҳмуд аканинг битта юлдузи бор. Бахт юлдузи.

— Вой зумраша-е, — Ҳанифа опа тирсагига таяниб менга қаради. — Гапларинг одамнинг бошини айлантириб қўяди-я! Хўш, менинг тушунишимча ҳар битта жуфтнинг битта бахт юлдузи бўлади. Шундайми?

— Ҳа-да.

— Ўзи айтишади-ку, ҳар бир киши жуфти билан

яратилади, деб. Бундан чиқади, уларнинг юлдузи ҳам азалдан белгиланган бўлади, шундайми?..

— Худди шундай, — дедим Ҳанифа опамни қизиқтириб қўйганимдан завқланиб кетиб.

— Унда қандай аниқлаш мумкин, масалан, мени, йўғ-е, Маъмура опангни юлдузини?..

— Бунинг йўли битта, — дедим-да, ўрнимдан туриб, шийпон устунни ёнига бориб ўтириб, юлдуззор осмонга тикилдим. — Улар икковлашиб излашлари керак. Икковининг кўзига баравар иссиқ кўринган юлдуз ўшаларники бўлади.

— Биз биргалашиб топиб берсак бўлмайдами?

— Бўлмайди. Биз аралашолмаймиз. Опам хат ёзсинлар. Маслаҳат сўрасинлар Маҳмуд акадан.

— Айланай сенгинадан, — деди Ҳанифа опамнинг кулфи диллари очилгандан очилиб. — Миянга гап қайнаб ётади-я!.. Айтмоқчи, сен ўзинг танлаганмисан юлдузингни?

— Аллақачон.

— Ростданми, қани қайси юлдузни танлагансан, кўрсат-чи!..

— Э, ҳозир иложи йўқ. Ҳов тонгга яқин чиқади у.

— Зухро юлдузими?

— Худди ўша! — дедим мақтаниб.

— Ўша Зухро юлдузи илгари сену менга ўхшаган қиз бола бўлган экан-а.

— Йўғе, ростданми?!

— Ҳа-да, билмасмидинг?

— Йў-ўқ...

— Ана, сен билмайдиган нарсалар ҳам бор...

Бўлмаса эшитгин. У камбағал бир деҳқоннинг қизи бўлган. Зухронинг гўзаллигини эшитган подшо ғойибона ошиқ бўп қопти-да, унга совчи қўйдирибди. Ота-онаси ноилождан рози бўлишибдию, қиз рози бўлмабди. Севган йигитим бор, ўшангга тегаман, дебди. Подшо газабланиб, унинг севган йигитини топдирибди-да, дорга осибди. Дорнинг оғочи узун, жуда-жуда баланд экан. Зухро кечаси келибди-да, йигити осилган дор оғочига тирмашиб чиқаверибди, чиқаверибди, дорнинг бошига етибди. Ундан у ёғи осмонга бир қадам йўл экан. Тонгда подшонинг одамлари келиб, унга бақириб-чақирибди, пастга туш, дейишибди. Қиз кўнмабди. Барибир у ёқда ўтириб жон сақлолмайсан, тушасан бир кун, дейишибди.

— Тўғри, тушаман, қачонки ерда зўравон подшолар йўқолиб кетса, кейин тушаман, — дебди-да, кўкка чиқиб кетибди. Ана ўшандан бери ҳар кун тонг отарда чиқиб, ерга мўралаб қараб қўярмиш...

— Вой бечорагина...

— Моҳи, менам гапга унча нўноқ эмасману, лекин қоғоз-қалам олишим билан миямда ҳеч нарса қолмайди. Бир энлик хат ёзишим кун бўйи пахта чопиқ қилишданам қийин бўп кетади. Бўлди, менга гап топиб бердинг. Ана шуларни ёзиб юбораман.

— Росттанам ёзмоқчимисиз шу гапларни? Айтмоқчи, кимга эди?..

— Ҳа, Самар аканга-да!.. Вой, нималар деяпман, билиб қўйдинг-ку!..

Кулиб юбордим.

— Ўзимам билардиму, фақат ўз оғзингиздан эшитмоқчи эдим-да!..

— Сен тушмагурдан бир нарсани яшириб бўларканми, — деди бечора Ҳанифа опам енгилганини

тан олиб. — Одамни гангитиб қўйиб, ичидаги гапларни аста-аста чиқариб оласан.

Ўзларини аниқ кўрмаётган бўлсам-да, сулувгина Ҳанифа опамнинг қип-қизариб, янаям очилиб кетганларини пайқаб турардим.

— Хўп, менга айтинг, опа, — дея бидирлаб яна давом этдим, — эрта бир кун уруш тугаб, акаларимиз қайтди дейлик. Улар тўғри бу ёққа келишса, бизлар бугдой ўриб ёки бўлмаса, пахта чопиқ қилиб ётган бўлсак. Тўғрисини айтинг, нима қилардингиз? Чидай олмасдингиз-а, тўғри бориб Самар аканинг бўйинларидан ачомлаб олардингиз-а?..

— Вой-вой, худо асрасин-а, — деди Ҳанифа опа юзларини қўллари билан бекитиб. — Шарманда қизнинг гапларини қаранглар!..

— Мен бўлсам шундай қилардим, — деб ўрнимдан турдим, — тўғри борардим-да, мана бундай қилиб, — дея устунни кучдим, — Жўрахўжа акамни кучиб олардим.

— Ким, Жўрахўжа?! — деб бақириб юборди у.

Мен вой дея бўшашиб ўтириб қолдим.

— Тентак қиз, ахир унинг оиласи бор-ку!..

Бир пас қарахланиб ўтирдим-да, кейин индамай ўрнимдан туриб, тўшагим устига бориб чўқдим.

— Унинг оиласи бор-ку, жиннивой, — деди опам койиган, шу билан бирга ҳамдардлик билдиргандай бўлиб.

— Биламан, бор, — дедим ўкинч билан, — лекин унга кўнгли йўқ.

— Қаёқдан биласан кўнгли йўқлигини?

— Ўзи айтганди. Барибир урушдан омон қайтсам, бирга бўламан. Сени ўгай онангни қўлидан опкетаман, деганди.

— Бечора хотини умид билан йўл қараб юрибди-ку.

— Биламан, — дедим қуруққина қилиб, — лекин менам кутяпман. Ўн бир ойдан бери хат-хабар йўқ. Хотини нукул йиғлайди. Барибир ўлган, бўлмаса хат келарди, дейди. Қайтангга чол-кампири эзиб юборди. Мен бўлсам, умуман йиғламайман. Бориб бобом билан энамни юпатиб келаман. Чунки, биламанки, Жўра акам келади, соғ-омон келади. Менга айтиб кетган. Сизлар билмайсизлар, у ўша охириги куни оқ отига миндириб, ўзи жиловидан тутиб, шу ергача пиёда опкелиб қўйиб кетганди. Мени шу ерда кут. Албатта келаман. Мана шу тулпо-римда келиб, сени қишлоққа опкетаман, деганди. Шунинг учун мен ҳеч қачон ёмон хаёлга бормапман. Фақат яхши ният қиламан. Худо айтган эканки, ниятингга яраша бераман, деб. Майли, у йиғлайверсин. Лекин, мен йиғламайман...

Ҳанифа опа менга унсиз тикилиб қолди-да, бошини сараклатди.

— Дардинг қаттиқ экан сен бечораниям!..

— Э, опа, сиз билмайсиз-да, аввал у менга совчи қўйганди. Дадам бермагандилар.

— Тўғри-да, ёш бўлгансан. Ўн бешдамидинг?..

— Йўқ, унинг учунмас, ойбийимдан қўрқиб йўқ деган. Уларга дастёр керак бўлган-да. Кейин Жўра акамнинг отаси биз чол-кампирадлар ёлғиз қолмайлик деб бошқа келин қилишган. Жўра акам урушга кетаётгани учун йўқ деёлмаган. Мен хафа эмасман у кишидан.

— Вой қизалоқ, қизалоқ, биласанми, одамнинг ҳаваси келади сенга, — дея Ҳанифа опа мени бағрига босди.



— Қўйсангиз-чи, мен сизларга ҳавас қиламан. Бунча чиройли бўлмасангизлар... Биласизми, Ҳанифа опа, — дея унинг бағридан чиқиб рўпарасига ўтириб олдим, — мен мудом тушимда тўй кўраман. Ҳаммаларинг бараварига келин бўлган бўласизлар.

— Ўзинг-чи, — деди Ҳанифа опам сочларини силаб.

— Э, мен ёшман-ку, — дедим уялиб, — меники кейинроқ-да. — Ҳа, эшитинг-да, шундай қилиб тушимда тўй кўраман-да, тўйхона мана шу шийпонимиз бўлади. Кўёвлар оппоқ отларга миниб, чанг-тўзон кўтариб келиб қолишади. Ҳаммаси бир хилда аскарча кийинишган бўлади. Кейин қишлоқдан одамлар келишади. Ҳов анови ерда дошқозонлар ўрнатишади. Гулхан ёқишади. Атрофида ўйин-кулгу бошланади. Лекин-чи, алам қиладиган жойи — тушимни ҳеч охиригача етолмайман. Милтиқлар гумбурлаб қоладими-ей ёки манови тўқайга ўт кетадими-ей, ишқилиб...

Шу пайт қатор тизилишиб ётган қизлардан бири бошини кўтарди.

— Ҳей, менга қаранглар, ухлагани кўясизларми, йўқми?!

— Вой, Маъмура, уйғоқминдинг, — деди Ҳанифа опам уялганидан ўзини йўқотиб қўйиб.

— Ростини айтсам, мен опамнинг уйғоқ ётганларини билардим, — дедим очигига кўчиб.

— Сен бийрончанинг билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ, — деди Маъмура опам ёлғондақа пўписа қилиб. — Уйғоқ эдилар эмиш. Гўнғир-гўнғир қилиб уйғотиб юбордиларинг-ку!.. Эссиз-а!..

— Ҳа, нимага эссиз деяпсан, — Ҳанифа опам қизиқсиниб.

— Яхшигина туш кўраётгандим.

— Қанақа туш экан, Маъмур?

— Туш-да.

— Айта қолинг, жон опа, — дедим эркаланиб.

— Ҳа, майли... Оқ отларни туш кўрибман, — деди Маъмура опам ўзига ярашган сиполик билан.

— Ана, Маъмура опам ҳам оқ отларни кўрарканлар, — дедим чапак чалиб.

— Тўй бўлаётган эканми? — деди Ҳанифа опам жилмайиб.

— Ҳа, манови жинқарчани эрга бераётган эканмиз.

— Ҳо, бекор айтибсиз, алдаманг!..

Маъмура опа бир пас жим қолди-да, кейин жиддийлашиб давом этди?

— Ростини айтсам, бийрончам, сени шийпонда қолишингга аввал рози бўлмагандим. Кейин ўша ойбийингни турткилашидан нарироқ бўласан-ку, деб кўнгандим. Ҳозир ўйлаб қарасам, тўғри қилган эканман, — деди опам овозида меҳр товланиб. — Сен бизга жудаям керак экансан.

Бу гаплардан мойдай эриб, кўнглим аллатовур юмшаб кетди.

— Энди биласанми, нима, озроқ мизгиб олгин. Уйқунг келмаётган бўлса, алла айтиб ухлатамиз, хўпми эркатойим. Ҳадемай биргад бобонг чақириб кеп қолади. Тагин уйқуни карахтлиги билан буғдой ўраман деб, қўл-пўлингни кесиб қўймагин.

— Ҳа, майли-майли, ухлайману, лекин алла айтсаларинг, уяламан-да, — дедим тантиқлигим тутиб. — Кап-катта қиз бўлсам...

— Ҳеч уялма, кап-катта қиз эмиш, — деди Ҳанифа опам эркалаб. — Маза қилиб ётавермайсанми. Қанийди менгаям биров шундай деса.

— Бўпти, бўпти, — дедим мурасага келиб. — Фақат битта шarti бор. Алла айтинглари, лекин аввал шундай ният қилинглари: уруш тугаган, эрларингиз...

— Нима?! — деб юборишди икки опам ҳам бараварига.

— Э, кечирасизлар, — дея дарҳол хатомни тузатдим, — йигитларингиз эсон-омон келишган. Гумбур тўйлар ўтган. Орадаги тўққиз ой ҳам ўтган...

— Ҳа, тушмагур, тўққиз ойниям билади, — деди Ҳанифа опам завқланиб.

Мен давом этдим:

— Ўғилми, қизми — дўмбоқчаларингиз қўлларингизда. Сизлар алла айтаяпсизлар, бўптими?!

Таклифим ёқиб кетдими, бўпти, бўпти, деди опаларим кулишиб. Кейин галма-галига алла айтишиб, мени ухлатишга киришишди...

Лекин, мен учун алла айтишиб, ўзлари ухлаб қолишди. Бечора опажонларим роса чарчашган-да. Ҳа, майли, энди менам ухлайман. Бўлди, роса саннадим. Лекин, яхши бўлди-да, анча кўнглимни бўшатиб олдим. Эмасам ичим ёрилиб кетарди-да!.. Ҳанифа опам койимади, демак тушунди. Маъмура опамнинг пишиқлигини-чи. Ухлаган киши бўлиб ҳаммасини эшитиб олди-я. Билади-да, ўзига икки дунёдаям айтмайман бу гапларни... Шу ишим тўғри бўлдимикан, ишқилиб? Маъмура опам тилига маҳкамку-я, Ҳанифа опам соддалик қилиб оғзидан гуллаб қўйса, кейин қулоққа қулоқ ўтиб, вуй... бутун қишлоққа ёйилса-я!.. Жўра акамнинг уйидагилар эшитса, янгам аразлаб кетиб қолса! Шар-мандалик! Ҳаммадан бурун бечора чолу кампирнинг ҳоли не кечади!..

Кўркувга тушиб, этим бир увишдию, ўзимни қўлга олдим. Э, худо асрасине, унчаликка бормас... Ҳар ҳолда Ҳанифа опамга тайинлаб қўйсам тузук. Бировга айтиб қўймасинлар...

— Ҳанифа опа... Опа, — дедим секингина.

Лекин, энди чинданам ухлаб қопти шекилли, опам қимир этмади. Ҳа, майли, эртага айтарман. Энди ўзимам ётсам бўлар. Хиёл чарчагандай бўляпман...

Бир чимдим ухладимми, йўқми, худди биров туртгандай уйғониб кетдим-да, шу заҳоти шийпоннинг кун чиқар тарафида чарақлаб турган юлдузга кўзим тушди. Қувониб кетдим. Жўра акам!

— Ассалом, Жўра ака!

— Салом, Моҳи! Озроқ дам ололдингми?

— Ҳа, роса. Биргад бобо ҳалигача келмабдими?

— Бир оз кечиккан кўринади. Шунисиям маъқул, бафуржа гаплашиб оламиз.

— Э, нимасини айтасиз, шунчалик орзу қиламанки, бирор кунгина саҳарда ўроққа тушмасак, деб. Йўқ, саҳар мардондан чақириб келади, азаматларим, полвонларим, деб. Лекин, ўзи жуда яхши одам, ҳеч кимнинг дилини оғритмайди. Э, нариги қишлоқда Фармон биргад дегани бор экан, от миниб юраркан. Қамчисидан қон томади, дейишади. Жаббор амакимиз беозор одам. Ҳеч кимни тиндирмайдиам, хафаям қилмайди. Бир қўлини бўйнига боғлаб олган, урушдан ногирон бўлиб келган. Кечаси ё азонда буғдой ўриб кетаверамиз, у киши йигирма-ўттиз қадам олдинда овоз бериб туради. Ўзини кўрмаймизу, овозидан мўлжал олиб, ўриб бораверамиз. Айтадики, мана шу мен турган ер

марра, шу ерда мириқиб бир дам олиб оламиз, дейди. Қанча гайрат қилсак ҳам ҳалиги маррага етишимиз қийин бўп кетади. Нега десангиз, бизларга сездирмай, секин-секин орқасига тисарилиб боравераркан-да. Буни опаларим сезишса ҳам хафа бўлишмас экан. Хафа бўлиш ҳам ўринсиз-да, барибир эртами, кечми, ўзимиз қиладиган иш. Тезроқ тугатсак яхши-да! Негадир бутун кеч қоляптилар, тинчликмикан ишқилиб?..

— Келади, хавотир олма.

— Буларга қўшилганимга йигирма кунча бўп қолди. Ўтган йили, аввалги йиллар ёшсан деб, мени ўзларига қўшишмас эди. Э, бирам яхши-ку улар. Айниқса, Маъмура опам билан Ҳанифа опам икковлари. Қаранг, ўрталарига олиб ётишибди мени. Далада ҳам шундай. Эҳе, иш шунақа кўпки, ҳали биргад бобо келса, бориб чошгоҳгача бугдой ўрамиз. Тўғри, қишлоқданам аёллар, кексалар, болалар келади. Лекин, улар тонг ёришгач келиб, куёш ботар-ботмас қайтиб кетишади. Асосий юк бизларнинг бўйнимизда, ана шу ўн икки қизнинг бўйнида. Айтмоқчи, Ҳанифа опамнинг укаси Сафаржонни бизга кўз қилиб қўшиб қўйишган. Ҳар тугул ўғил бола-да, қизлар ёлғиз қўрқиб юришмасин, дейишган-да. Шундай қилиб чошгоҳгача бугдой ўрамиз-да, кейин пахта чопиққа тушамиз. Кечқурунги салқинда яна ўримни бошлаймиз. Кун қизигида бўлмайди, бошоқлар куруқшаб, дон тўкилади. Бир ҳафтача бурун арпа ўримини тугатгандик. Ҳали бугдойни йиғиштирсак, шולי ўрим бошланади. Ундан ташқариям бир-икки кун дарё тўшишга опкетишди. Бу йил дарё дамба-дам то-шиб турибди, юқоридаги қишлоқлардан бир-иккита уйларни олиб кетди... Ҳа, яна гўнг ташитишди, дори майдаладик. Ҳали ёз охирида ҳар хил ҳашарлар чиқади, томсувоқ дейишади, хирмонжой ҳозирлаш дейишади. Кейин у ёғига пахта терими бошланади. Ҳаммасига биз кўндаланг бўламиз. Биргад бобо шу-нинг учунам мудом алқаб юради-да, полвонларим, деб... Нега индамай қолдингиз?.. Йўқ, ҳечам қийналмайман, кўникканман. Ундан ташқари ҳозир кимгаям осон. Ўзингиз кўриб юргандирсиз, у ёқларда ёш қизларгача милтиқ кўтариб, урушиб юрганмиш-ку! Кейин яна бир гап: авваллари манови тўқайзорга қараб юрагим ҳарос олиб юрди. Кечаси ҳаммадан бурун ётиб олмоқчи бўлардим, аксига олиб уйқум қочиб кетарди. Ўзи қизиқ-да, нега энди манови шийпонни овлоқдан овлоққа олиб келиб қуришди экан. Шийпон дегани далаларнинг ўрта бир ерида бўлгучи эди. Бу эса далалар тугаган жойда, тўқайзорга тақаб қурилган. Тўқайнинг бош-адоғи йўқ. Унга оралаш тугул, бир чеккасидан қараб турсангизам сесканасиз. Худди алламбалолар чиқиб келаётгандай бўлаверди. Лекин, бекорга чўчиб юрган эканман. Қўрқмаслик керак экан. Ҳанифа опам айтдики, у ёққа қарамагин ҳам, ўйламагин ҳам, деди. Сабил қолгур, қарамайман деб қанча тиришсам ҳам кўзим ўз-ўзидан тушавера-ди. Охири йўлини топдим. Юрагимни ботир қилдим-да, тўшакка ўраниб олиб, тўқайга тикилиб ётавердим, ётавердим. Қизиқ, аста-секин тўқайнинг ваҳимаси йўқолиб, юовш тортиб қолди. Ҳатто баъзида, бу ёққа кел, қизалоғим, деб чақираётгандай ҳам бўлади. Шу, бир айланиб чарх уриб чиқсамми, деб кўяман ҳам ўзимча... Ҳа, сизга айтмоқчи бўлиб юрган яна бир нарсам, ўтган йили мана шунақа пайтлар битта воқеа бўлган экан. Лекин қизлар келишиб олиб, ҳеч кимга ҳеч нарса дейишмабди. Менга Ҳанифа опам айтиб берди...

Бир куни ярим кечаси қизлар уйғониб кетиб қарашса, бошлари томонда бир милтиқли киши ўтирганмиш. Қий-чув қилиб, бурчакка тикилиб олишибди. Ҳалиги одамнинг соч-соқоллари ўсиб кетган, эгни-боши аллатовур. Лекин кўзлари жиққа ёш эмиш. Аввал роса қўрқибган бўлса, кейин ҳайрон бўлишибди. Мендан қўрқманглар, дебди ҳалиги одам, тўғри, урушдан қочиб юрибман, лекин номардликдан, қўрқоқликдан бундай қилмадим, дебди. Мен гулдай қизларини бундай ваҳший тўқайзорга ҳайдаб қўйган ҳукумат учун қон тўкишдан ор қиламан, холос, дебди. Ҳалиги одамни танишибди-ю, лекин қишлоқдагиларга айтишмабди. У бошқа кўринмабди. Урушга қайтиб кетган бўлса керак, дейди Ҳанифа опам. Чунки, ўша куни қизлардан бири унинг орқасидан бориб, бир нарсалар деб йиғлаб-ёлворганмиш. Қизнинг кимлигини айтмади опам. Ҳечқиси йўқ, ҳали билиб оламан...

Хуллас, ана шунақа гаплар, Жўра ака... Сиз нима деб ўйлайсиз, ҳалиги одамнинг гапи тўғрига ўхшайдию, лекин урушдан қочиб юриши барибир нотўғри-да, шундай эмасми?..

— Шундай. Умуман, мен ҳам бу ерларда кўп нарсаларни кўрдим, кўзим очилди. Насиб қилса, ҳали айтиб бераман. Менимча ҳам аёл зотини бунақа ҳимоясиз ташлаб қўйиш яхши эмас, гуноҳи азим!

— Ҳимоясиз эмасмиз-ку. Масалан, мен учун мана сиз борсиз. Қўрқмайман.

— Моҳигинам, сен ҳалиям гўдаксан. Ахир мен сендан қанчалар олисда эканимни биласанми?! Мен бор-йўғи юлдузман, олис бир юлдуз! Худо кўрсат-масин, сенга бир нарса бўлса, қўлимдан нима келади? Жовдираб, мўлтираб тураверишдан бошқасига ярамайман-ку!

— Унақа деманг. Қанча олисда бўлсангизам, майли. Фақат омон бўлинг. Сизнинг бу дунёда борлигингизнинг ўзи менга етади. Эҳ, билмайсиз-да, айниқса шу кеча-кундузлар мен чарчаш нималигини, ғам-ташвиш нималигини билмайман. Ҳамма ҳайрон бўлиб қарайди, ҳавас билан қарайди. Сабабини тушунишмайди. Мен бўлсам, сабабини айтиб, бутун дунёга жар солгим келади, бахтимни кўз-кўзлагим келади... Ҳалигина сиз ҳақингизда опаларимга айтиб бердим. Мени тўғри тушунишди, ҳатто ҳаваслари келди... Жўра ака, негадир безовтасиз?..

— Бригадиринг ҳаяллади. Тезроқ келса бўлармиди...

— Кеп қолар... Вой, Жўра ака, нима у? Бир нарса ириллагандай бўлдимми?.. — Атрофга алангладим, кўзим ҳеч нарса илғамади. — Э, ўлсин, дайди итлар бўлса керак...

— Қўрқма, Моҳи, — деди Жўра ака, овозида қўрқув туйдим. — Ўзингни бардам тут.

Нимадир яна ириллади, кетидан увлаб юборди. Қалин тўқайзор чеккасидаги қамишзор безовта чайқалиб, уларнинг остидан икки кўланка сирғалиб чиқди. Этим музлаб, титраб кетдим.

— Вой, бўри-ку, Жўра ака, иккита бўри!..

— Ҳа, бўри. Лекин сен қўрқма, айтганимни қил!

Бўрилар тўқай чеккасида диккайиб ўтиришди, шийпон тарафга қараб ириллаб қўйишди. Тишлари ярқираб кетди.

— Вуй, Жўра ака, улар мени кўрди. Нима қилай?..

— У ёққа қарама. Маъмурани уйғот, Ҳанифаниям!..

— Хўп. Маъмура опа, опа, туринг. Тез туринг!..



Маъмура опам кўзини очдию, нима бўлди ҳам демай, ўрнидан сапчиб турди. Чунки, худди шу маҳал бўрилар яна увлаб юборишган, опам дарҳол аҳволни тушунганди. Унинг биринчи қилган иши, дарҳол шийпон чеккасига борди-да, у ерда қалашиб ётган кетмонлардан бирини қўлига олди. Кейин бўрилар тарафга синчиқлаб тикилди. Мен анча юрагимни босиб олиб, Ҳанифа опамни уйғота бошладим.

— Ҳанифа опа, туринг, тез бўлинг...

— Ҳа, ҳа, нима гап, биргадми? — деди у уйқусираб.

— Йўқ, биргадмас, туринг, кўрасиз.

— А, нимани кўраман, Маъмур, нима у, бўримми?! Вой, ўлай, бўри, энди нима қиламиз!..

— Ҳанифа, секин. Қўрқмагин, Сафарни уйғот, — деди Маъмура опам босиқлик билан.

Лекин бўрилардан кўзини узмади. Бўрилар безовталаниб, тўқай чеккасида изгишар, нимагадир бир-бирига қараб ириллаб қўйишарди. Ҳанифа опам бошигача бурканиб олган укасини турткилай бошлади.

— Сафар, Сафаржон, тур, укажон, тургин...

Сафар қимир этмасдан ётарди. Охири Ҳанифа опам бақириб юборди.

— Турсанг-чи, Сафар ўлгир!..

— Секин, бошқаларни кўрқитиб юборасиз, опа, — дедим даг-даг титраб.

— Тўгри, ҳеч ким ваҳимага тушмасин, Моҳи, — деди Жўра акам қувватлаб. — Энди бошқаларни ҳам уйғотинглар. Маъмурани тўхтат, у ёққа бормасин.

Қарасам, Маъмура опам кўлида кетмонни маҳкам тутганча, шийпондан тушпача.

— Маъмура опа, тўхтанг, ундай қилманг.

Моҳи, гулхан ёқинлар, гўзапояни ёқинлар, — деди Жўра акам йўл-йўриқ кўрсатишда давом этиб.

— Маъмура опа, гулхан ёқамиз, бўрилар оловдан кўрқишади.

Маъмура опам ортига қайтди. Устунга осиглик фонусни қўлига олиб, пилигини кўтарди. Кейин бўриларга пўписа қилгандай, фонусни серпай бошлади. Бўрилар унга қараб тек қотишди. Кўзлари ёниб, бир-икки ириллаб қўйишди. Мен шийпон биқинидаги гўзапоялардан икки боғини судраб келиб, опамнинг оёғи тагига ташладим.

— Опа, гугурт беринг.

Опам нимчаси киссасидан гугурт олиб узатди-да, яна фонусини силкита бошлади. Ҳанифа опам ўзини йўқотиб қўйганча, йиғламсираб, Сафарни турткиларди.

— Моҳи, Сафарни тинч қўйинглар, у турмайди.

— Хўп, Жўра ака. Ҳанифа опа, Сафарни қўйинг, бошқаларни уйғотинг, — дедим гугурт қақиб, гулхан ёқинга тутинарканман. — Ҳей туринглар, келинлар бу ёққа!

Маъмура опам ҳам менга ёрдамлаша бошлади. Ҳайронман, кап-катта опаларим мен нима десам бажаришяпти. Ўз-ўзидан уларнинг каттасига айланиб қолгандим. Гўзапоя буруқсаб бир тутун чиқарди-да, кейин чарсиллаб ёна кетди. Мен ботирланиб, яна икки боғ гўзапояни судраб келдим.

— Баракалла, Моҳи. Ана шундай, қизларга айт, ҳеч ким шийпондан узоқлашмасин.

Аввалига қий-чув қилиб, шийпонни бошларига кўтарган қизлар, ўзларини босиб олишиб, гулхан ёнига келиб, бўридан ҳурккан қўйлардек гўм-гўж бўлиб олишди. Ўттиз қадамча нарида эса икки бўри диккайиб ўтирибди. Кўзлари олов ёлқинида ёниб-ёниб кетади.

— Вуй, Маъмура, уларди кўзига қара, ёниб борапти, — деди Ҳанифа опам даг-даг титраб.

Шу пайт бўрилар ўрнидан қўзғалиб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Қизлар қий-чув кўтариб юбориши билан, яна тек қотишди.

— Уларга қараманглар, Моҳи, Қаршибой деб бақиринглар!..

Осмонга қарамасам-да, бечора Жўра акамнинг жовдираб, титраб-қақшаб бораётганини ҳис этиб турардим.

— Маъмура опа, Қаршибой деб бақирайлик, — дедим Жўра акамнинг фикрини дарҳол илғаб олиб. — Бўриларди жағи қаришиб, оғизларини очолмай қолишади.

Тавба, опаларим яна сўзсиз бўйсунди. “Қаршибой”, “Қаршибой” деб бараварига бақира бошлашди. Қарасам, бечора Сафар ҳам ёнимизга кеволиб, “Қаршибой”, “Қаршибой” деб турибди. Ўзим не аҳволдаману, унинг қилиғидан кулгим қистайди.

— Моҳи, дадил бўл, гулханни баландроқ гурлатинглар. Янаям!..

— Хўп бўлади, Жўра ака!..

Чопқиллаб бориб, яна гўзапоя келтирдим. Дарҳол боғини узиб, олов устига ёйиб ташладим. Узун таёқ билан олов бағрини очиб, қўзғатдим. Гулхан шийпон баравар бўлиб, ҳар ёққа учкун сачратиб, ловуллаи кетди. Бундан руҳланган опаларим янада авжланиб, бақира бошлашди. Баъзилари кетмону ўроқларни олиб, бир-бирига уриб, даранглатишга тушишди. Шовқин-сурондан ҳурқишдими, оловдан кўрқишдими, ҳайтовур бўрилар бирин-кетин чангалзорга кириб гойиб бўлишди...

Атроф тинчиб қолди. Гулхан ҳам вазифасини бажариб бўлиб, пасая бошлади.

— Моҳи, энди бир коса муздай сувдан симиргинда, ётиб ухла. Хатар ўтди, — деди Жўра акам енгил тин олиб.

— Хўп бўлади!..

Жўра акамнинг айтганини қилдим-да, секин бориб тўшақка узандим. Опаларим келиб, атрофимга давра олиб ўтиришди. Улар аллатўсин маъюсланиб, менга кўз тикиб ўтиришар, бир оғиз ҳам сўз қотишмасди. Қайси бири бир чеккада пиқ-пиқ этиб йиғларди. Шийпоннинг кун чиқар тарафида, осмон этагида, бир ўзгинаси ҳорғин милтираб турган юлдузимга кўз тикканча, ухлаб қолдим...

Ўнгимдами, тушимдами Жаббор аканинг куйиб-пишиб гапираётгани қулоғимга кира бошлади.

— Ҳа, Худо бир асрабди. Кечаси билан кўнглим алағда бўлиб чиқди-я. Бесабаб эмас экан-да. Бўлди, ҳозироқ раисга чиқиб айтаман. Қишлоқдаги ҳамма ишимни йиғиштираман-да, шийпонга бориб ётаман, дейман. Инвалид ҳолиманда менам қишлоқ билан шийпон ўртасида улоқ бўлдим. Боз устига кечаси билан хаёлим сизларда. Бўлди-е, менга деса!.. Ўзи шу кунлар қонимга ташна бўлиб юрибман. Ҳар куни ноҳуш бир хабар!..

— Яна қанақа хабар?..

Бу Ҳанифа опамнинг овози эди.

— Саҳар пайти бу ёққа отланиб турсам, ҳамсоямиздикида қий-чув бўлиб қолди.

— Нимага?..

— Нимага бўларди, Жўрахўжадан қора хат келибди.

— Амаки, жим бўлинг, гапирманг!..

— Хўп, қизим, хўп...

Энди тушундим, эшитаётганларим ўнгимда экан. Ўрнимдан сапчиб турдим.

— Нима дедингиз? Кимдан дедингиз? Жўра акам?..

Ёлгон, ёлгон денг!

— Ёлгон болам, мен шунчаки... — деди Жаббор амаки довдираб.

— Жўра акам тирик. У ўлмайди. Ўлмаслиги керак!..

Шундай дедиму, яна узала тушдим...

Бирдан енгил тортдим. Танам бир ҳовуч парга айланди. Уча бошладим. Учаяпман, учаяпман, шийпонимиз пастда қолиб кетди. Опаларим пастда қолиб кетди. Бундай қарасам, шийпонимиз гугурт қутичадайгина бўлиб кўринди. Тўқайзор эса, бош-адоғи йўқдай, ваҳимали бўлиб ётарди. Бир парчагина жой экан-ку. Нарёғида анови илонизи бўлиб кўрингани дарёдир-да. Кичкина ариқча экан бор-йўғи... Шунчалик баландга чиқиб кетибманми?.. Вуй, бирдан тушиб кетсам-а!.. Йўқ, тинмасдан учиб, баландлаб кетяпман. Охири ер кўринмай қолди. Ҳамма ёқ осмонга, ўзим яхши кўрадиган юлдуздор осмонга айланди. Бирдан қувониб кетдим, завқ-шавқ билан қанот қоқдим. Учишим тезлашди.

Юлдузлар ҳам менга қараб шитоб билан кела бошлашди. Тагин бирортасига урилиб кетмасайдим, деб хавотирга ҳам тушиб-қўйдим. Қаёқда! Ҳеч уларга етолмасдим. Тавба! Кейин эслаб қолдим: эшитгандимки, юлдузларга етиш учун ойлаб, йиллаб, ҳатто асрлаб учиб керак, деб... Менам роса учдим. Эҳ-ҳе, неча замонлар ўтиб кетди орадан... ва ниҳоят юлдузлар маконига етдим. Етдиму, лекин ўзимизнинг, Жўра акам иккимизнинг юлдузимизни тополмадим. Излайвериб, ҳар бир милтираган чўққа қарайвериб, кўзларим толиб кетди. Кейин мен беҳудага бунча баландлаб кетганим, у осмон этагида экани ёдимга тушди. Мўлжал олиб, пастга эндим. Яна неча бир замонлар орадан ўтиб кичик бир тепалик кўзимга чалинди. Дастлаб борганим сари тепалик деганим улкан тоққа айланди. У ана шу тоғдан бир найза бўйигина юқорида бўлиши керак... Йўқ, хира, нурсиз юлдузчалар беҳисобу, аммо у йўқ. Ҳа, демак уни пастдагилар уриб қулатишган. Тоққа қулаб тушган. Тоғ бағирлаб учиб қидирдим. Қидира-қидира этакка етдим. Бемажол ерга қўндим. Қарасам, бир булоқ бўйида ўн битта опам қатор тизилиб ўтиришибди. Ёнларига бориб кўшилдим. Ўн икки қиз бўлди. Ҳаммамиз оппоқ ҳарир кўйлақда.

— Нима қилиб ўтирибсизлар. Ёки сизлар ҳам...

— Ҳа, биз ҳам ўз юлдузимизни изладик, — деди Маъмура опам.

— Топдингизми?..

— Йўқ, ҳеч қаерда йўқ, — деди Маъмура опам уф тортиб, — ерда ҳам, у ёқда ҳам...

— Сиз-чи, Ҳанифа опа, сиз топдингизми?

— Топмадим, бийрончам, ҳаммаси беҳуда экан, — деди Ҳанифа опам кўзида ёши билан илжайиб.

— Ҳа, ҳаммаси!.. — деди Маъмура опам кўл силтаб.

— Шунча елиб-югуриб, учиб-қўниб етиб келган манзилимиз шу ер бўлди. Эга бўлганимиз мана шу тахир суви булоқ бўлди!..

— Тахир эканми суви? — дедим ташналикдан тамшаниб.

— Ҳа, тахир. Ишонмасанг ичиб кўр, мана, — деди Ҳанифа опам илжайиб.

Ичдим.

— Вой, бунча аччиқ!..

Ҳанифа опам хандон отиб кулди.

— Қисматинг бу, қисматинг! Ичавер!..

— Ич, яна бир қултум ич, — деди Маъмура опам ҳам бир пиёла сув тутиб.

— Ич, кўникиб қоласан, — деди Ҳанифа опам қистаб.

— Йўқ, ичолмайман, — дея ўрнимдан турдим.

— Ичасан, ичасан, — деди Ҳанифа опам зуғум билан.

Кейин мажбурлаб оғзимга қултиллаптиб қўйди. Аъзои танамда оғриқ ва титроқ қўзғалди. Тошдай оғирлашиб, булоқ бўйига йиқилдим...

— Кўзингни оч, Моҳи, — деган овоз қулоғимга чалинди.

— Манови сувдан ич, — деди бошқа бир меҳрибон овоз.

— Йўқ, ичолмайман, аччиқ, — дедим пиёла тутган кўлни нари итариб.

— Нега аччиқ бўларкан, жиннивой, ичиб кўр-чи, мана бир қултумгина ич.

Лабимга муздай бир нарса тегди, ширингина... Қулт этиб югундим. Ва шунда зилдай қовоқларим ўз-ўзидан очилиб кетди.

Даставвал бошимда тизилиб, йиғламсираб турган опаларимга, кейин... ранги бўздай оқариб бораётган юлдузсиз осмонга кўзим тушди...





## ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖИ

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустақамлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, унинг қонуний заминлари, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, онглилик, билимдонлилик даражасига ўзвий алоқадордир.

Бугунги кунга келиб юртимизда ҳуқуқий билим ва маданиятга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий билими, маданияти ва маънавияти қанча юксак бўлса, ҳуқуқий давлат ҳам шунча кучли бўлади, мустақиллигимиз мустақамланиб, барқарорлашиб бораверади. Ҳуқуқий давлатда яшовчи ҳар бир шахс жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунларни, мавжуд ҳуқуқий мезонларни билмасдан туриб маънавий-ахлоқий етукликка эриша олмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳозирда ўз ифодасини топмоқда. Ҳуқуқий билим ва маданият миллат етуклиги ва инсон баркамоллигининг энг муҳим омилларидан биридир. Уни шакллантириш оиладан бошланса-да, асосан таълим муассасаларида назарий ва амалий жиҳатдан ўргатилади, ривожлантирилади, барқарорлаштирилади. "Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим", деб халқаро ҳужжатларда бекорга эътироф этилмаган. Инсон ҳуқуқий жиҳатдан қанча чуқур билимдон, юксак ҳуқуқий маданиятли ва маънавиятли бўлса маърифий-мафкуравий жиҳатдан шунчалик мукамал шаклланган бўлади. Ана шу мафкуравий омилга бевосита боғлиқ равишда жамият тараққиёти тезлашади, миллат гоъвий-сиёсий жиҳатдан ўсиб, етилиб, такомиллашиб боради. Ёш авлоднинг илмий-маданий савияси, билимдонлик даражаси, дунёқарши ва тафаккури ўзининг ривожланиш ҳолатига қараб дунёвий мезонларга тўла жавоб берадиган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда юридик адабиётларни нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш ва чоп этилаётган адабиётларнинг сифатини яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Чунки ҳуқуқий таълимнинг асосини юридик адабиётлар ташкил этади.

"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"да давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлиши, ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиши белгилиб қўйилган. Юртбошимиз ҳам бу тўғрида шундай деган эди: "Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим ҳамда моддий, маънавий, ахлоқий ва бошқа мафкуравий омиллар асосида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуклиги ва онглилигини кўрсатувчи меъёрдир. Ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни

амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина ҳуқуқий билимли ва маданиятли ҳисобланиши мумкин".

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, жамият тараққиёти йўлида ҳуқуқий таълим-тарбияни юксалтириш борасидаги қуйидаги таклиф-мулоҳазаларни билдириб ўтсак мақсадга мувофиқ бўларди:

Биринчидан, таълим муассасаларини ҳуқуқшунос мутахассислар билан таъминлашда муаммолар мавжуд. Бу масалани ҳал этиш учун олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кучайтириш ва уларни битирган мутахассисларни муассасаларга жалб қилиш механизмини шакллантириш зарур.

Иккинчидан, ҳуқуқий таълим-тарбияга оид ўқитувчилар учун методик қўлланмалар кам. Ўқитувчиларнинг машғулотларни самарали ташкил этишлари учун зарур методик қўлланмаларни шу соҳанинг етук олимлари, ҳуқуқшунослар ва тажрибали ҳуқуқшунос ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда яратиш лозим.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан таълим муассасалари ҳамкорлигида ўқувчилар, талабалар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий тадбирлар уюштирилмоқда. Лекин бу тадбирларда ўқувчиларнинг, талабаларнинг ўз мустақил фикрлари ва ташаббуслари билан қатнашувига кам эътибор қаратилмоқда.

Тўртинчидан, газета ва журналларда педагоглар, ўқувчилар ва талабаларнинг ҳуқуқий мавзуларда мақолалар билан чиқишлари етарли даражада деб бўлмади. Шунинг учун илғор иш тажрибасига эга ва иқтидорли ёшларнинг ҳуқуқий мавзуларда газета ва журналларда мақолалар билан иштирокчини таъминлаш зарур.

Бешинчидан, ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда илғор ўқув-услубий ва тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган таълим муассасаларини аниқлаш ва уларни тажрибалар алмашув ахборот майдонларига айлантириш лозим.

Олтинчидан, ҳуқуқий таълим-тарбия мавзуларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот гуруҳлари фаолиятини кучайтириш зарур.

Демак биз фақатгина, ҳуқуқий таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган ютуқлар билан фахрланиб, гурурланиб қолмасдан, бу борада қиладиган ишларимиз, бартараф этишимиз керак бўлган камчиликлар ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Зеро ҳуқуқий таълим-тарбия — фуқаролик жамиятининг асосий омили ва юксак гаровидир.

**Отабек НОРМАТОВ,  
Отабек АБДУРАҲМОНОВ.**



**НАҚШ**

Қишлоқнинг ўртасида,  
Уй бор гиштан қурилган.  
Нақшин дарвозасида,  
Юлдуз шакли ўйилган.

# Мухаббат хал нозли-нашъали

Уйда уч пари рухсор,  
Бири юлдуз, бири ой.  
Малаксиймо кенжаси,  
Юрагимдан олган жой.

Насибам ҳижрон-финоқ,  
Васлига етолмадим.

То ҳали, ҳануз бироқ,  
Асло унутолмадим.

Қишлоқнинг ўртасида,  
Уй бор гиштан қурилган.  
Уйнинг тархи юлдуздай,  
Юрагимга ўйилган.

Отамурат ШАМУРАТОВ

# Менинг изтиродларим

\*\*\*  
Зангори осмон. Қуёш.  
Оқ қуш булутлар...  
Тилак тилайману ҳеч кимга бошқа.

\*\*\*  
Балки тўғридир  
Эрта кетганинг...  
Алвидо, ўғлим, ором ол.

\*\*\*  
Мана баҳор, эртага ёз.  
Сўнгра кузу, кейин эса қиш.  
Наҳотки йўқ бешинчи фасл?!

\*\*\*  
Қулф... Қаёққа борсанг қулф.  
Ҳамма ёқ қулф... қулф... қулф...  
О, парчалай олсайдим ўша қулфларни!

\*\*\*  
Энди мен... Энди мен  
Ҳеч ким эмасман.  
Дардларим олдинг, ҳоккулар.

\*\*\*  
Капалаклар, капалаклар  
Гулдан гулга кўнишиб яйрар.  
Менинг елкамда-чи тегирмон тоши...

\*\*\*  
Тўғри, қул бўлиб яшаидан кўра  
Тик туриб ўлган афзал.  
Барибир мен шеъриятнинг қулиман.

\*\*\*  
Қиз йигитни шоир этди.  
Етиб келди висол онлари.  
Шоир йўқ энди.

\*\*\*  
Менга чоғ қазди.  
Ўзин зўрга қутқариб қолдим.  
Шайтонга ҳам қийин.

\*\*\*  
Қандай бахтли эдингиз,  
Ибтидоий одамлар!  
Ўрмон, Сув, Соф ҳаво. Эрк.

\*\*\*  
Отга миниб юраман,  
Ҳар кун тушимда,  
Машиналар — менинг ёвларим.

\*\*\*  
Эйништейн, Прометей ўт берса,  
Сен атомни яратдинг.  
Эзгуликни Ким берар энди?

\*\*\*  
Атмосфера — менинг қалқоним,  
Қуёш зарбасидан турибди асраб.  
Қўлим толиб бормоқда менинг.

\*\*\*  
Биров йиғламаса, биров кулмайди.  
Бу ҳаётнинг темир қонуни.  
Фақат йиғлаш тушган зиммамга.

\*\*\*  
— Бахт, қайга борасан?  
— Тотувликка.  
Қайга боришимни билмай мен сарсон.

**ЙҮЛДА**

Яна йўлга тушдим мен,  
Қишлоғимга талпиниб.  
Қўш қанот боғлаб қушдай,  
Қалбим шошар халтиниб.

Катта йўлда жўш уриб,  
Автобусим елади.  
Шамолларга тўш уриб,  
Яёв юргим келади.

Кенг далалар офтобнинг  
Тафти билан яшайди.  
Яйловдаги шўх тойчоқ,  
Узун-узун кишнаиди.

Яшинаётган далага  
Боқиб асло тўймайман.  
Менга тегмай бошқага  
Теккан қизни ўйлайман.

**ОШИҚОНА**

Кўйлак кийдим энги йўқ,  
Малак сиймо — тенги йўқ.  
Олов дейми, аланга,  
Туташиди жону танга.  
Нозик кўнглим олай деб,  
Тоғ қалбида қолай деб,  
Ахтардим ҳады асл,  
Қидирсам ҳам муттасил,  
Ҳеч не тополмай ортиқ,  
Қалбим айладим тортиқ.

**ҚИШ ҚУЁШИ**

Кўча гар чангийди қиш ўртасида,  
Ҳалакман, ё Фалак, қиш ўртасида.  
Бисёр дур-жавоҳир уммон қаърида,  
Бисёр бахт, эвоҳ, сен мандан нарида!  
Қор тилар қағиллаб бир гала қарға.  
Паришон хаёллар сарсон бедарға.  
Олис-олисларда умид машъали,  
Мудрар муҳаббат ҳам нозли-нашъали.  
Фожеали сукут, сокинлик вазмин,  
Синдирар ҳаттоки Алпомиш азмин!

Иситиб-иситмас қишнинг қуёши,  
Тома-тома дилим тешар кўз ёши.  
Ғалвирдай тешилган юрагим хаста,  
Минг бир дард  
Минг бир шеър —  
Минг даста-даста!

**ТАСКИН**

Гар бошимга тушса ғам,  
Чекаверма дод-фарёд.  
Сендан-да бечорароқ,  
Бандаларни айла ёд.

Фурсат етиб саодат,  
Кулбангни қилса обод.  
Бир нафас бахти қаро,  
Бандаларни айла ёд.

Кўрмай десанг бошинга,  
Бевақт қўнган қировни.  
Шодликда ҳам, ғамда ҳам,  
Маҳкам тут, бас, жиловни.

**Саломжон МЕНҒНОР ТЕРМИЗИЙ**

# Қуш йиғиб ёшилликдан, сен элга суян

\* \* \*

Жилға сой сувига қўшилган замон,  
Ўзин дарё кўрмоқ дилида армон.  
Мен денгиз бўламан дея ҳайқирди,  
Шиддат-ла дарёга қўшилган ҳамон.

\* \* \*

Кибор хизматини ким кўрса афзал,  
Қиммати топталар мисли пойабзал.  
Ночорлар ғамин еб, бўлмоқ чин инсон,  
Улуғлардан қолган одатдир азал.

\* \* \*

Дўст сирин дилинда пинҳон сақласанг,  
Қиммат гулзорида танҳо гулкорсан.  
Жисмида кун тафти, яшнаган замин,  
Ҳаётга оройиши бағишлар экан.

\* \* \*

Ҳою ҳавас десанг, сен елга суян,  
Меҳнат нонин десанг, сен белга суян.  
Қарилликда булар ташивишу алам,  
Қуш йиғиб ёшиликдан, сен элга суян.

\* \* \*

То одам бўлгунча болани ҳаёт,  
Синов-ситамидан ўтказар бот-бот.  
Бу — кураш, аслида, ғолибга, шаксиз,  
Фазлу камолотдан ўзга нарса ёт.

\* \* \*

Орзулар эртанги кунларнинг нақши,  
Гар унда жам эрур эзгулик иши.  
Бадлик елга учар, яхшилик яшар,  
Гар иймон ёлқини бўлса ҳар киши.

\* \* \*

Кимдаким турмушда омил, саришта,  
Арқоғидан кутма сирли бир ришта.  
Ҳасад оташида бўлиб жиззганак,  
Шайтонга айланди гумроҳ фаришта.

\* \* \*

Сендан йироқ бўлса қилмоқ савоб иш,  
Номингдан аримас ғубори миш-миш.  
Яхшилик қилмаган ёмонга мойил,  
Беҳуда демаслар: "Қилмиш—қидирмиш".

\* \* \*

Юзинга чанг солса ирkit, беҳаё,  
Сени тарк этмасин андиша, ҳаё.  
Ғанимин енгади чиғаноқ, эти,  
Инжуга айланиб ғоят бебаҳо.

\* \* \*

Ақл соҳиби бўлган ҳар инсон,  
Тафаккур кўкида юлдуз чароғон.  
Лек ақлини пешлаб турмаган киши  
Занглаган шамиширга ўхшар бегумон.

\* \* \*

Беғам, азиз эдинг отанг қўлида,  
Ўсиб, бойлик йиғдинг ҳавас йўлида.  
Васваса эговдир умрингга бу кун,  
Ақли бўлмадинг, ақлинг мўлида.

\* \* \*

Ҳаволаниш манман, мақтанчоққа хос,  
Сўзлари ноғора товушига мос.  
Маконим осмон деб, жар солган ёмғир,  
Балчиқ бўлди ерга тўкилиб шаррос.

Аҳмад АЪЗАМ



# ТИҚИН

Ҳикоя

Раҳмсиз оломон, сизга не керак?  
Рауф ПАРФИ

Одам — ижтимоий мавжудот, қадим-қадим замонларда ҳайвонларни кўплашиб овлаган вақтларидан бери келаётган кўникма уни доим ўзини тўдага уришга, кўпчилик билан, кўпчилик ичида бўлишга ундайди. У ёлғиз қололмайди, ёлғизликнинг ўзи ҳам кўпчилик орасида маънили, кўпликка бир идао, холос. Кўплик йўқ жойда ёлғизликнинг ўзи ғалати, ёлғиз деб нимага нисбатан айтилади? "Одам одамга керак", "Одам одам билан тирик", "Одам одам соясида одам бўлур" деганга ўхшаган қатор мақоллар бекорга тўқилмаган. Ҳатто "Одамни одам йўқламаса, қисир қўйнинг туғидан ҳам қадрсиз бўлади" деган гап ҳам бор, бу сал бошқача маънода, кўполроқ, лекин, бари бир, балиқ сувсиз яшамаганидек, одамнинг одамсиз яшай олмаслигини билдириб туради. Энди, нима ўйлаганини биров билмагандан кейин одамнинг ўзига ўзи ўй суришининг ҳам ҳеч қизиги йўқ-да.

Одам шу учун ижтимоий мавжудот, у — жамятнинг бир бўлаги, жамоада яшайди, унга таянади. "Одам — одамга қувват" деган ҳикмат шундан. Қаранг, яна "Одам боласи — элнинг лоласи" деган чиройли гап ҳам бор: эл — лолазор, одам лолазордаги бир лола! Кўплашишнинг ҳикмати-да бу.

Шаҳарда осмон йўқ. Тикилиб қарасангиз, оқшоқ тўқилган асфальт майдоннинг аксиними, чала ювилган чодирнинг тепасиними кўрасиз, холос. Бу ҳам ҳолироқ жойларда, катта кўча бўйларида электр чироқларининг ёғдуси хира торганига қараб тонг отганини, майдоннинг ўзи оқиш кўкимтир тусга кирганидан кундуз бошланганини билиб оласиз. Шунда ҳам диққат қилсангиз, бўлмаса, тепада осмон деган нарса бўлиши кераклиги эсингизга ҳам келмайди. Кечаси билан ухламай, навбатда турганда қанча вақт ўтганини йўталганда ўпкангиз қирилиб ачишганидан, яна чекканингизда оғзингизнинг баттар бемаза очишидан ҳам билиб турасиз ўзи.

АЁҚШда уймалашган машина юзталар чиқар, балки кўпроқдир, санаб бўлмайди, бетартиб, тумонат, кўпайиб кетавериши ҳам мумкин, янги келганларининг қанчаси энди навбат олиш бефойда деб қайтиб кетяпти. Қаторда турганларининг ҳам, атрофдан тирғалганларининг ҳам тумшуғи шу томонга тиралган. Ҳар хил русумдаги ранг-баранг машиналарга тепадан қарасангиз, уяси атрофида ғужгон галалашган асаларига ўшайди.

Ҳа-я, дарвоқе, АЁҚШ — "автомобилларга ёнилғи қуйиш шоҳобчаси" дегани, давлат тили ҳақида қонун қабул қилинганига ҳам тўрт йил бўлди, ўз тилимизга ўтпаемиз, АЁҚШга тили келишмай, ҳали ҳам "заправка"

деб юрганлар қанча! Бу ҳам майли, бир пойабзал кўшкчасининг тепасига "Этикдўстлик устахонаси" деб ёзиб қўйишибди, рост-эй, ўйлаб кўрсанг, чуқур гап, бу қимматчиликда этик фалон пул, уни аяб, яъни уни дўст билиб кийиш керак! Лекин пулимиз "рубль", ана-мана алмашади деган гаплар юрибди. Бензиннинг литри минг "рубль". "Рубль" ачиб ётибди, юз минг-миллионни олиб юриш оддий гап. Баъзилар қалин-қалин дастан кўйлагининг кўкрак чўнтагига намойишга солиб юради. Лекин пулга маймун ҳам қарамагани билан, ёнилғи қаҳат. АЁҚШда, бензин келадими, йўқми, тонг-сахардан қалин навбат...

Ҳамма машина АЁҚШни тўсиб турган ола-була қувурнинг сурилишига интиқ. Соат зориқтирган саккиз деганда, бекат газнаси эшигидан бир пашмалоқ одам кўкрагини кериб чиқиши билан машиналарнинг эшиги тапа-туп очилиб-ёпила кетади, моторлар гуриллаб, ванг-вунг газ берилганидан авжга миниб келаётган кўча шовқини бўғилиб қолади. Лекин пашмалоқ бу томонга эътибор ҳам қилмай, бамайлихотир АЁҚШнинг чиқиш томонига юриб, ўша ёқдаги ола-була қувурни суради. Ўша ерда алоҳида тўп бўлиб турган йигирмадан ортиқ машина кириб, тўртта колонка атрофини тўлдиради. Пашмалоқ чиқиш йўлини яна бекитади. Бу ёқдаги машиналар мотори ўчирилиб, эшиклар яна тап-туп очилиб-ёпилади, ҳайдовчилар яна ҳар жой-ҳар жойда боягидек тўдалашиб, гапга тушадилар. Тўрт-беш соатдан бери айтилмаган гап қолмагандек эди, лекин шунча навбат пойлаганлар эмас, балки навбатсизларнинг киргани бу ёқдагиларнинг хунобини ошириб, тутаб турган мавзунини яна гуриллатиб юборади.

— Инсоф йўқ, инсоф!

— Э-э, инсофни музейга ҳам олмаяпти, қўядиган жой қолмаяпти.

— Кундуз куни, шунча одамнинг кўзини ўйнатиб! Ана, шу йигирма мошинга камида икки тонна бензин кетади-да. Кейин бошқаларга етмайди.

— Тўрт тонна денг! "Жигули"га саккизта канистр сиғади, бакига қирқ, ҳар мошинга икки юз литрдан кетса...

— Бугун етар-э. Лекин у ёқдан ана шунақа ўзиникиларни қўяверса...

— Устига берсангиз, сиз ҳам ака-поччаси-да.

— Майли, берар эдик.

— Ердан супуриб оляпсизми, нега беришингиз керак?

— Замон айнади, замон! Кеча тўрт соат пойлаб, ололмадим.

— Қирқ тийин эди!

— Йигирма тийинлиги эсдан чиқдими?



— Коммунизмдан билмай ўтиб кетган эканмиз-да, а? Саккиз сўмга бир бак бензин берган!

— Эй, акам, сизни миллионер деб, ҳурматингизга нархни кўтарса, яна норози бўласиз...

— Навбатсизга канистрга бермаса-да...

У ер-бу ерда уч-тўрт-беш кишилашиб, эрмакка гўнғир-гўнғир гап сотиб турган одамлар даврасида, битта-яримтани айтмаса, ҳеч кимни биров танимайди, лекин бензин дарди ҳаммани минг йиллик оғайнига айлантириб қўйган, гаплар ҳам ишонган сирдошга айтиладигандек очик, дадил, милтиқнинг ўқидек тарсиллатиб қўйиб юборилади, асосан АЁҚШ эгаларини ўлдирган одамнинг барака топиши ҳақида бўлса-да, бошқа мавзулар ҳам очилиб, астари аврасига ағдариб ташланади. Гапирган одамга "Бормисиз! Э-э, ўлманг!" деб пишанг бериб турадилар. Гапни гапга ўлайман деган одам бундан ҳам ошиб тушади. Аёв берилмайди, шафқат деган нарса йўқ, хангома қизигандан қизийди. Энди урф бўлаётган демократия деганининг оғзакиси шу ерда гул-гул очилади. Лекин янги гап йўқ, кеча ҳам, ўтган куни ҳам шунақа бензин пойланган, бу лаънати ўзи анча ойлاردан бери турқини қизганади, АЁҚШ эгалари эса виждонини бирдай ютган, ҳамма гап вақт ўтказиш учун гапирилади, ким айтгани ҳам ёдда турмайди, худди машиналар дудбуронидан чиққан тутундек бир буруқсайди-да, кейин тумонатга сингиб кетади; одамларнинг дарддошлиги ҳам АЁҚШга кириб олгунча, бахт чопиб бензинга етганлари ҳамона бегоналашадилар, чунки ҳар кимнинг идиши ҳар хил, кўпларники оддий канистр бўлса, уста бировлар юз литрлик қулай бочкачалар ясашиб олишган, "пиражковоз"га икки юз литрлик бочкани жойлаштириб, яна беш-олти канистри ҳам тиқиштирган шоввозлар ҳам чиқиб қолади. Бунақа одам билан дўстлашиб бўладими, тагин унинг навбати олдинда бўлса, бензинни ўпириб кетади-ю.

Шунданми, бу ерда гапирган одамнинг ўзидан кўра у минган машинаю қанча бензин олгани эсда қолади. Ҳа, айтганча, машинанинг ранги ҳам бирга эсланади. Одам эсланмайди, худди шунча машиналар эгасини ёллаб келгандек.

Бензин олаётган пайти ҳайдовчилар "тўппонча" талашиб сўкишиб кетишса ҳам, жанжал қўл кўтаришгача бормайди, ҳар қалай, меъёр бор, ҳар ким ўзининг пулига олади, кейин бошқалар ҳам ёқа бўғишгани қўймайди, шунча одам иккита аҳмоқнинг урушини кўраман деб навбат пойлагани йўқ, ахир, мушт ишга тушса, шу баҳона АЁҚШни эгалари ёлиб қўйиши, ухламай бензин кутганлар қўлини бурнига тиқиб қолавериши мумкин. Э-э, хуллас, текин томоша кўп, бу ерда одам одам билан зерикмайди. Фақат томошага келсангиз-да. Бензин олмоқчи бўлсангиз, диққатвозлиги кўп лекин.

Собирларнинг даврасидаги суҳбат кеча, ҳафта, ундан ҳам илгаригидек АЁҚШ у ёғидан очилган фурсатда бир авжга миниб, кейин яна ўша чортанг маромига тушадиган бўлиб турган эди, лекин тўниқ кўк "Москвич"нинг эгаси, боши бешиксўпок, қайроқбурун одам бирдан эшканлаб қолди:

— Эй-й, куйиб, ёниб кетасан! Одамлар ҳам қўймижоз бўлиб қолди! Битта мард йўғ-эй! Шуни гапириб-гапириб ташласа! Ҳеч ким гинг демаса, кутуради-да! Халқнинг дардини биров айтиши керак! Ахир, қаранг, ўчиратсиз кирганларни! Бу ёқдаги шунча одам ерда ётган картошками?

Бу ҳам унча янги гап эмас, бундан дадилроқлари бундан-да баландроқ қилиб ҳам айтилган, лекин қайроқбуруннинг "Москвич"и қасамга келиб қолган, қанотларининг филдирак устлари бўёғининг ур-бу ерини тагидан занг кўпчитган, Собирнинг атиги уч йиллик "нўл

тўққизи" эса оққушдек сузилиб турганигами, эгаси унча картошка эмас, картошка бўлса ҳам, ерда ётмайдиган тузукроқ, қурт-пурт тешмаган навидан шекилли, гап унга қаратилган, "нўл тўққиз"ининг олдида турган пистоқи "нўл олти", унинг орқасидаги "Москвич"га тақалган малла "нўл бир", ундан кейинги сурмаранг "нўл тўрт", унинг орқасидаги асли сурранг бўлиб, ҳозир олапес бойлаган, устига бутунича темир панжара қотирилиб, уч тоннани инқ этмай кўтарадиган юккаш "ГАЗ — йигирма бир" ҳам жавоб кутаётгандек туюлди. Жа туюлди ҳам эмас, Собир уч яримларда келиб навбат олган бўлса, ундан кейин шу "Москвич" турди, эгаси тушиши билан Собирга, худди у йўлда атайлаб ўзиб, унинг навбатига эга чиққандек, олайиб қаради, кейин "нўл тўққиз"ни назардан ўтказди, ҳатто сигарета чеккан бўлиб, киши билмас айланиб ҳам кўрди, сўнгра "Москвич"ининг тўртта филдирагини ҳам бир-бир тегиб чиқди, қулоғи бўлса бураб тортар ҳам эди. Собир бекорчиликдан нам дока билан куни кеча ювилган машинасини яна артган эди, гўбори кетган оқ бўёғу тоза ойналар тонг ғира-ширасида ялтиллаб очилиб, қизил чироқлари ҳали ҳам ёниб тургандек ярақлади, шунда у одам: "Кўп ишқаламанг, тешилиб қолади", деб ҳазиллашган ҳам бўлди. Шу ҳазилининг тағида ҳам бир нима бор эди.

— Келиб шу ерни ҳам бир чиқарса, онасини кўрарди-ку-я булар. Лекин келмайди, чиқармайди, чунки ҳаммасининг оғзи бир. Бизга ўхшаганларга эса йўл йўқ, чунки тўғриси айтиб-айтиб ташлаймиз. Тўғри гап эса туққанингга ҳам ёқмайди.

Собирга жим туриш ноқулай бўлди.

— Жа унчалик эмас, — деди.

— Нега? Нега бўлмасам чиқармайди? У ёқдан кирганларни ким деб ўйлайсиз? Ҳа, ўшалар-да. Анави калтабақайнинг ўзи кутиб олиб, икки букилиб хизматда. Шулар пул беради, деб ўйлайсизми? — Қайроқбурун қизишиб гапирганда бурун катаклари пирпираб, қулоқларининг узун-узун солинчоқлари гапига ҳамоҳанг селкиллаб турар экан. — Бекорларнинг бешини айтибсиз! Еган оғиз уялар! Ол товогим — бер товогим! Нега мени кутиб олмайди? Чунки мен ризқини топиб-тутиб юрган бир шопир. Сиз ҳам ҳаммасини биласиз, лекин гапирмайсиз. — Энди у сурмаранг "нўл тўрт"га ўгирилди. — Тўғри гапиряпманми?

— Нимасини айтасиз, — деб қўйди сурмаранг "нўл тўрт".

Бу одам ҳам қизик, ўзи жуда дамдўз, хангомаси шу, "Кўяверасиз. Шуни айтинг. Гапирманг!", деб қўйиш экан. Гапирганни бошини сал қийшайтириб, хиёл кулимсиб эшитаверади, худди бўш келманг, деб далда бераётгандек, лекин калта-култа гап қўшишидан ҳам, ўзини тутишидан ҳам эшитганини маъқуллаяптими, йўқми, билиш қийин, шунинг учун унга фикрини ўтказмоқчи бўлган одам ўзига ишончини йўқотиб, отаси темирчи ўтгандек, гапини узиб-улайверади.

— Шу-да, гапириб ҳам нима қиласиз?, — деди қайроқбурун яна Собирга бурилиб. — Тагингизда ярақлаган "нўл тўққиз", кўриниб турибди — бизга ўхшаб кирага юрмайсиз. Ишингиз яхши. Тўғри гапни, нима, бошингизга урасизми! Бизларга лекин керак! Чунки бизлар оддий халқ. Тўғри гап жуда керак.

— Ҳақ гап, — деди пистоқи "нўл олти".

— Эҳ, — деб ҳасратзада сўлиш олди малла "нўл бир".

Собир аввалига қайроқбуруннинг гапини куйганлардан бирови-да деб, парвоига олмоқчи эмас эди, лекин қараса, бошқалар тамом унга оғяпти, ҳатто сурмаранг "нўл тўрт" ҳам бир-икки марта бош ирғаб қўйди.

— Оғайни, ҳаммамиз ҳам халқмиз. Халқнинг оддий ё мураккаби бўлмайди, одамларни бўлманг, — деди у ўзича тагдор қилиб.

— Хўп, ана, бўлмадик, ҳамма бир халқ! Шу халқни гапиргирсин! Гап берсин халққа! Йў-ўқ. Чунки халқ ҳақиқатни гапириб юборади. Кечалари ухламай бензин пойлайди-да, юраги дардга тўла. Ҳақиқат эса керак эмас. Тўғрими, ака?

— Гапирманг, — деди сурмаранг "нўл тўрт".

— Шундай, шундай, ҳақиқат қаерда — ҳақиқат осмон-да, — деб гапга қўшилди "ГАЗ — йигирма бир".

— Ўзлари гапиради. Биттаси чиқиб бизда нефть йўқ, деса, бошқа биттаси нефтимиз кўп, ундан бензин оладиган зовутимиз йўқ, дейди. Бензин бўлмаса, зовути бўлмаса, лекин кўча тўла мошин, ҳеч ким минмай, қантариб қўймаган! А шунча нарса катта холангники билан юряптими, дейдиган одам йўқ. Бу запрапкада бўлмаса, унисиди, хўп, ўчират, бўлмаса, қўлдан оламин. Фақат қимматга. Демак, бензин бор экан-да, Фақат халққа етиб бормади, ўзлари бўлиб олган, нархини кўтариш, саларқа қўшиш учун.

— Шуни айтинг! — деди малла "нўл бир". — Мана, водийда запрапкалар бекик, қатра бензин йўқ. Лекин қайси кўчага кирманг, тўлиб ётибди. Эшигининг олдига бир шишада бензинми, кўк чойми тўла битта шиша ё ёндамасига бир гишт туради, хоҳлаганча олаверинг. Аммо қимма-ат! Канистри қирқ беш, эллик минг, зарил пайти олтмишгача ҳам боради.

— Ана! Ана! Биз ҳам туҳмат қилмаймиз, ҳамма билган гапни гапирсак, деймиз. — Қайроқбурун энди Собирга тўппа-тўғри хужумга ўтиб, уни ҳам "улар"га қўшиб юборди: — Сизлар шу ҳамма билган нарсани бошқача тушунтирасизлар.

— Бизлар? Сиз-чи?

Қайроқбурун бунақа баҳсларнинг машқини олган бир айтишқоқ экан, гапини бермади:

— Бизлар тўғринча айтаемиз, сизларга ўхшаб бурмаймиз. Ҳали ҳам шу телевизорлар жуда мустаҳкам ишланган экан-да-а, портлаб кетмаганини!

Бу гап даврадагиларга баттар ёқиб тушди. Собир қараса, ёлғизлиниб қоладиган, у энди эътибор қилди, фақат машинаси эмас, кийиниши ҳам айрича, жуда зиёлинамо, бензинга эмас, оркестр концертига тушгани келгандек. Яна бу шляпаси, гардиши энсиз, бир ёнида жез тўқа ов милтиғи ёпиштирилган тўқ-яшил шляпаннинг қийриб туришини ўзи ҳам биларди. Устига устак, яна қайроқбуруннинг гапини қайтарса, бошқаларнинг ҳам унга қарши чиқиши тайин.

У қайроқбуруннинг ўзини тўқишига бемалол қўйиб берди.

— Сизларни давлат ўқитган, стипендия берган. Қанча олардингиз?

— Эллик сўм, — деди Собир; у энди ўзини тутиб олган, қайроқбуруннинг сомонхонаси қаердалигини чамалаётган эди.

— Эллик сўм? Атличник! Катта пул, ҳозирги эллик минг, йўқ, беш юз мингнинг кучи бор эди.

— Шундай, — деб Собир атай уни қувватлади.

Қайроқбурун унга сал ажабсиниб қаради.

— Эллик сўм ойликка оила боқса бўларди. Бир коса лағмон қирқ бир тийин, бир тўғрам нон икки тийин...

— Жа битта оилага етмасди-ку, лекин битта ичакка юқ бўларди, — деди Собир.

— А давлат нега сизни шунча пул бериб ўқитган? Яшанг! Эртага кунимга ярайди, менга тиргак бўлади деган-да. Шу кун, мана, келди, лекин сиз индамайсиз, бизларни индагани қўймайсиз.

— Нега қўймайман? — деди Собир ўзини гўлликка солиб. — Инданг, гапириверинг.

Қайроқбурун лаққа тушди:

— Қаерда гапирманг? Ким қўяди?

— Гапирасизми, ахир?

— Нега гапирмайман? Бизларники гардкам, қайтиш йўқ.

Қайроқбурун ҳозир ҳеч нарсдан тап тортмас, унинг қайсарлигида бир шавқ ҳам бор эди. Лекин бошқалар эса нимагадир хушёр тортиб, Собирга олазарак қараб қўйдилар.

Собир эҳтиёт билан мақсадга кўчди:

— Бўпти. Келишдик, эртага. Соат саккиз, йўқ, камера-памерасини олиб, бу ёққа етиб келгунча бирон соат ўтади, тўққизларга. Тўққиз яхши, бензин тугай деган, етолмай қолганлар ёниб турган вақт... Шу ҳозиргидай халқ тилида, содда-самимий гапирасиз. Зўр чиқади. Фақат... келмай қолиш бўлмасин. Хўш, — Собир унинг "Москвич"ига гўё диққат билан разм солди. — "Москвич", кўк. А ўн саккиз йигирма етти ТеНе. Ўзи эски, нўмири янги. Яхши. — Кейин у қўйнига қўл суқди. — Исм-фамилиянгизни айтсангиз? Ҳа, кейин, турар жойингиз...

Собирга довдиранқираб қараб турган қайроқбуруннинг ранги бўзариб, бурун катаклари пирпираб кетди.

— Эҳ-ҳе, мошиннинг ранги, нўмири, исм-памийла... Нимага?

Собир унинг чўчиб қолганини кўриб, шоша-пиша тушунтирди:

— Ёзим келаман. Мабодо ушланиб қолсам, келолмасам, улар ким эди, қанақа мошин эди деб излаб сарсон бўлмасин деяпман-да.

— Адрис-чи? Адрис нимага?

— Гонорар юбориш керак-ку, — деди Собир. — Пули уйингизга, почта орқали боради.

Қайроқбуруннинг хаёлида мутлақо бошқа нарса экан:

— Пули? Пули-я! Бориб айтсангиз: шунақа исм-памийла, шу ерда туради, шундай-шундай деди, деб... Кейин мени, а?..

Собир унинг хавотирини энди тушуниб, таажубда қаради.

— Нима? Мен шунақа одамга ўхшайманми? Гапирман деганингизга...

Қайроқбурун тўрсайиб тургани билан, олдинги шашти йўқ, кўзлари ҳимоя сўраб аланг-жаланг қилар, Собирдан бошқалар унга қарамасликка тиришар, ҳатто "Москвич"нинг тўниқ кўки ҳам баттар унниқиб-эскириб кетгандек эди.

— Гапирсам... Лекин нега битта мен? — деди қайроқбурун. — Мана, ўзлари гапирсин! Шунча одамнинг ҳақини бир ўзим айириб берайми?

— Қизиқ одам экансиз-ку, — деди Собир. — Менга гап беришмайди, дедингиз. Энди бўлса...

Сурмаранг "нўл тўрт"нинг эгаси секин ўз машинасига қараб юрди. "ГАЗ — йигирма бир"нинг эгаси чўнтагидан сигарета олди. Пистоқи "нўл олти"нинг эгаси машинасини артишга киришди. Битта малла "нўл бир"нинг эгаси нима қилишини билмай туриб қолди.

— Мендан калласи бутунлар бордир? Адвокат эмасман-ку. — деди қайроқбурун анча бўшашган овозда. — Гапиришим ўзи унча келишмайди, чиройлимас. Неччи миллион киши кўрса. Шунга яраша кийиниш ҳам керак. Уйда ҳам сизникига ўхшаган... Йўқ, нима дейман? Бир бечора шопир бўлсам, и-я, ҳали сенми гапирадиган, деб...

Собир ҳаммасини тушунди, у худди шуни кутган ҳам эди, лекин ҳозир қайроқбуруннинг ўзини оқлашига қараб туриб, ҳафсаласи ўлди, бу тортишувнинг ҳам, ўзининг устун келишию бу бечоранинг паст кетишининг ҳам ҳеч маънисини йўқ, бақир-чақир, гала-говурга тўла бу дунёнинг ҳам сурони ўчиб, ўзи пучайиб қолгандек эди...



Тўсатдан малла "нўл бир":

— Ў-ў, қаранглар, қаранглар! — деб қолди.

Чиқиш томондаги ола-була қувур ёнида бир оппоқ, тумшугининг қораси ярашиғели "ГАЗ — йигирма тўрт" тўхтаб, ундан бошдан-оёқ оқ кийинган, бошига ҳам шокилалари оппоқ рўмолни айлангириб ўраган хушбичим хоним тушган экан.

АЁҚШ газнаси эшиги забт билан очилиб, пашмалоқ хонимнинг истиқболига югурилади.

Хоним машинасига қайтиб ўтирмади, балки пашмалоққа калит илингн бармоқларини оққушнинг тумшугидек назокат билан чўзди. Ўзи бензин олаётганларга қараб одимлади. Рўмолнинг шокилалари силкинганда атир ифорлари шу ергача келаётгандек бўлди.

Колонка атрофидагилар унга жуда иззат-икром билан, баъзилар етти букилгудек салом бердилар.

Пистоқи "нўл олти" машина артишдан тўхтаб, қизиқсиниб тикилди.

Малла "нўл бир":

— Воҳ-воҳ! — деб қўйди.

"ГАЗ — йигирма бир"нинг кўзлари ўйнади.

— Ий-я! "Чатма қош" -ку! — деб хитоб қилди.

Қайроқбурун Собирга ҳам савол, ҳам шу баҳона ярашиш илнжиди термилди. Собир кифтини қисди.

Сурмаранг "нўл тўрт" ҳам даврага қайтди.

Атрофдаги ҳаммининг кўзи хонимда, машинасида ўтирганлар ҳам тушиб, унга тикилиб қолган эдилар.

— Шунақа бўп кетганми? — деб яна ҳайратга тушди "ГАЗ — йигирма бир". — Ва, қоқиндиг-эй!

— Сиз ҳам танийсизми? — деди малла "нўл бир".

— Ва-а! — деб бошини чайқади "ГАЗ — йигирма бир". — Таниш ҳам гапми! Қоқиндиқ деса жондан кечиб юборардик. Шариф тартиб деганлар шуни деб турмада ўлиб кетди. Қаранг-эй, худойим бераман деса, а!

— Тагида "йигирма тўрт — ўн"! Юришни қаранг! Дод деворинг келади, лекин қарармикан? — деди малла "нўл бир".

— Қарамайди. Бу мошинига бир ой бўлгани йўқ ҳали. Янги "нўл олти"си ҳам турибди. "Тойота" деган кичкина автобусчаси ҳам бор, мол ташийди. Қаҳвахона очган, ресторандан зўр. Дастёрларининг ҳаммаси қиз, — деб пистоқи "нўл олти" бармоқларини қирсиллатди. — Учта дўкони ишлаб турибди. Битта тўйхонани бошлаб қўйган. Пули болалаб ётибди. Ҳозир ўзига биноси катта! Сизларга қарасинми?

— Ва-ах! — деди "ГАЗ — йигирма бир" энди ҳасрат билан.

Қайроқбуруннинг кўзи пешанасига чиқиб кетди:

— Мен бир бориб келай-чи, — деди у буларнинг ҳам хизматини ўзига олаётгандек ҳожатбарорлик билан. — Ўчират силжиса, калит мошинимда.

Бу орада пашмалоқ оқ "Волга"ни қайириб, орқаси билан навбатсиз олаётганларнинг олдига қўйган, ўзи тушиб, бакка "тўппонча"ни тикқан, колонкалар теграсида одатда бўладиган бақир-чақир анча босилган, ҳали кирмаганларнинг эшикдан қўлни пахса қилишлари, сигнални бабиллатишлари йўқ, ҳамма шу бегайинликда ҳам, ўзини озгина бўлса-да, тартибли қилиб кўрсатишга интилаётгандек. Ҳар қалай, турмуш чоп-чопидан безган, бу ерда кутишдан толиқиб, аламга тўйган эркаклар даврасида оппоқ кийинган хилқатдек бир аёлнинг пайдо бўлиши ҳаммаёқнинг кўркини очиб, ғала-ғовур, ивириқ бу ачавотга анча файз бераётган эди.

Қайроқбуруннинг унга бетламай яқинлашиб бораётгани бу ёқдан қараган одамга ҳам билинар эди.

"Чатма қош"ни Собирларнинг даврасида уч киши билар экан. Пистоқи "нўл олти" ҳозир ҳам, малла "нўл бир" ёшлиқдан эшитиб келган, "ГАЗ — йигирма бир" унча аниқ айтмади, гапининг ярми бўлган, ярми орзу шекилли, англаш қийин, ё "Чатма қош" бунди

қуйдирган, ё бу уни, ишқилиб, бир вақтлари ўрталарида нимадир ўтган, аммо бугун "Чатма қош" қўл етмас жойга чиқиб кетган, "ГАЗ — йигирма бир" тирикчиликнинг тагига тушиб қолган. Сурмаранг "нўл тўрт" бирон нарса дегани йўқ, лекин "Чатма қош" томонга қараб-қараб қўйганида кўзининг йилтирашидан Собир унинг кўп нарсдан бохабарлигини гумон қилди.

— Хўп десам, ўлармидим, а! — деди "ГАЗ — йигирма бир" энди анча маҳоват билан ўксиниб. — Сабзифурушликнинг ҳам падарига лаънат! Шу ҳам ҳаёт бўлдими?!

— Э-э, қўйсангиз-чи, — деди жиддий рашкланиб малла "нўл бир". — Бунақалар хотин бўлмайди. Битта эрга кўнадимми шу? Орият-э!

— Э-э! Битта катта қоп сабзи неччи кило, биласизми? Орият-а! Ҳурматини қаранг. Юзтаси билан юрмайдими? — "ГАЗ — йигирма бир" чиндан қуйиб, ҳатто елкаси тутаб кетгандек бўлди. — Чўнтакда бўлса пулим, кимлар бўлмайди қулим. Мен ёш-ёшларини топиб олардим!

— Пул уники бўлса?..

— Роҳати меники бўлса бўлди-да. Вей, онам қора меҳнатга туққан экан, қанча кўп ишласам яна шунча ишлашим керак, лекин ҳеч бирим икки бўлмайди. Сиз орият дейсиз. Орият эмас, азоб-ку бу, бир умрлик азоб! Ким билади, мен олсам, қуолиб қолармиди. Бу ёғига ўзи ҳусни кимга керак? Бир парча чандир-да.

Сурмаранг "нўл тўрт" секингина Собирдан сўради:

— Ўша ерда ишлайсизми?

— Йўқ, лекин дўстлар бор. Ўзи шунақа яхши материал керак уларга. Айтсам келишади.

Сурмаранг "нўл тўрт"нинг эгаси "ҳа-а" дегандек қошини кериб қўйди-да:

— Бопладингиз лекин, — деди, бошқа гапирмади.

Собир ҳам индамади.

— Майли, бир олти ойгина хотин қил, кейин қўйиб юборасан, деса, йўқ, дебман-а, — деди "ГАЗ — йигирма бир" ўша қўлдан чиққан бахтининг ортиндан сузилиб. — Эҳ, сўқир, кўр! Омадинг тумшугининг тагига ўзи келади, кўрмайсан. Тавба-ей, ким эдию ким бўлибди! Майли, ўзининг хотининг ҳам тураверсин, мен олдим шуни десанг бўлди, деса, ор қилибман...

Бу вақтга келиб, АЁҚШ ичидаги бенавбатлар олиб бўлди, пашмалоқ ҳам оқ "Волга"ни ҳайлаб чиқиб бериб, хонимни кузатиб қўйди, яна шовқин-сурон кўтарилди, кириш томондаги ола-була қувур сурилиб, навбатнинг боши оқиб кирди. Қайроқбурун бу ёққа қараб югурди. Қайси бир машина у ёққа, қай бири бу ёққа ўтди, лекин Собирлар жойидан силжимади, чунки ичкари кирганларнинг жойини навбат айтиб кетиб, қатордан ташқари турганлар кириб тўлдирди.

— Ҳа-а, йигирма йиллар олдин, м-м, кўриш керак экан-да, — деб қайроқбурун буларнинг ҳолатини чиқариб келгандек ҳисоб берди. — Ҳали ҳам узокдан суқинг келади. Аммо яқинига борсанг... Ий-э, — деб у Собирнинг машинаси томонга, кейин унинг ўзига қаради. — Сиз қўйяпсизми? Айтмаган эдингиз-ку?

Машиналар у ёққа, бу ёққа силжиб, ўрин алмашганида Собирнинг "нўл тўққиз"и ёнида битта оқ "нўл ўн бир" пайдо бўлиб, ичида бир одам тирсақларини рулга қўйиб ўтирган экан, эрталабки офтоб тигасида ойнадан унинг фақат қўймичдек елкаларию қўйнинг ҳасипидек мўйлови кўринар эди.

— Ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ, — деди Собир. — Танимайман.

— Ўтиришини қаранг, — деди малла "нўл бир". — Бир нарсага тўйган хўроздай.

— Ҳозир у сиздан олдин киради, — деди пистоқи "нўл олти".

— Лекин қўймайсиз, — деди қайроқбурун Собирга, у олдинги шаштига миниб, яна давранинг эътиборини ўзига тортишга жазм қилган эди. — Бу ёқдагилар ҳам одам. Бостириб кираверадими?! Бир оғиз сўраш ҳам йўқ. Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузурини қара. Мўйловимни кўрган одамнинг юраги ёрилиб кетади, деб ўйласа керак. Бир оғиз "Ҳа?" деб қўйинг, бўлмаса сиздан олдин тикилади.

— Тикилмайди, — деди Собир. — Мендан олдин киролмайди.

Ҳақиқатан ҳам "нўл тўққиз"нинг тумшуғи "нўл ўн бир"дан бир қаричча олдинда, ҳасипмўйлов ҳар қанча уринмасин, ундан олдин орага киролмас эди.

— Сизни бир бечора муаллим деб ўйлапти, — деди қайроқбурун. — Бир кўрсатиб қўйинг сволличга.

— Без одам ҳам кўп-да, — деди малла "нўл бир". — Шунча ноинсоф навбатсиз олиб кетди, бу ёқдан безлар ҳам тикилса, тўғри одамга кун йўқ экан-да, а?!

Гапирманг, — деб қўйди сурмаранг "нўл тўрт".

— Мен Вилнюдса бўлганман. Уларда шу, қизил ёнса, кўчада ҳеч ким йўқ, биров кесиб ҳам ўтмайпти, лекин мошинлар тўхтади, пиёдага яшил-да, — деди пистоқи "нўл олти". — А у ёқ-бу ёққа қараб қўйиб, мелиса бўлмаса, ўтавер! Йў-ўқ! Ана, қоидага амал, одамга ҳурмат!

— Автобусга чиққан одам ойлик абонементини қўлида уч ёққа шундай кўрсатиб, кейин ўтирар экан-а?

— Нега уч ёққа? — деб сўради қайроқбурун.

— Зинада туриб, ҳали чиқмай, кўрсатади. Орқаси эшик-ку.

— Ҳа-а. Назоратчи бўлмасмикан?

— Ҳамма чипта олса, абонемент кўрсатса, назоратчи нимага керак?

— Лекин керак, бари бир керак, — деди малла "нўл бир". — Одамларга ишониб бўлмайди, ўтган ойникини ҳам кўрсатиб юравериши мумкин.

Шу вақти ҳасипмўйлов машинасини ўт олдириб-да, дудбуронини даранглатиб газ берди.

— Нима қилмоқчи бу? — деди қайроқбурун кўзларини ола-қула қилиб. — Бостириб кирмоқчимиз? Ўзингиз бир боппа-анг буни!

— Тарбия масаласи чатоқ-да ҳали, уларга етишимизга кўп замонлар керак. Мана, тайёр мисол, — деди пистоқи "нўл олти".

— Шунга айтинг, — деб тилга кирди сурмаранг "нўл тўрт" ҳам. — Мана, қараб турибмиз ҳаммамиз.

— Нега қараб турамыз? — деди малла "нўл бир". — Биз беш киши, бу бир ўзи. Эви билан-да, ахир. Биздан кейин, майли.

— Кейингилардан ҳам сўраш керак, — деди пистоқи "нўл олти" — Шундай тикилиш одобдан эмас.

— Э-э, мунча тортишдик, ҳаммамиз гапиришимизга арзимади бу, — деди қайроқбурун. — Мана, ҳозир бу кишининг ўзи жойига солиб қўяди. Ў-ў, оғайни, қасёққа, биз ҳам турибмиз, деб қўйинг.

— Сўранг-чи, нияти нима экан? — деди малла "нўл бир".

— Менинг олдимдан кираман деса, мажақлаб ўтиб кетардим лекин! — деди "ГАЗ — йигирма бир" алам билан.

Оқ "нўл ўн бир" ўчди, лекин яна ўт олди, орқасидан қоп-қора тутун чиқди.

— Ҳа, ҳа, — деди сурмаранг "нўл тўрт".

"Оқ нўл ўн бир"нинг дудбуронида худди жўрттага қилгандек, нимадир пақ-пуқ отилди.

— Мошини бу кишиникининг олдида, — деди қайроқбурун. — Ҳаммамиз эътибор қилсак, обрў бўлади-ю. Сиз бир сўранг, еб қўямас. Бизлар бор-ку, мана.

— Мунча газ босади? — деди "ГАЗ — йигирма бир". — Орқа ичагини юлиб олади-ёв.

— Бир нарса деб қўйинг, — деди малла "нўл бир".

— Андишамиз ҳам намойишга-да, — деди пистоқи "нўл олти". — Ўзи ростдан кўрқоқлик шу. Ҳе, у деймиз, бу деймиз, тарбия, адаб, э-э, асли юрак йўқ. Бошқа халқлар олдинлаб кетган. Биз ўзи ҳали халқмизми, йўқми...

— Гапирманг, — деди сурмаранг "нўл тўрт".

— Ўзим гапирай бўлмаса? — деб қайроқбурун Собирдан сўради. — Ҳеч ким индамаса, кириб кетаверади-да.

Жуда нотўғри бўлди, Собир ҳали унга гапирмасидан, ҳатто гапиришни ўйламасидан олдинроқ ҳам шу қиладиган иши нотўғрилигини, буларнинг эса тезлаётганини кўриб-билиб туриб, кап-катта одам, мияси аинидими, бодиланиб кетдими, хуллас, ўзини ҳеч бир кераги йўқ тигга урди.

"Нўл ўн бир"нинг эшик ойнаси туширилган, ҳасипмўйлов бошини у ёққа буриб ўтирган экан, Собир бориб тирноғи билан эшикни читирлатгандан кейин, шахт билан бу ёққа ўгирилди-да, иягини қоқди, имламади, индамай дўқ урди. Собирнинг чаккаларига тиришиб кетди. Ҳасипмўйловнинг жуда кўпол гапириши ҳали озини очмасидан ҳам кўриниб турар, бунақа қарашининг ўзи ҳам бир дағдага эди.

— Қасёққа тикиляпсиз? — деди Собир галдираклаб.

Унинг гапи ўнқовсиз чиқди-ю, лекин ҳасипмўйлов ҳам баҳона пойлаб турган экан, девкучукдек таппа талади:

— Нима, сеникига тикилманми? Нима ишинг бор? Собир совуқ сесканди, лекин ўзини ушлади, бошини бепасанд эгиб, бир нафас атай тикилиб турди-да:

— Нимага бу ерда турибсиз бўлмаса? — деди.

— Турибман-да. Нима, отангнинг ерими бу? — деди ҳасипмўйлов ҳам.

— Ғалати экансиз-ку, — деди Собир энди нима дейишини билмай, лекин кўзини олмади.

Ростдан, унинг гапи яна қовушмади, бу одам ўзимча турибман, танишимни кўргани келганман, шу ерга ваъдалашганмиз, деса, нима гап топиб беради?

— Нима? Ҳозир мошиндан тушсам, ғалати қанақалигини биласан, — деди ҳасипмўйлов, лекин тушмади, тушадиган сиёғи ҳам йўқ эди, фақат Собирнинг шляпасига ёқтирмай қараб қўйди.

Собир бу одамнинг шунча машина ичидан бу ерга қандай ўтиб келганини кўргани йўқ, лекин унинг айнан ўзини танлаганини, танлаганда ҳам шляпасига қараб мўлжал олганини билди. Ўзи сотиб олаётганда бу шляпаннинг ҳали кўп панд беришини ўйлаган эди, лекин кўзи қиймади, чиройли, кам учрайдиган, пештахтага ҳам бир тасодиф билан чиқиб қолган, юмшоқ, буклаб чўнтакка тикиб кетса ҳам бўлади, фақат, шу ранги, фасони ов мавзусида учунми, жуда қуюқ, тўқ — яшил, бошқаси йўқ ҳам эди-да. "Чиройли, деб олаверасизми? Эркакка ҳамма чиройли нарса ярашаверади, деб ким айтди ўзи? Бу биронта кийимингизга тушмайди", деган эди ўшанда Комила. Ҳозир ҳам бу шляпа фақат Собирнинг устидаги қулранг костюм-шим, кўкиш кўйлак, қизил чизиқ-чизиқ галстуккагина мос тушмаётган эмас, умуман олифталиги билан бу ердаги бошқаларнинг кийимини ҳам айбситаб тургандек эди.

— Тушмасангиз ҳам кўрпман — жуда тарбиясиз одам экансиз, — деди Собир зардаси қайнаб.

Ҳасипмўйлов кўзини олайтирди:

— Ўв, бола! Тарбиянгни сихлаб қўяман лекин. Мен виш-шакнинг тагидан бутун чиққанман-а!

Собир "виш-шак" нималигини аниқ билмади-ю, лекин ҳасипмўйловнинг "бола" дегани қаттиқ ботиб, жўрттага майна қилди:



— Эш-шакнинг тагидан? Нима қилиб ётган эдингиз?

— Ўв, тупоймисан? — деб у бўйинга сиртмоқ ишорасини қилди, лекин дордан омон қолган жўмардни билмаган рақибидан жуда ҳафсаласи ўлди. — Виш-шак деяпман мен! Билмайсан-у, яна чигирткадай сакрайсан...

Собирдан ўн ёшлар катта, лекин жуда бўлалди, тушаман дегунча Собир уч-тўрт бор ўхшатиб... лекин ёши ўтган, семиз, ялпайиб ўтирган одамга қўл кўтариш... Мошиндан тушмай, ваг-вуг қилади, жойидан чиқиб, хезланса ҳам бошқа гап. Кейин, урушишни хаёлига ҳам келтирмапти шекилли?

— Ҳали сакраганимни кўрмабсиз, — деб таҳдид қилиб қўйди Собир.

Ҳасипмўйлов кўзининг пахтасини чиқарди, машинадан бир оёғини туширди-да, қўлини пахса қилди:

— Бир... лекин парашўк қилвораман! А мен мошинамда ўтирибман-ку. Олавер бензинингни! Жонингдан тўйганмисан? Нега менга ёпишасан? Эй, мун қаранглар, жинни бу, ўзи тикиляпти! Бор-эй, аршингни қил! Мен ўзимга жавоб беролмайман! Ҳозир бин-нарса қилиб қўяман лекин! Мусулмонлар, бола-чақам бор, яна қамалиб кетмай!

Кўринишидан ваҳиманинг уяси, одам бакор келмайдиган бу тўнканинг мўйлови тагидан ҳовуллаши унча эмас, нимадир бир эринчоқликми, оғринишми, ишқилиб, оғзидан боди кириб шоди чиқшининг замирида худди "Сўкинмагани қўймапсан-да, майли, бу кўргулик ҳам бор экан", деган зорланиш ҳам бордек туюлди.

Собир аввалбошда даврасидагиларга орқа қилган, ҳеч бўлмаса, ҳа-ҳалашар, мабодо ёқалашиб қолсак, ажратиб қўйишар деб, ўйлаган эди, лекин ҳасипмўйловнинг овози баландлагани билан қуруқ ҳавога кетаётгани, олма-кесак излаётган нигоҳига ҳеч ким илнмаётганидан билдики, орқасида одам йўқ, ҳаммаси машина-машинасига уриб кетган, ҳасипмўйловнинг рўпарасида бир ўзи қолган! Ҳасипмўйлов ўтирган жойида вағирлашини қўймайди, Собир нима қилишини билмайди. Буюртма томоша!

Лекин шу вақти, яхши ҳамки, сурув юргандек бўлиб, бутун АЁҚШ ҳаракатга келди-да, навбат қимирлаб қолди. Пистоқи "нўл олти" олдинга юриб, ора очилган эди, "нўл тўққиз"нинг орқасидаги ҳамма бесабр сигнал босиб, ваҳима кўтарилди. Собир машинасига югурди.

У машинасини ўт олдириб, жойидан қўзғалаётганда ойнакдан қизиқ нарсани кўрди: қайроқбурун юрмай, ҳасипмўйловга бошини силкиб, "ҳайданг", деб имо берди, бўйини бир томонга қисди, қошини ҳам учирди, манзиратдан шошган оқ "нўл ўн бир"нинг ияги тушиб кетиб, оғзи очилиб қолди, мўйлови шалвиради, бошини силкиб, имо билан қайта сўради, қайроқбурун яна тез-тез бош ирғади, ҳасипмўйлов ниҳоят кетини бурқситиб, орага кириб олди.

"ГАЗ — йигирма бир"нинг сигнали ғоз товушидек га-ғалар экан, норозиликдан кўра, бўғилиб йиғлагандек чиқди, орқадан уч-тўрт машина унга жўр бўлди, малла "нўл бир" эшикдан қўлини пахса қилиб чиқарди, лекин тилига гап келмади шекилли, яна шу қўлини силтаб қўя қолди.

Собир энди нима қилса? Ҳасипмўйлов навбатга кириб олган, машинасидан чиқай демайди. Энди нима деб ҳам гап таллашиш мумкин? Лекин қизиқ, айтишишди, сўкишишди, энди эса иккови ҳам ўз машинасида ҳеч нарса бўлмагандек ўтирибди, яна олдинма-кейин, худди бир-бирини кўрмаган, билмайди. Ҳа-эй, ҳаммаси бегона одамлар, бу ёғи ҳам ҳеч нарса бўлмагандек бўлиб кетади. Биров навбатсиз кирмоқчи

бўлибди, бировлар айтишиб қолибди, шуми? Шу-я? Шунга шунчами? Э-э, ҳозир бензин олсин, ҳамма тарқалади, ким кимнинг эсида қолади...

Худо хоҳласа, бу ёғига навбат яқин. Оқ "нўл тўққиз" йигирманчилар бўлиб турибди, орқада машинанинг кўплиги бензин етишига бир далилдек, хотиржамлик ҳам беради. Энди бу ёқда тартиб бор, агар бирда-ярим навбат айтиб кетмаган машина бўлмаса ё қайроқбурунга ўхшаб биронтаси кўнгилбўшлик қилмаса, суқилиб кириш ҳам, кирадиган йўл ҳам йўқ...

Собир сигарета тутатиб, ойнани туширди. АЁҚШнинг ғала-ғовури баландликда шағиллаб турган бўлса, ҳасипмўйлов билан қайроқбуруннинг суҳбати пастдан, ер бағирлаб келди, ҳасипмўйловнинг овози анча баралла, қайроқбурунники сал пастроқ, лекин яхши эшитиляпти. Собир ойнакдан қараса, ҳасипмўйлов машинадан икки оёғини ҳам тушириб, сигарет тутатяпти, қайроқбурун унга, — э баракалла! — гиж-гиж қилиб чақмоқтош тутган!

— Ўзингизни оловга урманг! Тўғри гапдан, нима, ош пиширасизми? Мана, шунча одам, ўзлар гапираверсин! Сиз тилвизорга диктирмисиз? Уям ёзиб берганни ўқийди. Қоғозга қараб! Бошқа нарсани эмас. Ойликни шунга олади. Сизга тўғри тикилгани билан, яхшилаб қаранг, кўзининг қоракишмиши у ёққа-бу ёққа мундай-мундай бориб-келиб туради. Бу ёғида бошқаси ёзилган қоғозини тутиб туради-да... Ўзича, қаёқда?

— Мен ҳам шуни айтдим-да, — деди қайроқбурун. — Ҳар ким ўзи учун курашсин, ҳамма учун битта одам... тўғри эмас, дедим. Тўғрими?

— Жуда тўғри! Сиз булар учун гапирасиз, булар... биз билмадик, дейди. А сизларни гапирди-ку? — Йўқ, бизлар беҳабар! Бу, бензин йўқ, дейишяпти? — Ий-э, нега йўқ? Мана, бор-ку! Бўлмаса, нега ўчират? — Ўчират йўқ. Ҳа, нега турганимизми? Ўзимиз, хангома қиялпмиз. Ана, кўрдингизми, одамлар қанақа! Сиз буларнинг ҳақини айтириб бераман деб калтакка учрайсиз, булар... ўзи қўшилиб уради! Шунақа! — Унинг ҳар бир гапини мўйлови ҳам кўтарилиб-тушиб, тасдиқлаб туриши ойнакдан яққол кўриниб турарди. Собир жуда қизиқсиниб қолди. Қайроқбуруннинг навбатсиз қўйгани, бунисининг навбатсиз киргани уларнинг гапини эшитишга эрк бергандек эди гўё.

— Боя ўзингиз кўргандирсиз, — деди қайроқбурун куйиниб. — У ёқдан қанча мошин навбат-навбатга қарамай, бу ёқдагиларни бир пул қилиб, бензин олиб кетди. Бу ёқдагилар гапирди, сўкинди, фақат бир-бирига, у ёққа эшиттирмай! Кейин битта "чаток"ми, "чатма"ми қош хотин, ўзиям ҳамма бир-бир кўрган экан, анувақа... Вай, салом беришлар! Таъзимлар! Кимга? Нега? Пули бор! Тагида қўша-қўша мошин, ҳа, дўкон очган, ҳа, ресторан қурган! Чоп, кутиб қолмасинлар! Бу ёқда унга уйланмаганига ўзини осмоқчилар ҳам чиқиб қолди. Ё тавба! Нималар бўлиб кетяпмиз ўзи? Э-э, хуллас, бўғилиб кетасан. У ёқдан келганларнинг кетига кириб кетай деймиз, бу ёқдан кирмоқчи бўлганларни...

— Раҳмат, ука, сиз бўлмасангиз...

— Йўқ, сизни айтмаяпман... Нега? Чунки... ўзимиз қатори одам. Оддий халқ! Оддий халқни-чи, ака, бемалол сўкса бўлади. Чунки ҳеч бир одам ўзига олмайди, ҳаммани сўкяпти-ку, мени эмас, дейди. Мен "ғит" этувдим, анави "нўл тўққиз" "Бўпти, телевизорга чиқинг", деди, юрагим тушиб кетди, кейин қаердан ҳам сиз келиб қолдингиз, яна кўплашиб оташин бўлиб, оқ "нўл тўққиз"нинг ўзини тўғриладик, сиз бир дўқладингиз, ҳаммамиз куёни сурдик. Нега бунақамиз? Рост-да, менга наъша қилди. Қани, шу одамни ўтказиб юборай-чи, нима бўлар экан, дедим. Ҳеч нарса бўлмади. Йўқ, бўлаётгандир балки, сиз билан менга эшиттирмай, ҳу орқада, висир-висир,

шивир-шивир... Шунча одамдан тап тортмай кирдими, бир балоси бордир-да, деб. Вой, бу одамлар!

— Тўғри қиласиз, ука, ҳар кимнинг ширин жони ўзига, — деди ҳасипмўйлов.

Қайроқбурун бу гапнинг ўзига нима алоқаси борлигини тушунмай, бир муддат жим туриб қолди.

Зерикди шекилли, сигаретасини эзгилаб, малла "нўл бир" келди. Худди шуни кутиб тургандек, "ГАЗ — йигирма бир" ҳам даврага қўшилди. Лекин ҳангома юрмай қолди. Уч киши индамай тутатиб бошлаганда, пистокси "нўл олти" тургинчи бўлди. Сурмаранг "нўл тўрт" Собирнинг ёнида тўхтаб, унга тушмайсизми, дегандек қаради.

Собир энди эшигини очган эди, шу пайти пашмалоқнинг ингичка, узун қувурни елкалаганча АЁҚШнинг орқасига ўтаётганини кўриб, тушмади. Бутун АЁҚШ бир бўлиб сўлиш олгандек бўлди.

Пистокси "нўл олти"нинг юзига хавотир сояси қўнди, у қайтиб бориб, машинасига ўтирди. Бу ёқдаги давра ҳам тарқалди, ҳамма ўз машинаси ёнида туриб, ташвиш билан пашмалоқ кириб кетган томонга қараб қолди.

АЁҚШни жимлик босди.

Пашмалоқнинг қувур кўтариб чиқиши подшо замонида удайчининг ҳукмикуш фармонини эълон қилишидек бир гап эди. Ҳозир у орқага қайтади, ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайди, қувурни газнахонага қўяди-да, тўғри кириш жойидаги ола-була қувурга қараб юради, тамом! Ялиниб-ёлворганнинг ҳам фойдаси йўқ, ўлчаб келганини ҳамма кўрди, бензин тугаган бўлса, энасиникидан қўйиб берадими? Энди бу ёғи ола-була қувур кимнинг машинасининг орқасидан, кимникининг олдидан тушади, бахти билади.

Ана шу вақти яна навбат юриб қолди-ку! Пистокси "нўл олти" кирди! Яна озгина юрса, Собирнинг оқ "нўл тўққиз"и тумшуги ҳам ола-була қувур тўсадиган чизикдан ўтса эди! Йўқ, тўғлиқ ўтди! Оқ "нўл ўн бир" ҳам сизди-эй.

Пашмалоқ бу ёққа қараб одимларди. Қайроқбурун унга не ҳасрату не унсиз нолалар билан тикилди, фойда бермади, қувур... оқ "нўл ўн бир"нинг орқасидан — тўғлиқ кўк "Москвич"нинг олдидан тушди! Қайроқбуруннинг алам устида нима дегани аниқ эшитилмади, лекин "Вай-й" деб сўқинганини ҳамма билди — бечоранинг сўқинишдан бошқа нима иложи ҳам бор?

Ҳасипмўйлов орқасига қарашга юраги бетламай, машинасига биқиниб олди. Малла "нўл бир"нинг аччиқ кулгани худди йиғлаётгандек кўринди. Сурмаранг "нўл тўрт"нинг кўзлари пирпирар, бошини чайқаб-чайқаб қўяр, "ГАЗ — йигирма бир" қўлларини силкиб, ўзига-ўзи алланарсаларни уқтирар эди.

АЁҚШ худудига кириб олган, энди бензин олиши тайин бўлган пистокси "нўл олти" билан Собир ола-була қувурнинг у ёғида қолган бугунги дарддошларининг нигоҳидан кўзларини яширар, навбат, тасодиф, пешана, бугун бўлмаса, эртага бўлади шу бензин, лекин бари бир, шунча вақт бирга пойлаб, бирга ҳасратлашиб, энди етдим деганда... нимасидир номардлик-да. Айниқса, бечора қайроқбурунга. Энг кўп куйинган ҳам шу эди. Собир ҳам сал жабр тортди-ю, ўзининг аҳмоқлигидан, лекин ҳар на, муродига етди-ку.

Ҳасипмўйловга лекин ҳақиқий маънода бетимнинг қалини жонимнинг ҳузурни бўлди! Энди жойини қайроқбурунга бўшатиб бераман деса ҳам иложи йўқ...

Пашмалоқ ола-була қувур ёнида туриб, калта бўйини ўзининг салобатига чўзиб, қўлларини кўтариб хоч қилди — бу ёқдагиларга бензин йўқ, АЁҚШ худудига қира олмаганларнинг энди тўрт томони қибла, лекин улар кета қолмайдилар, бир нималарнингдир умидида ҳали ярим соат-бир соат гимирсиб юрадилар.

АЁҚШ худудига кирдингми, бу ёғи бемалол, чўнтагинг кўтаргунча, идишларингга сиққунча ол, ҳеч етмай қолмаган вақт йўқ — қоида шунақа, лекин бўл-ҳа-бўл, тез-тез, анграйма, сендан бошқалар ҳам одам, битта ўзингни ўйлама! Ё тавба, бу одамларнинг ҳовлиқишини!

Собир бир юзу етмиш литр олгунча терга пишиб кетди. Айниқса қирқ литрлик флягаси анча гап бўлди. Қирқ литрлик канистр мумкин, бу мумкин эмас экан, тавба! Оғзи катта эмиш!

У колонкалардан берироққа чиқиб тўхтади. Эҳтиёт яхши-да, фляганинг оғзидаги резинани тўғрилаб, бошқатган яхшилаб ёпиб, канистрларининг орасига латта қўйиб, данғирламайдиган қилиши керак.

Тушиб, қараса, тиқиннинг қопқоқчаси очик қолган экан. Қопқоқчани ёпаман деса, тиқиннинг ўзи йўқ. Бензин олаётганда машинанинг устига қўйиб, кейин эсидан чиққан, юрганда тушиб қолган. Шу билан ке-етди! Ўзи арзимас пул, лекин йўқ, топилмайди. Оббо, энди латта тиқиб юришга тўғри келади-ёв?

Нариги колонкада сал ушланиб қолган пистокси "нўл олти" энди ўтди, у Собирга, кейин унинг оқ "нўл тўққиз"ига қаради — кийимлари дазмолланган, озода, машинаси ҳам, машинасини бошқариши ҳам бежирим, тартибли, бир кўришдаёқ хаёлингизга ҳам "жуда тартибли экан" деган фикр келади, лекин ўзи етти ёт, мутлақо бегона бир одам эди.

Оқ "нўл ўн бир" ҳам чиқиб келди, лекин ўтиб кетмай, Собирнинг ёнида тўхтади. Эшик очилиб, у ёқдан ҳасипмўйлов тушди, машина жонивор гавдасини ўнглаб, жойида кўтарилди.

Ҳасипмўйлов дамқисмами, нима бўлса, ҳарс-ҳарс нафас олар экан, машинасини секин айланиб келди.

— Ҳа, ука, қандайсиз? — деди у базўр дамани ростлаб. — Бу пляга апасний, ука. Ўзи бу сутга-да. Тешигига миҳ тиққанмисиз. Ҳа, миҳ тиқиб қўйинг, қақмоғи сакраб кетмайди... Ҳа... тез одам экансиз-да, а? Мундай қарасам, буларнинг ичида сиз бўшроқ кўриндингиз, ука-пука деб аврасам деб турсам, сиз ҳам... Сиз эмас, бу одамлар оловга итариб юбориб, ўзлари томоша қилади. Кейин, ким итарди — бизлар билмаймиз! Йў-ў, қачон? Кўрганимиз йўқ. Кўзимиз очик эди? Нима кўзи очик одам ухламайдими? Ухлайди! Ана шунақа, ука.

Собир канистрларини жойлаштириб бўлиб, багажникни ёпди-да, ҳасипмўйловга ўтирилди. Бу энди боғи одам эмас, кенгфелъ, кўпни кўрган, анча фикрли киши, лекин саҳар туриб навбатга қелишга ўзини мажбурлай олмайди ё соғлиғи кўтармайди, ишқилиб, кейин чора қидириб қолган содда-муғомбирга ўхшайди. Ҳар қалай, боя Собир билан дўқлашган одам бошқа, бу бошқа. У каттакон кафтида "нўл тўққиз"нинг тиқинини ўйнаб турарди.

— Бу шляпани ўзингиз бўятганмисиз, бунча ранги тўқ? — деди яна ҳасипмўйлов. — Ука, хафа бўлманг-ку, шунақа жойларга шунақа нарсаларни кийманг. Нима бу ўзи? Муаллимлар ҳам бунақасини киймайди-ку. Ранги ҳам, бичими ҳам галати-ей. Хафа бўлманг лекин. Ҳамма кийган нарсани кийиш керак. Э-ҳа, манави сизники-я. Орқангиздан чақирдим, эшитмадингиз. Шу тушиб қолган, ҳаммаси кўрган, сиздан бошқа "нўл тўққиз" йўқ, биров айтай демабди-я. Э-э, одамлар шунақа, ука.

Собир "Қанақа?" деб кўзи билан сўради.

— Мана, шунақа-да, — деб ҳасипмўйлов сийрақлай бошлаган АЁҚШни кўрсатди.



# АСЛ ОҶАНҒ суврати

Ёруғ оламга "меҳмон" унвони ила келмиш одам зоти борки, ўз оҳанги билан туғилиб, ўз оҳанги билан ўлим диёри сари сафарга отланади. Бир инсоннинг бармоқ излари бошқасиникига ўхшамагани сингари, ҳар кимнинг оҳанги ҳам ўзига хос бўлади. Аммо, шу хос оҳангни илғамоқ изтиробни, шу изтироб лаззатидан ўртанмоқ саодати ҳаммага эмас, фақат инжа кўнгил соҳибларигагина насиб этади. Бу жуда улуғ мартаба. На шоир, на ёзувчи мартабаси бу мартаба билан бўйлаша олади...

Моҳиятида Ахтамқул исми муҳрланган оҳанг, унинг даражаси қандайлигидан қатъи назар, асл оҳангнинг айни ўзидир. Ахтамқул Карим хос оҳангига эга шоир. Унинг шеърларидан она тупроқ камтаринлиги, салобатли тоғлар улуғворлиги, дарахтлар сахоси, тоғлар ўрқачи узра чўғ каби ловулламиш лолалар таровати, қор қўйнида улғаймиш бойчечаклар матонати уфуриб туради. Энг муҳими, шоир буларнинг бари борлиқ ичра эмас, ўз қалби ичра макон тутганини шеърлари — кўнгил оҳанглари ила исбот этади. Ахтамқул Карим шеърляти кичик олам аталмиш инсонга хос азалий ва абадий мавзулардан сўзлайди.

Ахтамқул Карим отли шоир шеър майдонига тасодифан келиб қолмаган. Уни шу майдон аро ташлаган ҳам, шоир қисматиға рўпара қилган ҳам тақдирнинг ўзи. Шоир буни яхши билади, шу боис ҳам:

*Қаламни айла эъвоз деб, тамоми даргларинг ёз деб,  
Қилурсан кўкка парвоз деб, кўлимга бир қоғоз келди...*

деган мисраларни битишга ўзини ҳақли деб билади.

Аввало шоир қалбичалик ожиз яратикнинг ўзи йўқ. Чунки бу қалб метин девор билан ўралмаган, бу қалб лола япроғидек ҳимоясиз. Лоланинг лаҳзалик умри чексиз замон ҳудудлари ила бўйлашгани каби, шоирнинг ҳимоясиз қалбини яраламиш изтироб пайконлари ҳам унинг учун фожиа эмас, балки қисматнинг тортиғидир. У шунинг учун ҳам шоирдирки, акс ҳолда уни қалблари пўлат зирҳлар билан ихоталанган оддий одамлардан фарқлаб бўлмасди.

*Кундузимни қора қилди, ё эгам, бу қора хол,  
Хол унинг юзига кетди,и менда қолди кўп хаёл.*

*Энди ҳар кун бу юракда битта хол пайдо бўлур,  
Балки умрим холининг ҳижронидан топгай завол...*

Мана сизга айтган сўзларимнинг исботи. Ҳеч замонда "соғ" одам бир холи деб ҳаётдан кечадими? Ёрнинг қора холи кундузини тунга айлантиргани етмаганидек, қора хол соғинчи кун — кундан қалб ришталарини узади. Оқибат ошиқ умрига завол бўлади. Бир қора хол деб умрини берган бу телба шоир маслағи

шу холни деб Самарқанду Бухорони бахш этган Ҳофиз қалбини рашқдан куйдирса не ажаб!

Ахтамқул Каримнинг "Ота" радибли ғазалида шундай байтлар бор:

*Кўкси мағрур, шу баланг тоғлар билан тенгсиз, ота,  
Кўзларимга сифмаган осмон каби кенгсиз, ота.*

*Кўп югурдим, тунлари ой изларимни излагай,  
Билмадим, қайларга қолди, изларим менсиз, ота.*

*Гоҳ баҳордан кечга қолдим, қиш мени ўйлатди кўп,  
Учди қалдирғочларим, боғимга кўнгилсиз, ота.*

*Тоғларим бағримга боссам, айқирар гарёларим,  
Майсалар пойимга йиғлаб чиқдилар унсиз, ота...*

Ушбу мисраларда изтироб улуғворлик билан, пушаймон туйғуси эрк истаги билан, қалб кенглиги унсиз йиғи оҳанги билан қоришиб кетганки, шоир чизмиш асл оҳанг сурати бундан сержило бўлмаса керак.

Мумтоз шеърлятимизда салаф шоирлар ғазалига тахмис боғлаш анъанаси мавжуд. Бундай анъана асосида туғилган асар (мухаммас) тасодифнинг ёхуд жўнгина ҳаваснинг меваси бўлмаган. Ҳақиқий мухаммас қофиялар туташган жойда эмас, руҳлар туташган жойда дунёга келган. Ахтамқул Карим ҳам шу хайрли анъаналар изидан бориб, етук шоиримиз Сирожиддин Саййиднинг машҳур "Куйдим" ғазалига тахмис боғлаган. Бу билан аруздаги маҳоратини тўла намоён эта олган, десак янглишмаймиз.

*Таърифига сўз изладим ҳеч сўзга қиёс йўқ,  
Кўнглимни олиб кетган ўшал кўзга қиёс йўқ,  
Тунлар тикилиб ой десам ул юзга қиёс йўқ,  
Ташбеҳига ҳолим бугурур, ўзга қиёс йўқ, —  
Соч толасидай чоки гирибонига куйдим...*

Холис гап шуки, Ахтамқул Карим шеър аҳлини қийнаб келаётган энг оғир дардлар залворини елкасига олиб, ўзининг камтаргина сўқмоғи бўйлаб одимлаётган покдамон шоирдир. Ҳар не бўлганда ҳам унинг қалбидан жаранглаётган оҳанглар эзгулик куйига ҳамоҳанг.

*Осмон қолди, биз кетдик бобо,  
Йўл йўқ экан адашганларга.  
Искандарнинг аччиқ қисматин,  
Айтдим дунё талашганларга...*

Шоир талқинида Искандар Зулқарнайн қисмати бутун инсоният қисмати дир. Наҳот фақат эзгуликда.

*Узоқ Жўрақулов,  
ЎЗМУ доцент*



Азим СУЮН

# Мен

## КИМ...

### ДОСТОН

Мен ким... тотли дунёда  
 бетин кезгувчи сайёҳ,  
 бутун бир Ер шарини  
 қўналға, дегувчи зот,  
 юрибман Осиёнинг  
 ҳаводор ўртасида,  
 Енисей қирғоқлари —  
 дарахтзор — кўлкасида.  
 Тайга ўрмонларида  
 Офтобнур зарра-зарра  
 тилла балиқчаларнинг  
 либоси каби танга.  
 О, пароход гувиллар...  
 унга чиқаман сакраб,  
 Олтойю Тува, хайр,  
 бағрингни кездим яйраб.  
 Юрагим тан олмагай  
 бирорта чегарани,  
 на билгай кўриқчини,  
 на билгай бир эгани.  
 Тинч уммонда сузаман,  
 дўстимдир ҳар қайиқчи,  
 гурунг... гурунглашаман  
 келар корейс — балиқчи.  
 У мени таклиф қилар,  
 кўринмас олди-кети  
 сербелбоғ бамбукзорга —  
 Кванжунинг бир чети.  
 Ин Ок — сулув таржимон  
 чорлар мени Вьетнамга,

Вьетнамни сайр этаман  
 буркангача туманга.  
 Ин Ок қолар — бир эртақ,  
 мени унутма, дейди.  
 ...Мени кутиб олади  
 Филлиппин ороллари.  
 Мен уларни кезаман,  
 Крисланот шоир — ёш,  
 худди ўзбекка ўхшар,  
 қоп-қорадир кўзу қош.  
 Ҳа, Ой Ер атрофида  
 айлангани рост экан,  
 энг ёрқин Чўлпон юлдуз  
 ҳамма учун дўст экан.  
 Тўкиода Навоий  
 бобомнинг хайкалининг  
 пойига гуллар қўйдим  
 бу ерга келган чоғим.  
 О, Хисао Кумацу  
 йўлу йўлдош ёнимда,  
 худди Қозоқбой Йўлдош  
 дилу дилдош ёнимда.  
 ...Шимолда эскимос дўст  
 уй — иглусин қолдириб,  
 учаман Оврўпага  
 устозимни соғиниб.  
 Ассалому алайкум,  
 Лондон — улугвор қалъа,  
 Усмон Туркой — устозни  
 бериб қўйибсан ерга.  
 Қайирмаларимнинг, оҳ,  
 таржимони эди у,  
 "Қибризмарказ"га келиб  
 топмадим устозимни...

Коинотда минг-минглаб  
 Галактика созу хос,  
 Сомон йўли-чи, бизнинг  
 қуёшимиз учун мос.  
 ...Парижга кириб бордим,  
 Ассалом, "Умар Хайём",  
 "Бонжур" деб чопиб келди  
 оқтўш француз санам.  
 Қадаҳ келтир, май келтир,  
 бунда таниш барча кас,  
 дарров ёнимга келди  
 бир қадаҳдош — шеърпараст.  
 Унинг кўзига қараб  
 "ўқи..." дейман шеърингни,  
 биритишча ўқийди  
 бурро қилиб тилини.  
 Янги техник услублар  
 қурилмаси машқида...  
 ...Бирдан Лорканинг исми  
 жаранглади... қаршимда.  
 Майхонада майимнинг  
 симирдим охирини,  
 Андалусия, салом,  
 излаб келдим Лоркани.  
 Лорка чалар гитара,  
 лўливаш қизлар гурас  
 келиб рақсга тушар  
 куй сеҳрига хосу мос...  
 ...Қуёш чиқиб нурларин  
 йиғиб олгунича то,  
 мени кутиб олади  
 Женева — сирли дунё.  
 Ер остида жаннат йўқ,  
 жаннат йўқдир самода



жаннатнинг асл асли  
туманли Алп — маъвода.  
Кезаман бу тоғларни,  
водийларни кезаман,  
Ер тортиш кучин еңгиб  
ҳаволарда сузаман...  
Ойни қўй, қуёшда ҳам  
доғ бордир лахта-лахта,  
менинг сайёҳ кўнглимни  
чорлар Амриқо қитъа,  
Уитменга издошман,  
ўқиб берай шеъримни,  
Миссисипи дарёсин  
кўрай бўйи-энини,  
Оҳайо ва Миссури  
унинг ирмоқлари, оҳ,  
юрагимга ташлади  
балиқчи каби қармоқ.  
Таржимоним Жасон дўст  
мени чорлади овга,  
Жасон билан кетаман  
ов баҳона гаит жойга.  
Бу оламда шоирнинг  
душмани, ёви йўқдир,  
унинг ёви Одамга  
отилган учқур ўқдир.  
Шоликор, ишчи, фермер  
қадрдондир, азиздир,  
уларнинг бугдой сўзи  
шеъримда Эзгу сўздир.  
Африқо. Саванналар —  
Нил дарёсин бўйлари,  
ўтиб бордим бир наstdа -  
қалб-кўнглимни чорлади.  
Ҳой, болакай, болакай,  
қора танли ёш дўстим,  
мен биламан, ҳамдардман,  
сенинг кўп камии-кўстинг,  
тўғрилаймиз барисин,  
йиғламоқ эмас чора,  
сен яримсан, мен ярим,  
бут бўламиз мардона.  
Одамийлик унвонин  
юрагимга таққанман,  
вайрона кулбаларда  
тунлар чироқ ёққанман.  
Сув ости тоғларига  
шўнғийману кираман.  
Сенинг учун, болакай,  
унда сарой қураман.  
Океанавт ўзимман,  
ўзимман косманавт,  
Эверест чўққисиди

тиклагайман сенга тахт.  
Мен сайёҳман — ҳар чорбоғ —  
ғўзаллик ошуфтаси,  
қуролни олмайман тан,  
мен улар кушандаси.  
Чин башар авлодини  
кутмоққа ватаним бор,  
Ўзбекюрт, дерлар, уни,  
қалбим оппоқ мисли қор.  
Қозиғим бор, қўноқлар  
отларин боғламоққа,  
қозоним бор, уларни  
ош қилиб сийламоққа...  
Герсоппа шаршарасин  
бугун кўрмоғим керак,  
ҳозирча хайр, дейман,  
омон бўлгил ёш юрак...  
Герсоппа, о, Герсоппа,  
мен, мана, қаршингдаман,  
гир айлангум дунёни,  
қақнус каби бир қушман.  
Туш эмас кўрганларим,  
швед чўпони билан  
суҳбатлар қурдим узоқ  
гумон, иймони билан.  
Олмон аскарни билан  
ҳангома қилдим қанча,  
унинг юрагида, оҳ,  
ечилди не тугунча:  
автоматни кўтармоқ  
жоизмикин Одамга,  
аслини айтсам, қурол  
ярашмас бу Оламга!  
Қўлларим гул истайди,  
истайди чечакларни  
юрагим истагандек  
болалик эртақларин.  
О, Герсоппа, Герсоппа,  
етти мўъжиза, қани?  
Олтитаси йўқ бугун,  
бор Хаопс эҳромни.  
Эҳром-ла гурунглашдим,  
қизиқ гапни деди у;  
— Одам, бу мангу эмас,  
Одамиятдир мангу!..  
О, Герсоппа, Герсоппа,  
баҳоримни соғиндим,  
сенга айтсам, тўғрисин,  
Диёримни соғиндим.  
Сен оқавер, оқавер,  
Ниагаралар оқсин.  
Бу олам тоғларида  
чўпонлар гулхан ёқсин.

Дехқонлар экин бугдой,  
темирчи қурол эмас  
бугдойларни ўрмоққа  
ўроқлар ясасин, бас.  
Болалар қир, далада  
яйрасин, ўйнаб чопсин,  
"Уруш" деган қозоннинг  
қопқоқларини ёпсин.  
Мен муҳаббат ошиғи,  
Навоий фарзандиман,  
Петрарка невараси,  
Ҳофизнинг дилбандиман.  
Конфуций буюк бобом,  
Руставели эмас ёт.  
Жупанчич оғайнимдир,  
дўстим Томас Элиот.  
Замин устида борман,  
Ер остида тирикман,  
ҳар Қутб нуқтасида  
ҳозирману керакман,  
Арктиканинг кўкида  
тўйнуқлар бўлмиш пайдо,  
илма-тешик юрагим  
тун-куни ўша жойда...  
Султонману ғарибман,  
ғарибману султонман,  
Рашид тоғида — ҳайкал  
Линкольн, Жефферсонман.  
Бутпараст, мусулмонман,  
оташпараст, католик,  
яхудий, турк, арабман,  
барча динларга молик.  
Мен борман саҳродаги  
йўловчининг "оҳ..."ида.  
Тангрим ғазабни нечун... —  
торнодаман гоҳида.  
Цунамидирман гоҳ-гоҳ,  
зилзиладирман баъзан  
омонат эканлигин  
тушунсин қавмим деган...  
Ўчоқда ўтин ёнса  
чўғи ҳам, тутунни бор,  
тутунини қўябер,  
мен чўғман бир дастёр.  
Дарёнинг Бош булоғи  
Инсонман мен, Инсонман,  
сувимдан ичсин Инсон,  
Эзгулик, деган жонман!  
Бу Заминда, Самода  
етгай офат, кулфатлар,  
заҳар-заққумлар эмас,  
ёмғир ёғсин булутлар.  
О, Герсоппа, Герсоппа,  
хайр, хуш қол, мен кетдим.  
...Ассалому алайкум  
Ўзбекистоним — Юртим!

2008 йил



Исҳоқ ЖАББОРОВ,  
Қарши ДУ ўқитувчиси

# БОБОЛАР ҲАМИША ЎРНАК

Буюк соҳибқирон Амир Темур инсоният тарихида ёрқин шахсдир. Улуғ саркарда, донишманд давлат арбоби ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб яратилаётган адабий, илмий, тасвирий санъат асарлари, таржима китоблари юзага келмоқда. Жаҳон халқлари маданиятининг, илмий-бадий ҳамда ижтимоий - сиёсий тафаккурининг ёруғ фасли ҳисобланган "Буюк Темурнома" янги -янги саҳифалар билан бойиб бормоқда.

XX асрнинг иккинчи ярми - XXI аср бошлари ўзбек шеърини тараққиётида алоҳида ўрин тутган Абдулла Ориповнинг беш пардали "Соҳибқирон" драмаси "Буюк Темурнома" силсиласига янги боб бўлиб қўшилди.

Абдулла Орипов "Соҳибқирон" драмасида Амир Темур шахси ва фаолиятини ёритишни мақсад қилиб оларкан, донишманд давлат арбоби ва бунёдкор салтанат соҳиби, боқий гўзалликлар, маънавий - интеллектуал қадриятлар яратувчи шахс концепциясини асос қилиб олади. Шоир "Альбомга" шеърида олис мозий ҳақида фикр юритар экан, "Унда мен ахтарган энг порлоқ Инсон, Унда мен истаган синмас ҳақиқат!" деб ёзади.

*Одамлар ўтдилар бир вақт бир замон,  
Ўтдилар энг оддий бахтдан ҳам йироқ.  
Ягона орзуси эди парча нон,  
Энг буюк армони — озод яшамок!*

Шоир халқимизнинг олис тарихидаги Амир Темур шахси ва фаолияти билан боғлиқ ёруғ саҳифаларига мурожаат этиши бежиз эмас. Улкан салтанат худудларида адолатни қарор топдирган, халқнинг тинч - фаровон, бунёдкор ҳаёт тарзини таъминлаган буюк бобокалонимиздан имдод сўрайди. Рухий мадад, куч - қувват олади. Негаки:

*Ҳамон ер юзида шайтон тугёни,  
Тилларда дуою дилларда зарда.  
Кўриб бу ноқису нотинч дунёни,  
Қайта босардингиз балки, саркарда.*

Не тонгки, ҳали-ҳануз бирлик, иттифок, ҳамжиҳатлик туркий халқлар фарзандларига етишмаяпти. У анқонинг уруғи сифатида камёб бўлиб, ҳаётимиздан сийраклашиб кетди. Шу боисдан ҳам шоир драмада "ноаҳил авлод", деган иборага алоҳида ургу беради. Бу ҳолни шоир ёниб, куйиб, жизганак бўлиб тилга олаяпти.

Зеро, кўҳна тарих зарварақларидан аёнлашяптики, ноаҳиллик ушбу халқларни парокандаликка олиб келган, душманларига емиш қилган, қўл-оёғини боғлаб мутеликка маҳқум этган ашаддий ёвуз иллатдир. Халқимиз бошига асрлар оша кўланка ташлаб келаётган ёвузликларнинг илдизи ана шу ерда.

Абдулла Орипов талқинида буюк бобомиз Амир Темур ўрта асрлар ислоҳотчиси, жамияттаги озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассамлаштирган йўлбошчи, халоскор, донишманд тимсолида гавдаланади.

*Шоир аҳли ғазалларни қоғозга ёзса,  
Мен шеъримни ўчмас қилиб шамширге ўйдим.  
У битикнинг мазмуни шул:  
"Куч — адолатда!"  
Ёш бошимдан қисмат менга қилич тутқазди.  
Чингизийлар мўр -малахдай босган бир пайтда.  
Неча -неча шер юракли барлос йигитлар,  
Ёвларига ем бўлганда боши бирикмай,  
Тоғу тошда санғиб юрган эрксеварларни  
Ўз теграмга тўладим  
Ялов кўтардим.*

"Куч — адолатда" шиори Амир Темур салтанатининг чексиз худудларида ахлоқий ва маънавий меъзонга айланган эди. Куч бирликка асосланган тақдирдагина адолат қарор топади, ҳақиқат юзага чиқади, деган ғоя асардаги бадий талқинлардан сизиб кўринади. Шу маънода у шоирнинг ижтимоий-эстетик идеали меҳварини ҳам ташкил қилади.

Биринчи саҳнадаги Амир Темур, Мир Саид Барака, Амир Ҳусайн ўртасида кечган суҳбат ўзининг теран фалсафий мазмуни, ижтимоий моҳияти билан Куч — Бирлик — Адолат концепциясининг яна бир муҳим қиррасини шуълалантиради. Илмда маълумки, Хожа Аҳмад Яссавий адолатни, инсоннинг ахлоқий покланиш ва комилликка эришиш ғояларини тарғиб этгучи сўфийликнинг "яссавия" тариқати асосчиси эди. Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийни ўзининг пири деб билар, динга кишиларни маънавий ва ахлоқий камолотга етакловчи, мамлакат куч -қудрати ва улугворлигини мустаҳкамловчи куч сифатида ёндашарди. Ана шу ғоя биринчи саҳнада кечган мазкур суҳбат мазмунидан балқиб туради.

*Мен ҳамиша шукур айтдим Парвардигорга,  
Қодир Оллоҳ ойдин қилди йўлимни доим.  
Забт айласам қай бир замин, қай мамлакатни  
Худойимнинг хоҳишига таяндим мудом.  
Ҳатто йироқ юлдузларнинг феъли қандоқ деб,  
Тинглаганман қуръачию мунажжимларни.  
Турфа дину эътиқодга ибодат қилган  
Неча -неча қавмларни ҳукимга олдим.  
Муҳаммаднинг яловини кўтардим баланд.*

Амир Темур эътиқодига кўра банданинг кўнглини исломий шуур ёғдулари ила нурлантириш покланишнинг энг муҳим белгиси. Бу, шубҳасиз, комилликка етишдаги ҳал қилувчи босқич. Тўғри, инсон феъли - фаолиятидаги қусурлар билан қадим - қадимдан курашиб келинади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз фуқаролари кўнглини комиллик шуғлалари ила ёритиш орқали жамиятни, демакки, мамлакатни тозартиришликни исломий бурчи, Оллоҳ томонидан зиммасига юкланган олий масъулият, деб билади. Шу боисдан бандасини маънавий - ахлоқий қусурлардан фориг этишлик масаласига салтанат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошади.

*Агар ҳаёт пардасини кўтариб боқсанг  
Орасида икки ҳолат кўрингай рўй - рост:  
Бири Раҳмон қиёфаси, Униси - Шайтон.  
Бу ғалати жараёнда адолат борми?  
Яйраб юрар нега шайтон корандалари?  
Нега кўндир найрангбозу каззоб кимсалар?  
Нега босган ер юзини бунча кўп иллат?  
Мен заминни тозалашим керак улардан.*

Бунинг учун эллару элатларни яхлит ва ягона давлатга бирлаштириш зарур. Бирлик, бирдамлик ва

иттифоқ одамларни комилликка етказишда гоят муҳим омил. Шу билан баробар, мамлакат ва жамиятни ҳам тозалаш учун олиймақом асос яратилади. Райият бошини бир маслак, ягона эътиқод атрофида қовуштиришнинг ижтимоий - ахлоқий асослари фақат эзуликка хизмат қилади. Оллоҳ иродаси ер юзида пойдор этилгусидир. ("Давлат асло таваккалнинг меваси эмас. У райият, яъни халқнинг гуҳ иродаси. Унинг асос таянчидир ушбу уч жиҳат - ягона шоҳ, мўл хазина, енгилмас лашкар... Турли -туман одамларни бошқариш эса подшоҳларга буюрилган. Аллоҳ ҳукми шу...")

Абдулла Орипов "Аждодлардан мерос бу Ватан..." мақоласида Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари шахсияти ва фаолиятидаги буюк гуманистик - адолатпешалик, инсонсеварлик ва Ватанпарварлик ҳислат-хусусиятларини алоҳида таъкидлайди. Келгуси наслларга мерос бўлиб қолган башарий маънавий - ахлоқий қадриятлар мақомидаги беназир фазилатлардир, дея баҳолайди.

Кўринадикки, мозий — оламгир бир кўзгу. Унда шу ерда яшаб ўтган аждодлар кечмиши, ота-боболаримиз ҳаёти намоён бўлади. Биргина соҳибқирон Амир Темур шахсияти ва фаолиятидан бугунги насллар табиатида комиллик ҳислат - фазилатларини тарбиялаш ҳамда шакллантириш зарур, деб билади. Зеро, янги замон одами - мустақиллик наслларининг маънавий - интеллектуал дунёсини шакллантириш учун тарих бетимсол бир мактаб. Инсон камоли, халқнинг маънавий - ахлоқий юксаклиги учун курашда мозий воқелиги, улуг аждодлар ҳаёти ва тақдири ҳамиша ибрат, сабоқ бўлиб хизмат қилади. Абдулла Орипов ўз драмасида соҳибқирон бобомиз ижтимоий - сиёсий фаолиятидан, шахсияти ва ахлоқий фазилатлари орасидан, айниқса, миллатпарварлик, ватансеварлик, адолатпешалик хусусиятларини таъкидлаб кўрсатади.



## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

ФОТИМА БЕКЧАНОВА



ОНА

Пойингга бош қўйиб айтай бир калом,  
Каломки, ҳар жонга хуш ёқар сасли  
Қалбимда жой олган бу сеҳрли ном  
Онажон, онажон, исмингиз асли.

# Сиз билан умримда маъно ва ҳузур

БАҲОР

Сиз—ку, юрагимда уйғонган ҳавас,  
Қалбимнинг тубида ўсаётган нур.  
Онажон кўнглингиз доимо сергак,  
Сиз билан умримда маъно ва ҳузур.

Баҳорим хуш келдинг ўлкамга шу он,  
Табиат уйғонди сенинг сеҳрингдан.  
Бойчечак нур эмар, кўкда шамс ҳайрон,  
Ер қизир онадек сенинг меҳрингдан.

Боқиб тўймагайман ҳеч кўзингизга  
Сиз менга термулиб тўймаган қаби.  
Дуо қилиб туринг шу қизингизга  
Доим ҳамроҳ бўлсин ҳаёт матлаби..

Қай ёнга қараманг баҳор нафаси  
Майсалар ёқимли қўшиғин тўқир.  
Ўрик гулларининг сержило рақси  
Ҳатто фалак унга тасанно ўқир.





### ЮРТИМ

Осиёнинг эркаси,  
Барчинойлар ўлкаси,  
Тарифласам арзийди,  
Юртимнинг ҳар жабҳасин.  
Кўркамдир бинолари,  
Шифобахш ирмоқлари.  
Меҳмондўст момолари,  
Мусаффо самолари.

Йигитлари алт қомат,  
Дилда имон, садоқат.  
Қизлар ҳусн, ҳаёда  
Тенги йўқдир дунёда.  
Жажжи болажонлари  
Юртининг жонажонлари.  
Ақли, феъли расодир,  
Ўткир зехнга қодир.  
Онлари фаришта,  
Меҳри дарё саришта.  
Оталари дуоғўй,  
Шунга, элда кунда тўй.  
Саховатда тенги йўқ,  
Яшар барча эркин, тўқ.

Феруза АҲМАДЖОН қизи

# Шамолнинг жаранги

### СОҒИНДИМ, БАҲОР

Эрка табиатнинг инжиқликларин,  
Шарқираган сойнинг ҳар шўхликларин,  
Кўз очган майсанинг нозланишларин,  
Қалдирғоч жуфтига розланишларин,  
Соғиниб яшайман такрор ва такрор,  
Юртимга қут қадам бўлиб кел, баҳор.  
Гўзаллик уйғонар, қалблар тўлғонар,  
Зериккан табиат қўлга тор олар,  
Шабнамлар қувончи, шамол жаранги,  
Жар солар оламга, борлиқ мавжланар.  
Соғиниб яшайман такрор ва такрор,  
Юртимга эзгулик олиб кел, баҳор.

Сухроб ТИЛЛО

# Эрта насиб этар бахт

### РАССОМ

Ҳаёт деган буюк мусаввир,  
Чизар тақдир чизгиларини.  
Келажакни этади тасвир,  
Қалбимиздан олиб рангларни.

Кимга чизиб нурафшон осмон,  
Ииқ гулидан бошида гулчамбар.  
Кимлар учун довул ва тўфон,  
Кимлар учун ҳадсиз кенгликлар.

Кимларгадир шунчаки ранглар:  
Қизил, сариқ, оқ, жигар, қора...  
Кимлар учун кулранг қаламлар,  
Қисмат — чизмоқ билан овра.

Қанча тасвир, қанча тақдирлар...  
Ишлайверар мусаввир бетин

Жазолар, у ҳамда тақдирлар,  
Демоқ осон, аслида... лекин.

Қалбимиздан олинса бўёқ,  
Бўёқ билан битилса тақдир  
Қора ранглар бўлмагай-ку оқ,  
Оқ ранг қаро бўлмас-ку, ахир!

Ҳаёт деган буюк мусаввир,  
Тақдир чизгиларини солар.  
Унинг учун ҳамма одам бир,  
У рангларни диллардан олар.

Ҳар не бўлсин — шоҳлик, гадолик,  
Ва ҳар неки қисмат аталган.  
Булар бари саломга алик,  
Бари қалб рангидан яралган!

Ғамгин куйлар куйлама, шамол,  
Олтин кузни тўкмагин, дарахт.

Бугун омад кулмади хиёл,  
Эрта албат насиб бўлар бахт.

\*\*\*

Гарчи сувлар оқмас тескари,  
Хатолар ҳам қийнайди бот-бот.  
Умид азиз, аммо барибир  
Армон билан гўзалдир ҳаёт  
Гарчи сувлар оқмас тескари.

Ҳаёт, сендан қарздорман ҳали,  
Бир кун ҳадя этмоқлигим бор.  
Ииқ аталган туйғулар селин  
Лек менга кам аталгани бор  
Ҳаёт, менадан қарздорсан ҳали!

Олтин кўзёи тўкмагин дарахт,  
Эрта албат насиб этар бахт.

Нигора ТОШҚУЛОВА

**ЕЛҒОНЧИ ДУНЁ**

Бўйимга бўй ёр топсам-да,  
Кўнглимдагин тополмадим.  
Тилда ширин сўзласам-да,  
Дилимдагин айтолмадим.

## Дилимдагин айтолмадим

Мағрур бўлиб яшасам-да,  
Юрак туби кемтик бўлди.  
Шу кемтикка нетай, эй, воҳ,  
Изтиробу армон тўлди.

Йиғлай, йиғлай юрак бедор,  
Сирларингинг устин ёнди.  
Сохта кулгу ҳады этиб,  
Елғончи дунё сари чопди.

Елғончилик қилма, Дунё,  
Изи бергин уйламоққа.  
Алдовларинг мажбур этар,  
Узни алдаб яшамоққа.

**Кўнглим**

Эҳ, кўнглим-а, эзилдинг мунча,  
Тўлиб-тошди сабр касоси.

Оҳ чеколмас юрагим унсиз,  
Армонга айланди нидоси.

Ноҳақ сўзни қалбим эшитар,  
Аммо кўнглим нечун афғора.  
Ёмонликдан дилим озурда,  
Топилмасму унга бир чора.

Тил айланар, баён этолмас,  
Ғамгин кўнгли оху зорини.  
Фикр чопар ўтмишига узоқ,  
Ким тинглайди унда зорини.

Юрак урар мисоли тўлқин,  
Кўтаролмас кўнглининг ғамин.  
Ҳатто қўлга ушланган қалам,  
Ёза олмас дилининг аламин.

Акмал ТОШЕВ



## Шамолларга эргашган кўнглим

Гуллар билан дўстлашиб олиб,  
Узоқларга кетамиз, юргил!

**ЛАЙЛАК БИЛАН СУҲБАТ**

— Қанча гўзал ранглар бир четда қолиб  
Лайлагим, оқ рангда вужудинг нечун?  
Лайлак деди бийрон: — Оқ рангни олиб  
Эзгулик рамзини кўрсатмоқ учун.

— Қанотинг учлари не сабаб қора  
Мисли оқ қоғозга тўкилган сиёҳ?  
— Ҳатто ёрқин ой ҳам доғли, начора,  
Бирор кимса йўқки бўлса бегуноҳ.

— Хипча оёғинга қиёсдир қалам,  
Ноқулай эмасми, ундан не мурод?  
— Ҳар қадам қабоҳат, бўзлайди олам?  
Узга не чора бор, ботайми, ҳайҳот!

— Каломинг бунчалар дардли, кесатик,  
Ё виждон кўтарди қалбингда тугён?  
— Ахир, ҳақиқатдир бешафқат қўшитиг,  
Инсон зоти бардош бермоғи гумон.

— Не қилса ҳам бизлар соҳиби замин  
Интилдик дунёни гулшан қилгани...  
— Тангри лутфи ила буюксиз лекин,  
Мушфиқ жонзотларга оқибат қани!

**ИЗТИРОБ**

У фақат жилмайиб қўяди холос,  
Мойиллик рамзими, ёхуд хайрихоҳ.  
Нохуш, шум туманлар ўрлайди ноҳос,  
Гумонлар қамчилар қалбини, э воҳ!  
Йиллар ўтар, аммо ҳамон ўзгармас,  
Ҳамон жилмаяди,  
Туюлар мазах.

Зулмат узаяди, тонг-чи бўзармас,  
Бунчалик азобли машаққатли бахт.  
Балки...  
Рўёмикан тотли тилагим,  
Бетимсол кўзларинг бунчалар бетинч.  
Қийнама!

Ростин айт, нозли малагим,  
Майли ҳамроҳ бўлсин армон ва ўкинч.  
Тинглагил кўксимни,  
Чекмоқда фарёд,  
Дардли изтиробдан чекинмоқ керак.  
Бироқ муҳаббатдан айрилиб, ҳайҳот  
Хувиллаб қолсақ-чи девона юрак?!  
Кечир...

Хоҳламасанг абад айтмагил,  
Бу туйғу дилимда тургани яхши.  
Унга ишонади милёнлаб кўнгли,  
Рангин йўқотмасин муҳаббат нақши.

У фақат жилмайиб қўяди холос...

\* \* \*  
Ҳаёлимга шеърлар ёзаман,  
Куртаклардан отилган иқрор.  
Эрта баҳор нафаси каби,  
Кўнгиларни тебратган ифор.

Гулдуроснинг шиддати баланд,  
Тирикликни қучган томчилар.  
Исёнларни уйғотиб юбор,  
Соғинганим, дардим қамчилар.

Кафтим тўтиб самовий меҳр,  
Қоқа бошлар тоғлар бошини.  
Ғунчаларда балқий бошлади,  
Яширса-да, севинч ёшини.

Уфқларга қочган тасаввур,  
Япроқлардек улғаяр аста.  
Гўзалликка тўйинган шабнам,  
Учрай бошлар ҳар бир нафасда.

Кенгликларни истаган руҳим,  
Шамолларга эргашган кўнглим.

Тўлқин ЭШБЕК



# СЎЗ ЭҲСОНИ

Парвона нурга интилган мисол илмга чанқоқ талабалар ҳақиқий устозга ўзгача ихлос билан қарайдилар. Утган асрнинг саксонинчи йилларида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультети талабаларининг битта армони — энг зўр адабиётшунос олим деб билган домламиз Озод Шарафиддинов бизга дарс бермаслиги эди...

— Бу орзуга эришиш мушкул эмас, — деб қолди бир куни ҳамкурсим Аъзам Уктам. — Устоз бизга келмаса, биз у кишининг даргоҳига борамиз! Филология факультети шу бинода-ку!

— Ахир, факультетимиз бошқа-ку?! — дедим каловланиб. — Рухсат беришармикин?

— Қанақа рухсат?! — қошлари чимирилди ёш шоир сифатида доврғун тарата бошлаган дўстимнинг. — Озод домла: "Адабиётни севган талабаларни мен ҳам жуда севаман" деган...

Омадни қарангки, ўша куни машғулотибиз бор-йўғи икки пара экан, учинчи парада эса Озод Шарафиддиновнинг филфақтаги тенгдошларимизга дарси! Аъзам Уктам (уни ҳам Оллоҳ раҳмат қилсин!) иккимиз тўртинчи қаватга югуриб чиқидигу бўлгуси филологларнинг аудиториясида ўтириб олдик. Бир маҳал эшикдан қомати келишган, ҳақиқий илм соҳиби эканлиги дўнг пешонасидан кўриниб турган устоз кириб келиши ҳамоно тенгдошлар қатори дув этиб ўрнимиздан турдик. Саломлашиб ўтиргач, аудитория лиқ тўла эканлигини кўрган устоз "йўқлама" га вақтини кеткизиб ўтирмади. Чамаси, утган дарсда "келиб қолган жойидан" давом эттирди:

— Абдулла Қаҳҳор ўзини аяб яшашни, ярим куч билан ижод қилишни билмасди — у нима ёзган бўлса, ҳаммасида ёниқ юраги манаман деб кўриниб туради, — деди устознинг ўзи ҳам наздимда қандайдир ёниқ юрак билан. — У адабиётга ёниб кирди ва адабиётда атрофига нур таратиб, мухлисларининг қалбига ёруғлик бахш этиб яшади...

Ўша кездеёқ "адабиётни севган талабаларни севадиган" устозга бўлган меҳрим, ҳурматим минг чандон ортиб кетди. Адабиёт бобида неки савол пайдо бўлса, аввало Озод Шарафиддинов китобларига мурожаат қиладиган бўлдим. Шунга яраша, адабиёт бўстонида устознинг назаридан четда қолган бирор жўяли асарни ҳам учратмайсиз. Қайсики таниқли адиб ё шоир ижодида қизиқсангиз, унинг адабий талқини, теран таҳлилини у кишининг мақолаларида кўриш мумкин. Бу бетакрор мақолалар орқали ўша асарни яна бир бора дилдан уқиб, мазмун-моҳиятини теран англаб олишингизга ёрдам беради, фикрингизни бойитади.

Чорақ аср илгари устознинг дарсларидан озми-кўпми бахраманд бўлганимдан ўзимни бахтиёр ҳис этаман. Беназир мураббийнинг қалбимга муҳрланган оташнафас сўзлари ҳамон юрагимга ёруғлик бахшида этаётгандек туюлаверади. Аслида бу қуйма сатрларни бутун мен устоз Озод Шарафиддиновнинг ўзига нисбатан ҳам айтгим келади. Яъни, у киши ҳам адабиётга ёниб кирди ва атрофига нур таратиб, мухлисларининг қалбига ёруғлик бахш этиб ёниб яшади...

Устоздан сабоқ олиш бахтига минглаб йигит-қизлар мушарраф бўлган. Умрини адабиётга, мураббийликка бахшида этган фидойи устоз ЎзМУ ўзбек филологияси факультетида қирқ йил мобайнида ёшларни камолга етказди.

Мурғак қалбига муҳрланган воқеалар кейинчалик қоғозга кўчиб, устоз ёш замондошларига, турли давр китобхонларига Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир каби миллий адабиётимиз дарғаларини бутун бўйи-баста ила таништирди!.. Юртимиз истиқлоли шарофати ила қайтадан нашр этилган ўша адибларнинг бетакрор китобларига Озод Шарафиддинов ёзган сўзбошини ёхуд улар ҳақидаги адабий мақолаларини мутолаа қилган ўқувчи кўз олдида аввало муаллиф сиймоси гавдаланади. Ўша ёзувчи ё шоирнинг қалб кечинмалари, ажиб туйғуларига ошно бўлиб қоласиз.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётини янада юксакларга олиб чиққан Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирозав, Тоғай Мурод сингари ёзувчи-шоирлар ижоди ҳам ўз вақтида буюк адабиётшунос олим талқинида адабиёт ихлосмандлари қалбига абадий муҳрланди, десак муболага бўлмас.

Утган йил Рамазон ойида мен бутун умримга татийдиган беназир калом эшитдим. Бу калом нафақат ижодкорлар, балки ҳар бир зиёли, маънавий етук, онгли-тафаккурли инсонлар умрининг мазмунига айлиниб қолса ажаб эмас! Раҳматли устоз Озод Шарафиддинов хотирасига ўрнатилган ёлгорликнинг очилиш маросимида амри маъруф қилган имом хатиб шундай деди:

— Кўпгина мусулмонлар савоб учун ва бошқа эзгу мақсадларда эҳсон қиладилар. Аслида энг улуг эҳсон — Сўз эҳсонидир! Яхши сўзларингиздан инсонлар бахра олишяптими, барақа топишяптими, демак, энг катта савобли эҳсон шу! Раҳматли Озод акамиз бутун умрини ана шундай эҳсонларга бахшида этган муҳтарам зот эди...

Асли мусулмончиликдан мақсаду муддао — ҳар бир одамни ўзгаларга тилидан ва қўлидан озор етказмайдиган комил инсон даражасига етказиш эканлиги Ҳадиси шарифда аниқ ифода этилган. Аввало тилингиздан бирор киши қалбига озор етмаяптими, демак, Сиз ҳақиқий мусулмонсиз. Боз устига кимлардан Сиздан илму одобга, маънавият ва маърифатга оид пурмаъно сўзлар эшитиб бахра олашяптими, демак, жаннати одамсиз!

Қуръони каримда илм наҳоятда улуғланиши бир неча оятларда аниқ айтилган. Демак, илмли кишиларнинг илм-маърифатни равнақ топтиришга қаратилган сўзлари беназир эҳсон, беқиёс савобдир!

Биз ана шундай маънавий ҳазинамизга юртимиз истиқлоли шарофати ила мушарраф бўлмоқдамиз! Зеро, ўн беш йилдан буён қайтадан қадр топаётган Исломи динимиз замирида бундай ҳаётбахш ҳикматлар, бетакрор маънавий неъматлар жуда бисёр! Ана шу улуг неъматларни англаш ҳам — ўзликни англашдир, дегим келади.





Шухрат СИРОЖИДИНОВ,  
профессор

# ДҲН ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Иккинчи мақола

## ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Диний таълимотлар илк шаҳар-давлатлар шаклангандан кейин пайдо бўлди. Тарихдан маълумки, илк шаҳар-давлатлар ўз қўшини, давлат омбури ва ҳукумат хизматчиларига эга бўлган. Айрим тоифанинг фақат қора меҳнат билан шуғулланишга маҳкумлиги, якка ҳокимга айланган қабила бошлиқларининг зўравонликка асосланган сиёсати, айрим имтиёзларга эга бўлиб олган тоифаларда пайдо бўлган текинхўрлик иллати, ижтимоий табақаланиш ва тенгсизлик табиий равишда норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Давлат бошлиқлари олдида аҳолини қонунга риоя этишга мажбур қилиш муаммоси кўндаланг бўлди. Уларга жамиятни ҳукуматга бўйсундириш, қонунларга сўзсиз итоат эттириш учун таъсирчан ғоявий таълимот зарур бўлди. Бу ишда уларга қоҳинлар (шаманлар, маглар) ёрдамга келди. Жамиятдаги қонунлар илоҳларнинг хоҳиши эканлиги ҳақида тасаввурлар пайдо қилина бошланди. Қабила бошлиқлари уларнинг иродаларига асосан иш кўриши ва шу боис халқ уларнинг измига сўзсиз бўйсунуши мистик асосларга кўйилди. Худолар иерархияси мавжудлиги, ерда ҳам шу модель асосида тартиб ўрнатилиши қонуний эканлиги ҳақидаги таълимот шаклланди. Масалан, қадимги юнон халқлари диний-фалсафий қарашлари, ҳинд брахманизми, қадимги Яқин ва Узоқ шарқ мамлакатлари халқлари диний ғоялари шунини кўрсатади.

Қоҳинлар самовий руҳларнинг иерархия тизимини ишлаб чиқдилар. Унга биноан, самовий руҳлар жамиятида ҳам ердаги илк шаҳар-давлат бошқаруви тизими каби тизим мавжуд. Бош Илоҳ ерда ҳам, кўкда ҳам сон-саноксиз ёрдамчилари воситасида ҳукмдорлик қилади. Бош Илоҳнинг амрини одамларга етказувчи вакил — илк шаҳар-давлат ҳукмдоридир. Ҳукмдорнинг амри — бош Илоҳнинг амридир. Ҳукмдорлар Илоҳларнинг ердаги вакили ҳисобланган. "Подшоҳ—Худонинг ердаги сояси" деган гап ўша вақтдан қолган бўлса керак. Баъзи халқлар ўз ҳукмдорларини Илоҳнинг ўғли тарзида ҳам талқин этадилар.

Ҳар бир Илоҳ инсоният ҳаётининг муайян соҳаси учун жавоб бергани каби, сарой амалдорлари ҳам давлат

тизимининг тегишли тармоғи учун масъулдирлар. Миср, Месопотамия давлатларида минглаб худолар ўйлаб топилганлиги археологик қазिशмалар натижаларидан яхши маълум. Демак, жамият ва давлатда ўрнатилган қонун-қоидаларга фуқаролар сўзсиз амал қилишлари лозим. Акс ҳолда, илоҳлар ўрнатган тартиб бузилади. Табиийки бундан жаҳли чиққан Илоҳлар ерга турли офатлар ёғдиришлари мумкин. Шу тариқа шакллантирилган ижтимоий пасивлик монархияга ва жамиятнинг кескин табақалашувига олиб келди.

Қоҳинлар ишлаб чиққан диний таълимотлар ибтидоий диний таълимотлардир. Бу таълимотларга кўра, Илоҳлар ер юзидаги барча табиий жараёнларнинг яратувчиларидир ва уларга хизмат қилишга инсоният мажбур. Илоҳларнинг ғазабини кўзғамаслик учун улардан қўрқиб, уларга сизиниш, ёрдам сўраш ва қурбонликлар қилиш лозим. Илк диний таълимотлар ҳукмдорларга халқни бошқариш йўлида кескир қурол вазифасини ўтаган. Қоҳинлар ҳукмдорларнинг энг яқин маслаҳатчиси бўлиб, подшоҳ фармонларига илоҳий тус беришга маънан ҳуқуқи бўлган ягона диний раҳнамо ҳисобланган.

Шундан бўлса керак, XVIII аср француз файласуфи П.Гольбах "дин инсоннинг тасаввури яратган тўқима" деб ҳисоблаган, шу даврнинг яна бир файласуфи П. Марешаль, диннинг жозибадорлик кучига диққат қилар экан, уни банг, наша билан тенглаштирган.

Ижтимоий тараққиёт илгариланган сари, диний таълимотлар ҳам ривожланиб борди. Ҳар бир давлатда ўзига хос диний таълимотлар ва илоҳлар пантеони (силсиласи) яратилди.

Ҳаёт тарзининг маданиялашуви диний таълимотлар тараққиётининг иккинчи босқичини бошлаб берди. Мутлақ монархия, фуқаролар орасида ижтимоий табақаланишнинг кескин намоён бўлиши, мулкдорлар табақасининг ахлоқан тубанлашуви аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий дунёқарашни тартибга солишни тақозо қилди. Эзгу фазилатларни тарбиялаш табиий заруратга айланди. Чунки жамиятда иддиз отган зўравонлик, ахлоқсизлик ва маънавий бузуқлик давлат

хукмдорларида ҳам, иккинчи томондан аҳоли ўртасида жиддий хавотир уйғота бошлади. Масалан, Месопотамия халқлари бошдан ўтказган қадимий цивилизация харобаларидан топишган ашёлар бунга яққол мисолдир. Айни мана шу даврларда инсон тафаккури меваси бўлган диний таълимотлар ўрнини илоҳий диний таълимотлар эгаллай бошлади. Бу таълимотларни тарқатган инсонлар пайғамбарлардир. Биз уларнинг энг охиргиларини биламиз, холос. Ҳолбуки, Қуръони каримда уларнинг умумий сони 124000 эканлиги айtilган. Пайғамбарлар ёйган илоҳий ўғитлар ахлоқ-одоб ва маънавий фазилатларни ўстиришга қаратилганлиги бобиликлар ҳақидаги араб қиссаларидан ҳам маълум. Айни шу даврларда бошқа давлатларда ҳам диний-дидактик адабиёт тарғиботи кучайганлигини самовий Қудрат аралашуви натижаси дейиш мумкин. Сомирликлар кўплаб бадиий-ахлоқий асарлар яратдилар. Бобилда сомирликларниқига нисбатан бадиий юксак ва мукамал "Гильгамеш" эпоси яратилди. Бобил подшоши Хаммурапининг машҳур "Қонулар" тўплами эса Қадимги Сомир қонуларининг тадрижий ривожидир. Бу мажмуада заифларни, етим-есир ва камбағалларни адолат тамойили асосида ҳимоя қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган; Хаммурапи унда ўзининг камбағалпарварлиги ва адолатпарварлиги билан фахрланади.

Қадимги Миср "Майитлар китоби" ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эгадир. Унда келтирилишича, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг, охиратда Худолар олдида ҳисоб беради. Аввал Осирис олдида, кейин бошқа маъбудлар қошида ўзининг гуноҳсизлигини исботлаши керак.

Замину осмоннинг Яратувчиси, ердаги барча инсонлар тақдирини ҳал қилувчи қудратли яккаю ягона Зот борлиги ҳақидаги илк расмий маълумот Яҳудийларнинг диний китоби Тавротда қайд этилди. Исо пайғамбарнинг дунёга келиши ва фаолияти самовий диний таълимотнинг ҳақиқатлиги ва бутун одамзод Тангрининг назоратида эканлигини исботлади. Муҳаммад пайғамбар келтирган таълимот Аллоҳ таоло ва У яратган илоҳий мавжудотлар ҳақидаги тасаввурларни аниқ тизимга туширди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, дин нафақат қонунга бўйсундириш, балки жамият маънавий ҳаётини бошқарувчи асосий мафкурага айланди. Ҳар бир алоҳида давлат дини бошқасидан фарқ қила бошлади. Рухонийлар ва фозил инсонлар томонидан ишлаб чиқилган ва кенг тарғиб этилган ахлоқ нормалари, биринчи навбатда уларнинг ўзлари мансуб бўлган ҳудуд, халқ тафаккури ва маҳаллий маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шуни айтиш керакки, ахлоқ тамойилларининг етакчи ўринга кўтарилиши диний таълимотларнинг тизим сифатида тўлиқ шаклланиб бўлишига ва миллийлашувига хизмат қилди. Ҳар бир алоҳида олинган давлат ҳудудида яшайдиган халқнинг ўз ахлоқий нормалари ишлаб чиқилди. Ҳар бир давлатнинг ўз расмий дини пайдо бўлди. Илоҳларни рози қилиш ва уларга қурбонликлар қилиш орқали нариги дунё ғамини ейиш гоёлари ўз ўрнини аста-секин комил инсон ахлоқи

масаласига бўшатиб берди. Бу дастлаб Марказий Осиё ва Эрондаги зардуштийлик ва унинг таъсирида шаклланган монийлик, Ҳиндистондаги ҳиндуийлик ва жайнийлик, Яқин Шарқда иудаизм, Хитой ва Япониядаги диний-фалсафий таълимотларда кўзга ташланди. Диннинг бундай шаклига миллий дин дейилади. Айрим диний таълимотлар эса ривожланиш босқичларида бир неча давлатларнинг расмий мафкурасига айландилар ва жаҳон дини мақомини қўлга киритдилар. Буларга буддавийлик, христианлик ва ислом қиради.

Шундай қилиб эътиқод ва динни бир-бирдан фарқлаш учун шуни яхши тушунмоқ лозимки, эътиқод муайян гоёга фидойиларча сиғинишга олиб келувчи ишончдир, жумладан, иймон Илоҳий қудрат — Худонинг ҳақиқатда мавжудлигига ишонч асосида шаклланган дунёқарашдир. Дин эса таълимотдир. У, бутун оламларни, ерда ва осмондаги барча жараёнларни яратган ва ҳаракатга келтириб, бошқарувчи Аллоҳга эътиқодни шакллантиради. Диний таълимот айрим шахслар ёки тоифалар томонидан ўзгартирилгани ёхуд қўшимчалар киритилгани динлар тарихидан маълум. Бутунги замонамизда ҳам Қуръони карим оятларини нотўғри шарҳлаб, миллионлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган террорчилик ҳаракатларини оқлашга уринаётган ақидапарастлар борлигини биламиз. Шунингдек, бир диний таълимотни инкор этиб, бошқа диний таълимотга эргашиб кетганлар ҳам учрайди. Аммо диний эътиқод — Бутун оламларнинг Яратувчиси, мангу Ҳаёт ва азалий Қудрат соҳиби бўлган Аллоҳ таолога бўлган иймон барча халқларда ўзгармасдир. Ҳатто атеистик таълимотга эргашганлар ҳам оғир ҳолатларда Қудратли Тангрдан мадад излаб қоладилар.

Адабиётларда келтирилишича, ҳозирги пайтда дунёда беш мингга яқин дин бор. Улар бир-бирларидан ўзларининг ақидалари, эътиқод объектлари, ибодат тарзлари, расм-русумлари, диний ташкилотларининг мураккаб ёки соддалиги ва ҳоказо жиҳатлари билан фарқланадилар. Уларнинг бирига риоя қилиш ўша динга мансубликни билдиради. Диндорлик белгиси инсонда қуйидаги уч элементдан бирининг мавжудлиги билан белгиланади. Биринчи элемент инсоннинг онгида диний гоёларнинг устиворлигидан иборатдир. Диний гоёлар деганда инсонларнинг ғайритабиий мавжудотлар (худолар, арвоҳлар, жинлар, иблис), ғайритабиий маконлар (жаннат, дўзах), жараёнлар (оламнинг яратилиши, ўликларнинг тирилиши), жонсиз нарсаларнинг илоҳий кучи ҳақидаги тасаввурлари тушунилади. Иккинчи элементи диний туйғуларнинг мавжудлигидир. Диний туйғулар (Худога муҳаббат, жаннатдан умидворлик, шайтондан нафратланиш ва ҳқз.) диний гоёлардан келиб чиқади ва диний тарбия натижасида шаклланади. Диндорликнинг учинчи белгиси диний амалиётга риоя қилишдир. Диний амалиёт — бу, диндорларнинг эътиқод объектларига умумқабул қилинган қоидаларга риоя қилган ҳолда сиғинишидир. Унга намоз, диний урф-одатлар (суннат, чўқинтириш), турли ибодат маросимлари (рўза, маъракалар, диний байрамлар, китобхонликлар) қиради.





Икром ОТАМУРОД

# Изтироф

Достон

Ё мени чорлат ёнингга, ё танимдан жонни ол,  
Бу жудаликдин яқин қолди-ку жоним қўзғолур.  
Хусрав ДЕҲЛАВИЙ

Дунё деган маконда мен — ишқ  
манзилин изловчи,  
бул сорига келинг йўллар,  
бўлиб соғинч садоси.  
Дунё деган маконда мен — ишқ  
кўйида бўзловчи,  
ул сорига елинг йўллар,  
бўлиб соғинч садоси.

\* \* \*

Бул канглум, соғинчга суянар,  
таллинар соғинчга, бул канглум.  
Ишққа мурувватин аянар  
дахри дун товланиб:  
минг тус,  
минг рангли.

Бул канглум, соғинчга гирифтор,  
бул канглум, дийдорга ташна.  
Олисларда хўрсиниб дийдор  
фарқ қилади канглумни ёш-ла.

Туннинг дардларини бўлаклаб  
олисларда шовуллар дайро.  
Соғинчга айланган тилаклар  
олисларда,  
олисларда —  
айро.

Надамини қадар тийрзан,  
жонимни қақиатар нигоҳи.  
Соғинчнинг бастини қайирган  
дийдорнинг қақраган оҳи.

Канглум кулбасида бир кун  
Жовдирайди,  
Хаёлга чўмиб.  
Соғинч — дийдор рақами,  
хомуш  
канглумга ёзади умид.

Бул канглум, соғинчга суянар,  
таллинар соғинчга, бул канглум.  
Ишққа мурувватин аянар  
дахри дун товланиб:  
минг тус,  
минг рангли.

\* \* \*

Ёвиқдирсан савол қадар,  
Йироқдирсан жавоб қадар,  
Юрагимни сўрган қадар —  
Тўлқин,  
тўлқин,  
тўлқин-а.

Сочларингни ўпар шамол,  
Қароғинга қўнар ҳилол.  
Соғинчларим бағрида хол —  
Зулфин,  
зулфин  
зулфин-а.

Наззора айлагин гулим,  
Зорлиқлардан тилим-тилим,  
Бир бора яйрасин дилим  
Гулгун,  
гулгун, гулгун-а.

Ёндирсин кўзларинг хумор,  
Киприklarинг жонимга дор,  
Жоним-ай, жонимга нисор  
Бўлгин,  
бўлгин-а.

Ёвиқдирсан савол қадар,  
Йироқдирсан жавоб қадар,  
Юрагимни сўрган қадар —  
Тўлқин,  
тўлқин,  
тўлқин-а.

\* \* \*

Ниҳоясиз чўзилган макон,  
айролик —  
чеки йўқ сафар.  
Ястаниб ётади беимкон —  
орамизда олис масофа.

Пешонага сувратин чизар  
қисмат азал битик —  
изофа  
Тоғдай чўкиб,  
юракни эзар —

орамизда олис масофа.

Кўк тоқида нозланади ой,  
не жон борки,  
ул жонга офат.  
Ишқ не билмас,  
бағритош,  
берой —  
орамизда олис масофа.

Булутлар тўлиб,  
тўкилар байро,  
ёшларини ютар қасофа.  
Ўтиб бўлмас,  
оҳ,  
тошқин дайро —  
орамизда олис масофа.

Ниҳоясиз чўзилган макон,  
айролик —  
чеки йўқ сафар.  
Ястаниб ётади беимкон —  
орамизда олис масофа.  
О-р-а-м-и-з-д-а о-л-и-с м-а-с-о-ф-а.

\* \* \*

Висол таширфин истаб,  
хаёл отини қистаб,  
не тонг,  
ноилож,  
мустар —  
кутиб,  
бир жон чатнади.

Кўзларин тикиб йўлга,  
чиқармай дардин тилга,  
нимайки бўлса дилга  
ютиб,  
паймон чатнади.

Икки жаҳони қат-қат  
висол умиди фақат,  
ишқнинг синоти-тоқат  
кетиб,  
имкон чатнади.

Тўлқинлари мисли нор,

чайқалур тинмай зинҳор,  
бахрубар мавжларин зор  
титиб,  
тўфон чатнади.

Найлар,  
ғамдин тўқсиниб,  
турар ночор,  
ўқсиниб, исмсиз дард кўксини  
ситиб,  
армон чатнади.

Қўшини ташлагай тун,  
боқар зулматли,  
нигун,  
бағрига ямоқ,  
чигин  
битиби,  
осмон чатнади.

Жавобсиз ишқ сўроғин,  
чеккан насиби —  
доғин,  
жонга озор фироғин  
титиб,  
ҳижрон чатнади.

Висол таширфин истаб,  
хаёл отини қистаб,  
не тон,  
ноилож,  
мустар —  
кутиб,  
бир жон чатнади.

\* \* \*

Деразамга санчилар ёмғир:  
ботади,  
синади томчи.  
Юрагимда ивийди қўнғир —  
қўнғир соғинчинг.

Рухим пайкони мавжида —  
сен,  
соғинч,  
ёмғир шоналар.  
Ташқарида ёмғир авжида,  
Ичкарида йиғлар хоналар.

Ёғади ёмғир мунчоқ-мунчоқ,  
термуламан,  
интизор,  
нетсам?  
Жоним,  
азобинга очаман қучоқ,  
жоним,  
азобинга етсам.

Вақт хансираб чопади беҳис,  
узоқда қолдириб гулимни.  
Ёмғир яқин,  
ёмғир — ёғаётган ҳис,  
узатсам етади қўлимни.

Сиғиниб хаёлга париваш  
қарайман,  
толади кўзларим.  
Доғида ўртайди аламкаш —  
ёмғир ювиб кетган изларинг.  
Ёмғир ювиб кетган изларинг.

қотади кўксимда изларинг  
Бағримдан сукунат излари  
сиринар томчидек сирғаниб.

Деразамга санчилар ёмғир:  
ботади,  
синади томчи.  
Юрагимда ивийди қўнғир —  
қўнғир соғинчинг.

\* \* \*

Мен сенга қараганда дарахтлар тўсиқ бўлди,  
Бўй-бўйига қизғониб, йўллар ҳам ўсиқ бўлди,  
Канглум маҳзанларида унгани ўксик бўлди,  
Сенсан —  
менинг ҳижроним,  
менман —  
сенинг ҳижронинг.

Қўзларим қароғида ғамларим оқиб бўлди,  
Унг келмаган тушларим бағрини ёқиб бўлди,  
Ишқ меҳварига армон қошинлар тақиб бўлди,  
Сенсан —  
менинг ҳижроним,  
менман —  
сенинг ҳижронинг.

Лаб босганим ташналаб, дайролар қуриб бўлди,  
Жонима ситам бериб, жонима чириб бўлди.  
Мен меҳмон бўлган дунё бунчалар ғариб бўлди,  
Сенсан —  
менинг ҳижроним,  
менман —  
сенинг ҳижронинг.

Мен сенга қараганда дарахтлар тўсиқ бўлди,  
Бўй-бўйига қизғониб, йўллар ҳам ўсиқ бўлди,  
Канглум маҳзанларида унгани ўксик бўлди,  
Сенсан —  
менинг ҳижроним,  
менман —  
сенинг ҳижронинг.

\* \* \*

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
армонларинг узундан-узун,  
орзуларинг қисқадан-қисқа?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
қайғуларинг узундан-узун,  
қувончларинг қисқадан-қисқа?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
ваъдаларинг узундан-узун,  
вафоларинг қисқадан-қисқа?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
Соғинчларинг узундан-узун,  
имконларинг қисқадан-қисқа?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
пушмонларинг узундан-узун,  
истакларинг қисқадан-қисқа?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
қахрларинг узундан-узун,  
меҳрларинг қисқадан-қисқа?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
хотирларинг узундан-узун,  
умидларинг қисқадан-қисқа?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
фироғларинг узундан-узун,  
дийдорларинг қисқадан-қисқа?

.....  
.....

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
саволдан куласан  
мийғинг четиб?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
Жавобдан титрайсан,  
Ичинг зил кетиб?

.....  
.....

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
сен-савол?

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
мен-савол?  
Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
у — савол?

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
ишқ-савол?

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
ҳижрон-савол?

.....  
.....

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
савол —  
чексиз жавобсизлик?

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
жавоб  
чексиз сукунат?

Нечун, дунё, нечунким, дунё,  
.....  
.....

Нечун...

дунё...

нечунким...

дунё?..

\* \* \*

Ўйнайди тўзғитиб,  
югуртиб,  
хазонлар оҳини еллар-а.  
Канглумга маддалар тугуртиб  
кўпирар армонли селлар-а.

Бўшатар юрагим ҳасратин  
ичига қамалган ғамлар-а.  
Зувилаб ўтади,  
олмос тин  
жонимни эговлар дамлар-а.

Тийғи ғайбур ҳижрон бораси,  
гардун,  
қачон ишқни англлар-а?  
Тилади қалбимнинг ярасин  
қадамда тўқинган сангллар-а.

Босади йўларнинг чангини  
кўзимдан томғиган ёшлар-а.  
Тўлдириб дийдорнинг зангини  
йўлларим фироғга бошлар-а.

Ўйнайди тўзғитиб,  
югуртиб,  
хазонлар оҳини еллар-а.  
Канглумга маддалар тугуртиб  
кўпирар армонли селлар-а.

\* \* \*

Истаклар истагин қирқар ҳар лаҳза,  
оёқ остидан чиққан нимадир, тайин.



Кўнимсиз,  
лўкиллар вақт  
марзама-марза...  
Сенинг бул сорига келишинг қийин,  
Менинг ул сорига боришим қийин.

Гулларни маҳлиё этган қарошинг  
сунбуллар боғига сочилар майин.  
Эҳ,  
нозбўй нозлигим —  
канглум яроши...  
сенинг бул сорига келишинг қийин,  
менинг ул сорига боришим қийин.

Айролиқ бағрида бағрим сўкилиб,  
мен сени ўйлайман,  
куйганим сайин.  
Бир нажот —  
узоқдан турғум тўкилиб...  
Сенинг бул сорига келишинг қийин,  
менинг ул сорига боришим қийин.

Маконлар тўлади,  
маконлар бўшар,  
қуриб,  
яна  
тўлқин урган сойдайн.  
харобот дил ҳусну миротингга гўша...  
Сенинг бул сорига келишинг қийин,  
менинг ул сорига боришим қийин.

Осмонда сузади, олачалтоқ абр,  
борлиқ ям-яшил Сусамбилдайн.  
Сабримнинг  
сабридан  
сириқар  
сабр...  
Сенинг бул сорига келишинг қийин,  
Менинг ул сорига боришим қийин.

Ёнимдан ўтади  
имконни юлиб,  
кунлар парво қилмай,  
бир нафасдайн.  
Қолар менинг жоним қайғуга тўлиб...  
Сенинг бул сорига келишинг қийин,  
менинг ул сорига боришим қийин.

Истақлар истагин қирқар ҳар лаҳза,  
оёқ остидан чиққан нимадир, тайин.  
Кўнимсиз,  
лўкиллар вақт  
марзама-марза...  
Сенинг бул сорига келишинг қийин,  
Менинг ул сорига боришим қийин.

\* \* \*

Субҳидам кокилин эркалар насим,  
боғларни тўлдирар қушлар изҳори.  
Боринг таскин,  
шамъи фироғинг —  
тасим...  
Узоқдаги борим...

Жонимни оғритар,

жонга ниш уриб,  
қуриётган дарахт навдасин зори.  
Мен-да,  
Утаялман  
новдадай қуриб...  
Узоқдаги борим...

Шом энур,  
Оқишом қўнар.  
Сокин кеча.  
Таралар юлдузлар жило —  
ифори.  
Танбал эшиклар жим —  
қонимни ичар...  
Узоқдаги борим...

Субҳидам кокилин эркалар насим,  
боғларни тўлдирар қушлар изҳори.  
Боринг таскин,  
шамъи фироғинг —  
тасим...  
Узоқдаги борим...  
У-з-о-қ-д-а-г-и б-о-р-и-м...

\* \* \*

Узун-узун чатнаб узанган  
йўллар бир-бирига пойдор.  
Гоҳ топиб,  
гоҳ топмай сўзанган  
Маҳзун канглум излагай дийдор.

Йўллар —  
сукунат довуши,  
эндирар руҳимга сасларин.  
Канглумнинг тубида қовушар  
дунёнинг баланду настлари.

Мондир,  
зирқирар,  
нечоғ юксак  
тоғларнинг кўкси ҳам ўйилган.  
Ҳар ғубори,  
ҳар гарди  
ўксик  
қақраган саҳролар ийилган...

...Кўклам ёзга етгани янглиғ,  
ёз кузга етгани янглиғ,  
куз қишга етгани янглиғ,  
қиш кўкламга етгани янглиғ,  
гули билан, офтоби билан,  
офтоби билан, хазони билан,  
хазони билан, қори билан,  
қори билан, гули билан...  
гул...  
офтоб...  
хазон...  
қор...

Ишқ хайлида тугамас йўллар:  
биродардир,  
хеш-хованд,  
боғич.  
Юрагимда соғинч гуллар,  
юрагимда ўсади соғинч.

Соғинч дарсин ўқидим  
тўйиб,  
соғинч тилин ўргандим  
бекам,  
соғинч,  
мени эркалаб,  
суйиб,  
дийдорингга зор қилди эркал.

Узун-узун чатнаб узанган  
йўллар бир-бирига пойдор.  
Гоҳ топиб,  
гоҳ топмай сўзанган.  
Маҳзун канглум излагай дийдор.

\* \* \*

Ишқ дедим,  
ишқ ғамин ютдим,  
канглум аҳволини кўргил.  
Ишқни руҳимга нақш этдим,  
соғинч дийдорга еткурғил.

Дилдан туманларни ҳайда,  
дилни саболара бурғил.  
Ишққа элтгин,  
айт,  
ишқ қайда,  
соғинч дийдорга еткурғил.

Ғалат савдо,  
ғалат палтар,  
ҳижрон —  
ишқни ўстирган гил,  
ишқки, ҳижронни юксалтар,  
соғинч дийдорга еткурғил.

Не кўй,  
не ўй,  
не сурёлар,  
нозлигим ғамзасин йўргил.  
Уртагай чашии гирёлар,  
соғинч дийдорга еткурғил.

Сабр пойин ғуборлари  
сабр саройини қурғил.  
Тинсин канглумнинг зорлари —  
соғинч дийдорга еткурғил.

Ишқ дедим,  
ишқ ғамин ютдим,  
канглум аҳволини кўргил.  
Ишқни руҳимга нақш этдим,  
Соғинч дийдорга еткурғил.  
С-о-ғ-и-н-ч д-и-й-д-о-р-г-а е-т-к-у-р-ғ-и-л.

\* \* \*

Дунё деган маконда мен-ишқ  
манзилин изловчи,  
бул сорига келинг йўллар, бўлиб  
соғинч садоси.  
Дунё деган маконда мен-ишқ  
кўйида бўзловчи,  
ул сорига елинг йўллар,  
бўлиб соғинч садоси.



Фахриддин СОДИҚ

# ЯХШИ ОДАМ

Ҳикоя

Ҳаво очиқ, Ҳарир пардалар ортидан тушган қуёш нури эътибор билан қараган кишига бетакрор мўъжиза бўлиб кўринади. Хонадагилар эса бундай мўъжиза ҳақида ўйлашмайди ҳам — табиатдаги табиийлик шундай.

— Келинг, келинг бобо. Марҳамат, чойдан ичинг.

— Раҳмат, раҳмат, болам.

— Чойдан ичинг, бобо, иш бўлса... бўлар!

— Нимасини айтасан, отанг раҳматлиям яхши одам эди. Сен ҳам илгаридан бўладиган бола эдинг. Бўладиган бошидан маълум. Отанг ҳам, амаки, тоғаларинг ҳам...

Бобо кутилмаганда мунгайиб, хижолат тортиб, мўлтираб қолди.

— Бобо, замон бугун шиддатли. Одамлар сараланапти. Кун иш билганники. Энди ҳар ким ҳам тулумини оз-моз чайқаш керак. Бошқа илож йўқ.

— Ҳа-а... ўғлиман шундай деганди. Кейин охирги мажлисингда айтган экансан. Энди хатолар кечирилмайди, деб одамларга ётиги билаан тушунтирган экансан.

Фермерлар уюшмаси раиси бирдан сергак тортиди. "Қил" этиб ютинди-да, креслосига қайтадан ястаниб ўтирди. Юз ифодасига бошқача мазмун қалқди.

— Шу десанг, кичик ўғлим... ёшлиқ қилиб қўйипти. Кимдир хотинидан хабар етказган экан. Даладаги ишини ташлаб, трактири билан уйга шошаверибди-да.

— Келинга нима қипти?

— Йўқ, ҳеч гап йўқ. Иккиқат. Ўғлим шунга илинибди-ю, шошибди-да.

Фермерлар уюшмаси раиси бирор бир хавф дарагини сезиб аччиқлана бошлади.

— Бобо, бундай бир... очикроқ гапиринг! Нима бўпти, нима қўйипти. Одамнинг диққатини мулоимгина қилиб кўтариб... охири деворга урасиз шекилли.

— Ўғлим, энди нима қиламан, раисга нима дейман, деб уйга қамалиб ўтирипти. Трактирини бошқа бир трактир билан судрати олиб келипти.

— А? Трактор? Тракторга нима бўпти? Ўзимам гапларингиздан ўйлаб турувдим. Ҳозир биласизми, трактор билан осмоннинг нархи бир...

— Мен айтдим, бундай ётма, дедим. Бориб бир бошидан айт, тушунди, дедим. Сизни ҳамма билади. Тўғрими, сизни ҳамма яхши одам, дейди.

— Сизламанг энди... Бўлар иш бўлиб...

— Бошда сенлаганим учун хижолат бўп турувдим ўзи.

— Тракторга нима бўпти, тракторга?

— Жудаям катта гап эмас. Олдинги кичик оёқларидан бири... Шу, ёшлиқ қилипти-да. Бу ёқда келиним. Келин бояқиш иккиқат.

— Трактордан гапиринг.

— Бир оёғи синиб кетипти. Бола ёшлиқ қилиб, шошиб, тутлардан бирига қадалиб қопти.

Энди бобо фермерлар уюшмаси раисининг кўзига шундай кўриниб қолдики, буни тасаввур қилсак, одам зотига ўхшатишнинг иложи йўқ. Ушқира бошлади.

— Қани ўзи? Мулла Марайим қахрамон бўп, сизни жўнатиб, ётиптими ўзи?

— Унга айтмай ўзим келдим, раис бобо.

— Кепсиз, яхши кипсиз. Энди бориб ўғлингизга айтинг. Тракторни тузатиб жойига қўйсин-да, тошини терсин. Ҳозир иш излаган тракторчининг сони минг.

— У ёғиниям ўйладик, раис бобо. Нима қилай, қўлимиздан келмаса. Рўзгорни шу ўғлим шу трактири билан

тебратиб туради. Бирор бошқа жойдан кеп ётган нарсамиз йўқ. Давлатга раҳмат, пенсамни вақтида олиб турипман.

— Бўпти-бўпти. Тракторни судрати ташлаб кетсин, бўлди.

Ўзи билади, мажлисда айтувдим.

Ким битта хато қилса ўзи билиб ишини топширсин, деганман. Ортиқча гап ортиқча.

Бобонинг жуссаси кичрайиб қолди. Қизариб кетган раиснинг гапларини жим, мўлтираб эшитди.

— Бир марта кечиринг энди. Менам илгари трактирчи бўлганман. Бундай пайтларда, темир экан-ку, дейиларди. Одамнинг қадр билинади.

— Боо...бо. Энди майда гап қилманг. Бориб лапашанг ўғлингизга айтинг. Бояги айтганимдай қилсин. Бўпти энди...

— Энди ундай деманг, раис бобо. Сизга кенглик ярашади.

— Қани ўзингиз айтинг, нима қил, дейсиз?

— Бир марта кечиринг. Ҳозир биласиз, ишсиз қолиш қиёмат. Четга бориб ишлаб келаман, дейди, мен жўнатмайман. Қўрқаман. Келин биринчисига иккиқат.

Раис ўрнидан туриб кетди.

— Бўпти, бобо, сиз бораверинг, эртага ўғлингиз келсин. Ўзи билан гаплашаман. Сиз барибир бошқа замоннинг одамисиз.

— Шундай кетолмайман-да, раис бобо. Ундан кейин, келганимни ўғлим билмаслиги керак. Бир мартага кечирдим, денг. Ўзиям бўлари бўлди, кўрсангиз ачинасиз.

Гап-гап билан бобони раис ўзи хонасидан чиқариб қўйди. Афтидан ҳамма захрини унинг ўғлига асраб қўйгандек бўлди. Ҳарқанча бўлмасин, кечирдим, демади.

Ўзини гижимланган қороздек сезиб қолган бобо қабулхонадан чиққач йўлакча қотиб туриб қолди. У ҳеч қачон ҳеч кимдан ўзини ортиқ санамаган, ҳеч кимдан ортиқча иззат талаб қилмаган... лекин, шу ёшгача ҳали ҳеч кимдан бу қадар таҳқирниям кўрмаганди.

Шаҳд билан қайрилдию имконсизликнинг чегараси бўлган журъат билан раисга қайтадан юзма-юз бўлди. Фермерлар уюшмасининг раиси бобонинг кўзларига қараб ҳайиқди. Бу кўзларда, бу нигоҳларда ўзига жуда таниш бўлган ҳис мужассам эди.

Ўзини зўрга тутиб турган бобонинг овози қалтираб чиқди.

— Кўп нарса сўрадим, раис, сендан яна бир нарса сўрайман.

— Сўранг, сўранг...

— Худо... ҳаттоки Худо одамга... саноксиз хатоларини тузатиш учун ажалигача... ажалигача имкон бераркан. Шуни биласанми?

— Ҳўш, ҳўш...

— Гапни бўлма, сўрайдиганим шу: сен Худоданам зўрмисан, а, Худоданам зўрмисан?

Жавобини ҳам кутмай, хонага қандай шаҳд билан кирган бўлса шундай чиқиб кетди.

...Эртасига созланган тракторида даладаги ишини қилиб келган ўғли раисни мақтади. Одамлар у кишини бекорга яхши одам дейишмасакан, деди.

Бобо кўзларини беихтиёр ойналари кирчил дераза томон олиб қочди.





МУҲАММАД ИБРОҲИМ

# Ҳазонлар қалбимдан узилган мактуб

## КУЗ

Куз келди. Дарахтлар барги узилди,  
Совуқдан бир титраб қўйди Симёғоч.  
Севгимиз қасри тўзди, бузилди,  
Дарахтлардек қалбим қолди яланғоч.  
Осмон бурчагида гезарди шафақ,  
Булулда қолдириб қизғиш изларин  
У менинг қалбимга ўхшамас, бироқ.  
У сенинг лабинга ўхшар, қарагин.  
Сўнги япроқларни тортқилар шамол,  
Ҳазонлар қалбимдан узилган мактуб.  
Балки умримизни этяпмиз увол,  
Мен сени ахтариб, сен мени кутиб.  
Балки эслолмассан ўтган энг сўлим  
Баҳорий ойлару, кунлар барини.  
Қайғурма, бир сенмас дунёда, гулим,  
Унутган энг ширин ваъдаларини.  
Фақат, ўртанаман, гардиши фалак,  
Мени қачонгача эрмаклар яна.  
Ўша дарахтлардек яланғоч юрак,  
Ҳануз ҳар кўнгилдан сўрар бошпана.

\* \* \*

Чақалоқдек икки кунлик ой,  
Бу тўлмаган кўнглингми, фалак?  
Юлдузчалар туннинг, ҳойнаҳой,  
Эркатойи тилла капалак.  
Қайларгадир томирга ўхшаб,  
Чувалашиб узалган йўллар.  
Дарахтлар, бу марҳамат тилаб,  
Дуо учун очилган қўллар.  
Гиёҳларни қучганича тек,  
Мудраб қолган олис кенгликлар.  
Эртакдаги паҳлавонлардек,  
Ағнаб ётар бунда дўнгликлар.  
Ором олар тортганча ювош,  
Кўптаклар ҳам ҳурмасдан шу чоқ.  
Тун кўксига қўйганича бош,  
Болакайдек ухлайди қишлоқ.

\* \* \*

Севги нима —  
Севги яшамоқ,

Севги нима —  
Ўлим демакдир.  
У бахтларга элтгувчи сўқмоқ,  
Ёки сўнги йўлим демакдир.  
Севги нима —  
Ишонч барчага.  
У меҳрдан гуллаётган тош.  
Уфқларнинг олис бағрида,  
Ўз қонига беланган қуёш.  
Шабнамларни ичаркан япроқ,  
Тонг ўпганда юз очар гунча.  
Бўсадан сўнг лабдаги титроқ,  
Севги манга шундай тушунча.  
Севги — Тангри қилган марҳамат,  
Мажнун кийган саҳройи кафан,  
Севги азоб, сеvgи ширин дард,  
Севги нима?  
Севги бу — сенсан!

## НИЛУФАРГА...

Нилу гулим, Нилуфар,  
Кўзинг қаро тун қадар.  
Кипригинга қоқилиб,  
Ўтаверар юлдузлар.

Нилу гулим, Нилуфар,  
Нафасингдан гул унар.  
Бир боқишинг бўстону,  
Бир қарашинг гул қилар.

Нилу гулим, Нилуфар,  
Бўйи анбар, сочи зар.  
Кўксингдаги қояда,  
Мен етмаган бахт ухлар.

Нилу гулим, Нилуфар,  
Бўлдим сенга мағлублар.  
Қошинг қалам, рўмолинг  
Мен билмаган мактублар.

Нилу гулим, Нилуфар,  
Бўғзимда жон оқ каптар.  
Шу каптарни ҳайдамай,  
Асраб қолсанг не бўлар.

\* \* \*

Бош дегани омон бўлса бас,  
Ўстирмайди кимни бу йиллар.  
Энди ортга олиб кетолмас,  
Сени бунга келтирган йўллар.

Имкон йўқтир ҳатлаб ўтгани,  
Қачонлардир тортилган парда.  
Маишхурдирсан Робинзон каби,  
Ва ёлғизсан улкан шаҳарда.

Қайтолмайсан... бир саски, тонгда,  
Олислардан чалинар аранг.  
Балки ўша эски айвонда,  
Сени дуо қилмоқда онанг.

## ШАҲАРДАГИ ҲОЛАТ

Улкан шаҳар одамлар улкан,  
Ҳатто улкан орзу-тилаклар.  
Улканликнинг залвори билан,  
Майдалашиб борар юраклар.  
Бор вужуди бетон бинолар,  
Ёзда — тандир, қишда — музхона.  
Театрлар, кафе, кинолар,  
Соддаликка бир оз бегона.  
Тутун сузган майхоналардан  
Таралади шуғлалар мудроқ.  
Лаби, қимтиқ, юзи бўзарган,  
Бунда ҳорғин судралар чарачоқ.  
Ерни маҳкам бағрига босиб,  
Шовқинлардан титрар хиёбон.  
Гўё Дунё тўзонин бузиб,  
Селдек оқиб борар оломон.  
Кимларгадир бахт ётар тортиқ.  
Кимларгадир тутар ғам, қадар.  
Юраги тош, дийдаси қаттиқ,  
Қучоқлари қайноқ бу шаҳар.  
Барҳам бериб кун ташвишига,  
Ёритади тунни чироқлар.  
Дарахтларнинг яшил тушига,  
Кириб келар олис қишлоқлар.





Шахло ХОШИМОВА

# Жийда гулининг ҳиди

Фантастик ҳикоя

Тонгда маҳбуслар ерни қоплаган қорни кўриб, бир-бирларига маъноли нигоҳ ташладилар. Нигоҳларида алам бор эди: яна қиш келибди.

Саҳрода жойлашган қамоқхонага келган қанча-қанча жиноятчи-маҳбуслар тушунтириш мушкул бўлган қийноқларга дучор этилган, бу қутилмаган тасодиқ қурбонлари тақдирнинг тақозоси билан қалбидаги яхшилик гуллари юлиб ташланган эди. Бу ерда шундай бир таомил шаклланганки, маҳбуслар ўтмишлари хусусида ҳеч қачон бир-бирларига гапирмайди. Кечаги кун эса ойнадек равшан. Шунинг учун маҳбусларнинг соатлаб келажак хусусида сўзлашишлари, оддий, энгил-елли ҳаётий лаззатлар ҳақида баҳслашишлари кундалик одатга айланиб қолган. Бу ерда ҳиссиётли одам узоқ яшолмайди, чунки унинг миясини суяк-суягигача мақсадсиз, бемаъни фикрлар дўзах азобида қовуриб, тутундай тарқатиб юборади.

Қамоқдаги бир хил манзара маҳбусларни руҳан эзиб ташлаган. Уларнинг юзларига четдан қараган киши: "наҳотки, мана шу одамлар озодликда қотиллик, ўғрилик, талончилик билан шуғулланган бўлса" дея ўйланиб қолади. Аммо бу ерда шундай одамлар ҳам борки, улар ўз хоҳишлари оқибатида эмас, тақдирнинг ҳукми — бахтсизлиги сабабли бегона оламда ҳаёти ва ақлига қора чойшаб ёпиб, ёлғиз, барча инсоний азоблар изиробида дақиқалар, соатлар, йилларни санаб ўтказмоқда.

Учинчи рақамли маҳбус иш дастгоҳини юргизди. "Яна етти йил, бу қор бешинчиси, яна еттитаси олдинда". Маҳбус ўз хаёллари гирдобидида маҳсулотларни тартибга келтираётганида, иш столидаги телефон жиринглади. Уни турма бошлиғи ҳузурига чорлаётган эди.

Қамоқхона беш қаватдан иборат бўлиб, юқори икки қавати ётоқхона, ошхона, ювенил хоналари, ундан кейинги икки қаватида майда деталлар ишлаб чиқарадиган цехлар, биринчи қаватида эса турма нозирларининг хоналари жойлашган. Иккинчи, учинчи қаватлардаги цехлар шундай жойлашганки турма нозирлари ҳар бир маҳбуснинг иш жараёнини ўз жойларидан компьютерлар орқали кузатиб тураоладилар. Шу боис иш бошлаган маҳбус четдан уни кимдир кўриб турганини ич-ичидан ҳис қилиб, тинимсиз ишларди. Тартибга риоя қилмаган маҳбуслар турма бошлиғи томонидан жорий қилинадиган янги-янги жазоларга дучор қилинарди.

Қирқ ёшни қоралаётган паст бўйли, калтафаҳм турма бошлиғи аслида илм аҳлидан бўлиб, бу ерга

кимларнингдир кўрсатмаси орқали келиб қолган. Бироқ бундан ўзи ҳеч қачон афсусланмайди. Негаки, қалбидаги ёвуз ниятларини амалга ошириш учун қамоқхона унга жуда қўл келган эди. Шунинг учунми, у фандаги барча янги технологияларни тезда ўзлаштириб, ўзининг режаларини, яъни маҳбусларни жазолаш усуллариининг янги-янги турларини ўйлаб топарди.

Маҳбус турма бошлиғи йўқлаётганлигидан ҳам ҳайрат, ҳам кўрқув билан унинг ҳузурига кириб борди.

— Сиз шифокорсиз, шундайми? — дея сўради турма бошлиғи учинчи рақамли маҳбусдан.

— Ҳа, — деди тақлиф этилганлиги сабабини билолмай маҳбус.

— Бир шифокор ўртоғим жамиятни жиноятчилардан тозалашнинг янги усулини ўйлаб топибди. Энди уни кимдандир синаб кўриш лозим. Мен ўйлаб-ўйлаб сизда синаб кўрсак, деган хулосага келдим. Чунки сиз шифокорсиз, қолаверса, ёш, бақувватсиз. Агар тажриба қутилган натижани берса озодликка чиқдим деяверинг.

Турма бошлиғининг айёронида қулиб турган кўзларидан қандайдир кўнгилсизлик сезилиб турган бўлса-да, ўтган беш йил давомида сукунатга қулоқ солиб, ўтмиш сабоқларидан келажакни излайвериб чарчаган маҳбусни озодлик ҳақидаги хабар гангитиб қўйди.

— Мен тайёрман, қўлимдан келганича ўртоғингизга ёрдам беришим мумкин, — деди ички қувончини яширолмай маҳбус.

— Сиздан ҳеч нарса талаб қилинмайди. Фақат тажриба натижасида ўзингиздаги ўзгаришларни ҳаммасингизга тўлиқ баён қилиб турсангиз бўлгани, — деди негадир турма бошлиғи қулиб.

Бу хушxabарни эшитиб, маҳбус ўзини кўринмас найрангбоз қўлига тушиб қолган-у, айбисиз айбдор саналиб мана шу ерларда умрининг энг оғир дамларини ўтказганлигидан ўксиниб, ота-онаси қутилмаган озодликдан қанчалар севинишини кўз олдига келтирди. Уларнинг озгина хурсандчилиги учун маҳбус ҳамма нарсага, ҳар қандай қийноққа рози, фақат турма бошлиғи ваъдасида туриб, уни озодликка чиқарса бўлгани.

Эртаси кун икки соқчи ҳамроҳлигида узоқ юриб, шаҳарга кириб бордилар. Машина кўп қаватли бино олдида тўхтади. Лифтда олтинчи қаватга кўтарилиб, "руҳшунос Л.Б. Қодиров" деб ёзилган эшик қаршисида тўхтади. Икки соқчи эшик олдида қолди. Маҳбус ичкарига кириб ёзув столи устида қоғозларга кўмилиб ўтирган,



тўладан келган, қош-кўзлари қоп-қора, аммо сочлари оппоқ, кўринишидан қирқ-қирқ беш ёшлардаги оқ халатли кишига рўбарў келди. Доктор қоғозлардан бошини кўтариб уни кўрган заҳоти юзи ёришиб очиқ чехра билан хона бурчагидаги диванга таклиф қилди.

— Сизнинг озодликка чиқишингизга ёрдам бераман, — дея, гап бошлади шифокор. — Фақат аввал ёрдамнингиз менга жуда зарур, илмий ишимни сизда синаб кўрмоқчиман. Сиз эса бу тажрибани жамиятга қанчалар зарурлигини атрофдагиларга тушунтириб берсангиз бўлгани. Ахир ўзингиз ҳам шифокорсиз, илм одамисиз, мени тушунасиз деган умиддаман, — рухшунос фикрини пойинтар-сойинтар баён қилган бўлса-да, аммо маҳбус унинг мақсадини англади. Маҳбуснинг кўзларидан тушунаётганлигини сезиб, гапида давом этди рухшунос. — Таржимаи ҳолингиз билан танишиб чиқдим, жиноятчи эмас эканлигингиздан хабардорман. Беморингизни қасддан ўлдирмаганлигингизни исботлай олмагансиз. Сизнинг айбсиз эканлигингизга ишонаман. Шунинг учун ҳам сизни танладим, сизга ёрдам бермоқчиман.

Маҳбус рухшуносга диққат билан тикилди: айбсизлигимни била туриб нега мени жиноятчи сифатида тажрибада синамоқчи?

— Ниманинг ҳидини кўпроқ ёқтирасиз? — кутилмаганда савол бериб қолди шифокор.

Маҳбус ўйлаб-ўйлаб настарин билан жийда гулининг ҳидини ёқтиришини айтди.

— Қайси бирини кўпроқ ёқтирасиз?

— Жийда гулининг ҳидини, — деди ҳайратланиб маҳбус.

— Биласизми, — сўзида давом этди унга эътибор бермасдан рухшунос, — узоқ йиллар давомида фанда янгилик яратиш мақсадида иш олиб бордим. Ниҳоят уни тугалладим. Эндиги босқич тажрибада синаб кўриш. Ишонаманки, умримнинг катта қисмини эгаллаган бу ишим жиноятчиликнинг олдини олади. Шу билан биргаликда инсон ақлини заифлаштириб, қалбини галаёнга соладиган ҳис-туйғуларни ўлдирди. Аниқроқ тушунтирадиган бўлсам, шахсни жиноятга, гуноҳга етаклайдиган нафсларини жиловлайди, яъни одамзод кўринмас шиша қолип ораллигида руҳий хотиржамликка эришади.

Маҳбус шифокорнинг сўзларини қанчалик диққат билан эшитишга ҳаракат қилмасин, аммо хаёли озодликдан кейинги ҳаётининг кўчаларига тортиб кетарди. "Агар тажриба кутилган натижани бериб, озодликка чиқсам ҳаммасини бошидан бошлайман, одамларга кераклигимни, яши шифокорлигимни исботлайман... бундан кейин ҳеч қачон эркинлигимни гаровга қўймайман".

Озодлик ҳақидаги хабар маҳбусни анча довдиратиб қўйганди. Шунинг учун ҳеч нарса ҳақида ўйлаб кўрмасдан розилик берганди.

\* \* \*

Тажриба яқунланиб, маҳбус ўзига келганда атрофида ҳеч ким йўқ эди. Рўпарасидаги катта-катта дераза ойналаридан шом вақти бўлганлиги кўриниб турар, атроф жуда тинч, хона ичи эса ёп-ёруғ эди. Устидаги ёпинчқларини четга суриб, ўрнидан турдию, бироқ ўтган воқеаларни барчаси хотирасида қайта тикланиб, ўзини яна тўшакка ташлади. Олдинига ўзидаги ўзгаришни сезмасдан кўзларини юмиб, тажриба натижасини кута бошлади. Хонага ҳеч ким киравермагач, ўрнидан туриб ўтирди. Шундагина маҳбус бутун танасини қоплаган шишасимон ниқобни пайқаб қолди. Ниқоб тери устидаги шиша қолипга жуда ўхшаб кетарди. Лекин тери

билан шиша қолип орасида маълум бир масофа борлиги сезилиб турарди. Маҳбус танасини сийпалаб ҳеч нарсани ҳис қилмади. Силлиқ шишага қўл теккизгандек бўлди. У олдинига қўрқиб кетди, аммо рухшуноснинг тажрибасини эслаб, эшитаетганлиги, кўраётганлигидан бироз тинчланди.

— Бу қолипда қанча юрарканман, — ўйлади маҳбус дераза ойнасига ёпиштирилган "журнал" деган ёзувни ўқиб. — Ишқилиб яна авахтага олиб боришмаса, тутқунликка ташлашмаса бўлгани... Қамоқхонада яшашга ортиқ чидай олмайман...

Маҳбус деразадаги ёзувни қайта-қайта ўқиб, ота-онасини, ҳукм ўқилиши олдиндан суд залига келган барча таниш-билишларини ҳам эслади... Юраги ўртаниб, Яратганнинг мендай бандаси борлиги ёдидан кўтарилган шекилли, деган фикр хаёлидан лип этиб ўтди-ю, қаердандир жийда гулининг ифори димоғига урилиб, ҳаво етишмасдан, танасида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди.

Амалиёт ниҳоясига етиб, маҳбус уйқуга кетганидан сўнг, очиқ ҳавода бироз айланиб қайтган шифокор иложи борича ўз толеини тезроқ ўзгартиришга чин дилдан киришган синовчисини ерда букчайиб ётганини, юзигача ўзгариб кетганини кўриб, ёрдамчиларини чақирди. Икки-уч киши биргалашиб уни тўшагига ётқизишди. Улар нима бўлганлигини тушуна олишмасдан, маҳбуснинг ўзига келишини кутишди.

Шифокор маҳбуснинг оғриқдан қийшайиб кетган юзига термулиб келгусида шиша қолип унинг қалбидаги барча инсоний туйғуларни янчиб, бўғиб ташлаши, илгариги ҳаётига бутунлай номуносиб бўлган шароитда нафас олишга ундашини ўйлаб, беморига жони ачиб, қаттиқ ташвишга тушиб қолди. Мабодо маҳбус шундай шароитга кўникканда ҳам унинг умрини тенг ярмини шиша қолип ютиб юборади. Негаки, бундай яшаш сувдаги балиқни қумга чиқариб ташлаш билан баробар эди.

— Маҳбус ўзига келиб, тепасидаги оқ халатлиларга кўзи тушди. Мени яна нима қилишаркан, деган ташвиш билан рухшуносга қаради.

— Бироз ўзингизга келиб қолдингизми, гапира оласизми? — шифокор ташвишланиб сўради ундан.

— Тажрибангиз ниҳоясига етдимиз? — деди маҳбус ўзини қўлга олиб.

— Ишимни яқунладим. Сиз ўзингизни қандай ҳис қилмоқдасиз? Ташқи кўринишингизда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаяпти.

— Ўзимга келганимда бутун танамни қандайдир шишасимон қолип эгаллаганлигини ҳис қилдим. Сўнг териларимдаги сезиш туйғуси йўқолганлигини сездим ички хўрсиниш билан сўз бошлади маҳбус. — Олдинига руҳиятимдаги ўзгаришни билмасдан ўтган ўтмишимни хотирлаб турсам, қаердандир димоғимга келиб урилган жийда гули ҳидидан сесканиб кетдим. Ўйлашимча, ҳаммаси ана шундан бошланди. Димоғимдаги ҳиддан нафас олишим қийинлашиб, гўё бутун танамни қоплаб турган қолип қисувидидаги азоб вужудимга тарқалиб, ҳушимни йўқотдим. Тўғриси, қолип ораллигида қолганимга жуда кам муддат ўтган бўлса-да, бироқ бир нарсага амин бўлдимки, унда яшаган ҳар қандай инсон фақат бир парча гўштга айланиб қолади. Чунки сиз яратган шиша қолипдан нафас олишни бошлаган одам, руҳий инқирозга учрайди. Шуурида қандайдир кескин бурилиш ясашиб, вужудига синган ҳар қандай нафсини, маънавий бойликларини, разил, тубан, қабиҳ ҳисларини осонликча, пушаймонсиз парчалаб ташлади. Мабодо, бу қолипга бирон-бир миллиардер кириб қолгудай бўлса, ўзининг янги тақдиридан воз кечиш учун бутун бойлигини бир дақиқадаёқ совуриб юбориши муқаррар.

Бир вақтлар "Ақл ҳам тўла ҳидоятга қодир эмас, дунёга назар солинг, ҳамма ақлини ишга солиб турли йўлга кирмоқда ва ҳамма ўзиникини тўғри деб даъво қилмоқда. Аммо ақлнинг устидан ҳам ҳукмини ўтказувчи ҳидоят бор" деган жумлаларни муқаддас китобда ўқиган эдим. Шунинг учун ҳисларимга ҳам, ақлимга ҳам ишонмасдан юрагимнинг туб-тубидаги аллақандай буйруққа бўйсунардим. Камдан-кам ҳолатлардагина характеримда лов этиб ёниш юз берарди. Айни дамда мана шу қолипга нисбатан қалбимда чексиз қаҳру ғазаб уйғониб келмоқда. Хаёлимда ҳозир у кул остида секин бурқсиб тутаётгандек. Назаримда Яратганнинг нури ихтироингиздан бебаҳра қолган... Ўттиз йиллик ҳаётим давомида одамзод мудҳиш даражада яшовчан, кўникувчан, осойишта ҳаёт кечирмоқ учун ҳамма нарсага итбат қилувчи деган хулосага келган эдим. Билмадим, балки адашгандирман. Қамалишим ота-онам учун жуда қайғули. — Маҳбус оҳиста сўзида давом этди, — шу боис ҳар қандай қийноққа бардош бераоламан. Мени эркин кўришса, шиша қолип ўзимгагина аён бўлиб, ҳеч кимга кўринмаса яқинларим олдига кетишимга жавоб беринг, — маҳбус манглайи тиришиб, қайғу-ҳасрат тўла кўзлари билан шифокорга илтижоли тикилди.

Атрофдагилар унинг сўзларини эътибордан қочирмай тинглаб, чеҳрасидаги вос-вос даҳшатини кўриб унга ачиниш кетишди.

— Ахир ўзингиз ихтироим оралигида яшаш жуда оғир деб таъкидламоқдасиз, шу билан биргалликда мана шу ҳаётни давом эттирмоқчисиз. Тўғриси, мен сизга тушунолмай қолдим, — деди ҳайратини яширолмасдан руҳшунос.

— Сиз мени ҳақиқатдан тушунмадингиз, — дея сўз бошлади маҳбус. — Ўлим жазоси берилган жиноятчиға ҳам бу қолипни ҳеч қачон тавсия қилмаган бўлардим. Чунки жиноятчиға берилган ҳар қандай жазо сўнггида маълум бир умид бор. Жиноятчи ана шу умид учунгина яшайди... лекин сизни ихтироингиз жамиятга тadbиқ қилиниб барча жиноятчилар қолипларга жойлаштирилса, ... мен буни сизга тавсия қилардим. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, синов даври бир йил муддатга чўзиладиган бўлса, қачондир бу қолип исканжасидан қутуламан деган умид илнжидагина амаллаб бардош беришим мумкин. Ундан ортигига, менимча, сабрим етмайди. Сабрим етган тақдирда ҳам вужудим чидаш беролмаса керак.

Маҳбуснинг сўзларини тинглаб шифокорлар бир-бирларига маъноли қарашди.

— Биласизми, мен шиша қолипга жиноятчини киритиш йўлинигина ўйлаб топганман... аммо сизни ишонтириб айтаман-ки, бошлаган ишимни охирига етказаман. Бунинг учун ўзингиз ёрдам берасиз деган умиддаман, — деди ҳар бир гапини чертиб-чертиб шифокор.

— Нима, бу аҳволдан мени қутқариш йўлини билмайсизми? — сўради қўрқувдан кўзлари катта-катта очилиб кетган маҳбус.

— Ҳозир сизга бир нарса дея олмайман. Қолаверса, қалбингизни, ҳисларингизни синовдан ўтказишим лозим. Бироқ бардошингизга яқунлаганимдан кейин сизни чақиртираман. Ана ўшандагина ҳақиқий озодликка эришасиз. Унгача Худодан ўзингизга сабр тиланг, — деди ҳамдардлик билан руҳшунос.

Остона ҳатлаб ичкарига кирган маҳбус ҳовли юзидан ивирсиб юрган отасига кўзи тушди. Ўтган вақт мобайнида отаси анча чўкиб, кексайиб қолибди.

Мана шу кичкина ҳовлида маҳбуснинг болалиги ўтди. Шу ерда ўқиди, илм ўрганди, дунё таниб, одамларни,

ҳаётни тушунди. Энг ёмони, шу ерда тақдирини тубдан ўзгартириб юборган мудҳиш хатога йўл қўйди. Мана, яна шу ҳовлига қайтди. Унинг биринчи нигоҳи ёзнинг ойдн кечаларида ёлғиз ўзи ойга қараб ётиб қурбақаларни бир маромда қуруллашини тинглаб ётган ҳовли ўртасидаги супага тушди. Томоғига нимадир тикилди. Отаси томонга икки қадам ташлаган заҳоти, ҳовли этагидан қучоғини очиб, югуриб келаётган онасини кўрди. Бу вақтда дарвоза олдида турган ўғлини ота ҳам кўрди. Ота-она фарзандини кўрганларидан севинчлари ичларига сиғмасдан ўзларини унга отишди. Маҳбус улар томонга икки қадам ташлади-ю, димоғига урилган жийда гули ҳидидан боши айланиб, ерга қулади.

Ота-она кўзлари тўла ёш, боласи атрофида парвона бўлиб, бир-бирларига нималарнидир бақариб, тинимсиз йиғлашди. Орадан биров вақт ўтиб, маҳбус ўзига келди. Ундан ҳеч нарсани сўрашмади, у ҳам уларга бир оғиз тушунтириш бермади. Аммо орадан бир ойлар ўтгандан кейин, ота-она фарзандимиз тутқаноқ касалига чалинибди, деган хулосага келишди. Лекин унинг характеридаги ўзгаришларга кўника олмасдан, ўғлидан хафа бўла бошлашди. Чунки қолип маҳбусни тубдан ўзгартириб худбин қилиб қўйган эди. У фақат қолип ҳукмига бўйсунар, бу эса уни инсоний хоҳишларига йўл бермай, одамлардан узоқлаштирар, ёлғизликда эса қалби сим-сим зирқирарди. У уйига қайтиб келаётганида "тажриба, шиша қолип ҳақида зинҳор ҳеч кимга айтмайман", дея ўзига шарт қўйди. Чунки у бировга гапиргани билан муаммоси ҳал бўлмастлигини билар, бу билан эса фақат ўзи қийналарди.

Пойтахтдан анча олисда жойлашган шаҳарча одамлари жуда содда, самимий, очикқўнғил бўлишса-да, аммо ўзларига яраша характерга эга эдилар. Улар кўрмаган нарсаларига ҳамма одамлар сингари қизиқса-да, кўриб турганлари ҳақида кўпроқ фикр солидиришни хуш кўрардилар. Шунинг учун шаҳарчада сидир бўлган оддий воқеа ҳам анча вақтгача тилдан тилга ўтиб юрарди. Бир сафар маҳбус ота-онасининг ундан хафа бўлаётганлигини кўриб, уларга ҳаммасини, нима учун уни озод қилишгани-ю, шиша қолип оралигида яшаш қанчалик азоблиги хусусида батафсил гапириб бермоқчи бўлди. Кейин ўйлаб кўргач, бу уларга ҳозиргидан ҳам оғирроқ бўлади, деган қарорга келди.

Маҳбус қамалганида ота-она ўғлини озод қилиш мақсадида рўзгордаги йиллар давомида тўпланган барча кўзга кўринган нарсаларини соғиб, оқловчиларга бериб юборганлиги боис, оила жуда камбағаллашиб қолган, эр-хотиннинг нафақасидан бошқа даромади йўқ эди. Улар ўғиллари қайтиб келса ҳаммаса яхши бўлиб кетади, деган илинжда кун ўтказишарди. Қамокдан қайтган маҳбус эса ишга кириш, тирикчилик ташвиши ҳақида мутлақо ўйламасди. Негаки, уни одамлар билан бўладиган муомала қаттиқ изтиробга соларди.

Кўз олдида ота-онасининг гамдан қартайиб бораётганлиги эса уни руҳан эзиб юбораётган бўлса-да, шиша қолип ҳукми ҳамма нарсадан устулиги сабабли кунутун хонасида қамалиб ўтиришга мажбур бўларди. Ўғлини хонасида қамалиб олиб, одамлардан ўзини олиб қочиши, ҳеч кимга гапирмай ҳар замонда ранг қизариб-бўзариб гужанак бўлиб ҳушини йўқотиши эса ота-онани адои тамом қилмоқда эди.

Маҳбус тиббиёт институтини аъло баҳолар билан яқунлаган. Ўз вақтида унинг яхшигина шифокорлигини атрофдагилар ҳам билардилар. Тақдирнинг инояти билан қамокқа тушиши эса тасодифий ҳолатлигидан ҳам ҳамма хабардор. Шунинг учун авахтадан қайтганлигини эшитиб аввалги ишлаган шифохонасидаги устозлари яна маҳбусни



ишга таклиф қилишди. Озроқ дам олмоқчиман, деган баҳона билан уларнинг таклифларини рад этди. Ота-онасини унинг касалини пойтахтдаги таниқли шифокорларга кўрсатиш режаларига эса менинг касалимни тиббиёт йўли билан даволаб бўлмайди, дея баҳона қилди. Ҳамма умиди тажриба якунидан. Шунинг учун яқинларига озроқ сабр қилинлар, ҳаммаси изига тушиб кетади, дея тассалли берарди.

Бир куни онаси ялиниб-ёлбориб ўғлини фолбин кампирга олиб борди. Рангпар ва ориқ, нимжон, ёши бир жойга бориб қолган бадқовоқ кампир, маҳбусга ниҳоятда синчиклаб, диққат билан қаради. Гўё унинг ички сирларидан хабардор бўлаётгандек, онасининг ҳеч бир сўзини эътибордан қочирмай тинглади. Сўнгра кўзларини юмиб узоқ ўйлаб, эҳтиёткорлик билан: «Ўғлинг ваҳима касалига чалинган. Ўзи билан ўзи гаплашиш хасталиги бошланган. Унга ҳозир жуда ҳам оғир. Кейинги вақтларда жонига қасд қилиш ҳақида ҳам кўп ўйлайдиган бўлган. Бу қора хаёллардан қутулиш учун битта қора мушукни топиб, уни арқонга осиб, мушукни қанчалар қийналиб жон таслим қилишини эса ўғлинг кузатиб турсин. Бу уни вос-вос касаллигидан халос қилади. У, билишимча жуда ёмон жодуланган. Шу боис уни эртароқ қамоқхонадан озод қилишган. Жодулаган одамни ҳам унга жуда раҳми келмоқда-ю, бироқ жодусини қайтариб олиш учун унинг энди кучи етмайди. Ҳа, ҳа, етмайди. Лекин Яратган эгамнинг марҳамати кенг, ўғлингдан марҳаматини аямайди», деб дуо қилди. "Эртага тонгда туриб битта шам билан қабристонга борасизлар. Сен дарвоза олдида қолиб, ўғлинг ёлғиз ўзи у ерга кирсин. Сўнг шамни ёқиб, у ёниб бўлгунча қабрлар орасида юрсин. Ўғлинг эҳтиёт бўлсин, арвоҳлар ҳаммаси қабрдан кўтарилганда шамол туриб, шам ўчиб қолиши мумкин. Агар шундай бўлиб қолса, мушкулнинг ҳеч қачон осонлашмайди. Яна бир гап, шам ёқиб, қабрлар оралиғида юрганганда ҳамма нарсани яъни, тирикларга айтолмайдиган дардларнингнинг барчасини Яратганга, ўша ерда ётган арвоҳларга айтиб, ёрдам беришларини илтижо қил, чин дилдан сўра. Ўғлингга ҳеч ким халақит бермаслиги керак. Шунинг учун одамлар камроқ борадиган қабристонга бор."

Бир неча сония давом этган фол очиш жараёнида кампир узук-юлуқ, пойма-пой гапларини якунлаб, она-болани, тезроқ уйга боришларини тайинлади.

Она-бола индамасдан уйга қайтишди. "Кампир ҳақ, агар Яратгандан шиша қолип исқанжасидан қутулишимни чин дилдан сўрасам, мушкулим осон бўлади, — дея ўйлади йигит. — Ахир руҳшунос ҳам аллақандай сеҳр-жоду таъсирида мени шу қўйга солди-ку!"

Она-бола остона хатлаб ҳовлига киришлари билан сўрида уларга орқа ўгириб ўтирган оила бошлигини кўришди. Ўз хаёллари гирдобида ўтирган ота дарвозадан кирган хотини билан ўғлини сезмади ҳам. Маҳбус эса отасини безовта қилмаслик учун ўз хонасига кириб кетди. Ота ўғлининг касаллигини тушунишга ҳаракат қилса ҳам унинг ҳаддан ортиқ худбинлигини кечира олмасди. Бутун умри мана шу ўғлининг ташвишлари билан ўтган бўлса-ю, у барча меҳнатларига тупуриб, ундан ўзини олиб қочишини ўйлагани сари, юрагини алам ўртамоқда эди.

Бир куни отанинг сабри тугади. Ўғлининг ҳеч кимга юрагини очмай, маҳалла-куйга аралашмасдан каталакдек хонадан чиқмаслигига ортиқ бардош беролмай, унинг хонасига бостириб кирди.

— Нима қилмоқчисан, келгуси ҳаётингга бирон-бир режанг борми? Ахир қамоқдан келганингга ҳам уч ойдан ошди. Уч ойдан буён мана шу аҳволдасан. Қариганимизда бизни бунчалик қийнамасанг, онангни

ўйласанг-чи. Бечорани аҳволига бир қара! Кўни-қўшниникига ҳам чиқмай қўйди. Қамалиб бир куйдирдинг, энди бу қилигинг нимаси?

Эрининг овозидан югуриб хонага кирган аёл, унинг асабийлашиб бораётганини кўриб, тинчлантиришга ҳаракат қилди. Онанинг тасаллиси ёниб турган оловга ёғ сепгандек бўлди. Йиллар давомида қалбини изтиробга солиб келаётган ўғлининг омадсизлиги унга қўл кўтаришга олиб келди. Ота шу вақтгача ўғлини урмаган, ҳаттоки унга қаттиқ гапирмаган эди. Ота қўлига нима илинса ўша билан ўғлини савалади. Бу орада уларни ажратиш учун ўртага тушган хотини ҳам калтақдан бебаҳра қолмади. Ота қаттиқ асабийлашганидан ҳолдан тойиб, хона ўртасига ўтириб қолди. Калтақданми ёки ўғлининг давосиз касалиданми, елкасини қисиб дераза олдида эзилиб йиғлаётган хотинига кўзи тушиб юраги ачишди. Гўё бу машмашалар унга бегонадек, лоқайд боқиб турган ўғлининг кўзлари билан нигоҳи тўқнашиди "ё Раббим, бандангга бундай касаликни нега раво кўрдинг, шусиз ҳам ер юзида давосиз касалликларинг каммиди?.. Бу тирик мурдани қайси гуноҳларим эвазига менга тўхфа қилмоқдасан?" деб дилидан ўтказди. Ота кейинги вақтларда шунчалик эзилиб кетган эдики, умрида биринчи мартаба ёш боладек ҳўнграб йиғлаб юборди.

Отасининг кўз ёшларини кўриб, ўғил ўзини ортиқ ушлаб туролмади. Уларни қанчалик яхши кўришини, қамоқдаги вақтларида қанчалар соғинганлигини, мана шу дийдор учун ўзини тажриба қилишларига розилик билдирганлигини айтиш учун оғиз жуфтлаганида қаердангир гуп этиб, жийда гулининг ҳиди димоғига келиб урилди...

Эртаси куни она-бола шаҳар чеккасидаги қабристонга боришди. Кириш эшиги ёпиқ экан. Атроф эса баланд девор билан ўралган. Улар энди нима қиламиз, деб бир-бирларига қараб туришганди. Қабристон дарвозаси ўз-ўзидан очилиб, ичкаридан ўрта ёшлардаги бир аёл чиқди. Эшикни очиқ қолдирганча, жануб томонга қараб тез-тез юриб кетди. Яратган эгамнинг марҳамати шу бўлса керак, деган фикр иккаласининг ҳам хаёлидан бир вақтда ўтди. Шамни ёқиб йигит қабристон ичкарасига кириб кетди. Она эса дарвоза олдида қолди.

У йўлакдан қўлида ёқилган шам билан "Фотиҳа" сурасини ўқиб борар экан, болалигидаги бир воқеа хотирасида тикланди. Ушанда у чамаси ўн тўрт-ўн беш ёшларда бўлиб, биология ўқитувчиси Дарвин назарияси ҳақида дарс ўтаётиб тасодифан унга бир савол билан мурожаат қилиб қолди: "Сен Худонинг борлигига ишонасанми?" — "Ҳа", деди у ҳеч нарсани ўйламасдан. Чунки бувиси Худо осмонда ўтиришини, ҳамманинг яширинча сирларини ҳам кўриб туришини, энг муҳими уни ҳеч қачон алдаб бўлмаслиги ҳақида унга жуда кўп гапириб берарди. Шунда ўқитувчи: "Билишимча сен Аллоҳнинг борлигига чин дилдан ишонасан, Дарвин назариясини эса инкор қиласан... сенга бир савол: даданг бир тонна майдаланган емишни ҳовлига ёйиб ташла, деб, буйруқ бериб кетдилар. Сен эса тўсатдан касал бўлиб қолдинг. Кун иссиқ, топшириқни бажармасанг даданг келгунича емиш моғорлаб қолади."

Қани айт-чи менга, ўша Худоинг агар сен айтгандек бор бўлса, илтижо қилсанг емишингни моғорлаб қолмаслигининг олдини оладими?.. Ушанда у биринчи мартаба шубҳа оралиғида қолиб, ўқитувчисига ҳеч қандай жавоб беролмаган эди. Аммо борлиқ ва йўқлик орасига оддий мисол бўлиб кирган бу мантиқсиз воқеа хотирасида кечагидек турибди.

Маҳбус шамнинг лип-лип ёнишини кузатганича, қабристоннинг ичкарасига кириб борарди.

У муқаддас калималарни такрорлаб, қабрлар оралаб пастликка тушиб бораётиб, отаси билан бувисининг бир суҳбатини эслади. Бу яна унга азоб бера бошлади.

Бувисининг ўлимидан бир кун олдин, тонгда отаси ўз онасидан ҳол-аҳвол сўраган эди.

— Сен жуда илмли одамсан, — нимагадир бирдан гап бошлади бувиси. — Балки сенинг йўлингга тўсқинлик қилмаганимда, шу юртнинг олди фарзанди бўлиб, пулинг жуда кўп, мартабанг баланд бўларди. Аммо ўғлим, ҳамшиша кўнглинг кемтик юрардинг. Шунинг учун сени ўзга юртда қолишингни истамагандим. Мени деб қайтиб келдинг. Бироқ бу ерда ўрнингни тополмасдан, орадан неча йил ўтган бўлса-да, ҳамон изтиробдасан. Ўғлим, бунга сабаб — сенинг иймонинг сустлигида.

Йигитнинг отаси шу ерда туғилган бўлса-да, аммо бошқа жойда ўқиган, бошқа миллатни тарбиясини олган, энг ёмони, характери ҳам ўзга миллат таъсирида шаклланган. Шунинг учун ҳам у ўз юртида ўзини бегона ҳис қиларди.

— Ойи, — деди негадир жаҳл билан отаси. — Мендан хафа бўлманг, аммо менинг ҳам қалбимни тушунинг. Жуда кўп мамлакатда бўлдим, турли динга мансуб тақводор одамларни кўрдим. Ва шунга иқрор бўлдимки, улар ҳеч қачон ҳаётдан баҳра олиб яшамайди. Негаки, барча диндор одамлар қилаётган оддийгина ишини ҳам савоб деб фарз қилади. Бироқ бу менинг инсоний бурчим деб ўйлашмайди. Уша одамларга ўхшаб савоб тиланиб яшамайман. Ўз олган тарбиямга, эътиқодимга таяниб яшайман.

— Сен менинг тарбиямни олмагансан, — деди бувиси ва ўғлини биринчи маротаба кўриб тургандек, даҳшатдан қотиб қолди...

Маҳбус бувисининг нигоҳини кўз олдига келтирди: "бувим айтганларидек, Худойим бор! У мени кўриб турибди. Қалбимга, нафсимга, жонимга тақво ато этиб, дардимга шифо беради. Умидларимни саробга айлантормайди... Мана шу ерда ётганларнинг руҳи ҳаққи-ҳурмати агар озодликка чиқсам, қолган умримда Парвардигорга сажда қилиб, Унинг бандалари саломатлиги йўлида хизмат қиламан". — Маҳбус шамда юрагини ўртаётган бутун дардлари ёнаётгандек енгиллаша бошлаган бир вақтда қаршисида аллақандай киши пайдо бўлди. Бир неча сониялардан буён маҳбусни кузатаётганлиги унинг кўзларидан сезилиб турарди. Шам ёниб бўлай деганда пайдо бўлган бу одамни кўрган маҳбус уни арвоҳ деб ўйлади. Сўнг мияси бироз тиниқлашиб, унинг арвоҳ эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Улар бир-бирларига сўзсиз термулиб туришганда, қаттиқ шамол туриб, шам липиллай бошлади. Шам ўчиб қолишидан чўчиган маҳбус қаршисидаги одамни унутиб

шамолга орқа қилди.

— Кимсан, нима қилиб юрибсан, бу ерда? — деди ҳалиги одам сукунатни бузиб.

— Мен касалман, — деди илтижоли оҳангда маҳбус. Шамолнинг тезлиги кучайиб, шам икки марта липиллади-ю, ўчиб қолди. Даҳшатга тушган маҳбус, ўзини қаердалигини, нима мақсадда бу ерга келганлигини ҳам унутди. Димоғига урилган ҳиддан гандирақлаб, эски қабр устига кулаб тушди...

Қабристон ичкарасига кириб кетган ўғлини дуо қилиб ўтирган она ўғлини бегона одам суяб келаётганлигини кўриб, ҳайратдан донг қотиб қолди.

Ҳалиги киши йигитни қабристондан олиб чиқиб, дарвоза олдида изтиробдан адои тамом бўлган онани кўрса ҳам, бир оғиз сўз айтмади. Ям-яшил ўтлоқзор четига ўтқазди. Уларга эргашган она ҳам ўғлининг ёнига бориб ўтирди. Ҳалиги одам қабристоннинг ланг очик дарвозасини ёпиб қўйди. Она-болага қиё ҳам боқмасдан кунчиқар томонга тез-тез одимлаб кетди.

Она-бола уйга қайтиб келишганида ҳовли ўртасидаги сўрида ота қаттиқ асабийлашиб ўтирарди. Ўғлини кўриб баттар туюқди.

— Ҳа, елкангни қисиб яна қаердан келялсан?

Ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган йигит отасининг заҳарханда сўзларига эътибор ҳам бермади. Хонаси томонга индамасдан ўтиб кета бошлади. Ота ўғлига қўл кўтарди. Бу сафар маҳбус индамай туролмади. Жаҳл билан келган отани итариб юборди. У ҳовли ўртасига йиқилиб тушди. Хотини эрига ёрдамга югурди.

Хонасига қамалиб олган маҳбус худди томирига қизиган темир босишгандек жонсарақ бўлиб, хонанинг у бошидан бу бошига бориб кела бошлади. "Ўз тақдиримга чап беришга қанчалик уринмайин, сабаб пардаларига ўралган ҳаётимда ҳеч бир маъно қолмади"...

Ўғилнинг бошини ҳам этиб, дарвозадан чиқиб кетганини кўрган ота-онанинг уни чақиришга ҳам юраклари бетламади. Бироқ энди унинг қайтиб келмаслигини иккаласи ҳам билишарди.

Маҳбус хаёлига келган ёмон фикрдан совуқ илжайди: "Унинг марҳаматини кутишим шарт эмас". Пичирлаб айтилган бу сўзлар унинг учун чиқарилган ҳукмга айланди. Маҳбус ўзи чиқарган ҳукм гирдобиде туман марказидаги кўп қаватли касалхонага бориб, унинг томига чиқди. У ерда узоқ ўтирди. Пастда ўз ташвишлари билан юрган озод одамларни узоқ кузатди. Уларга ҳаваси келиб, бувисини айтган гапларини эслади. "Агар мени кўриб турган бўлсанг, мўъжиза яратиб, мана шу шиша қолипдан халос эт! Мени шу аҳволга солган руҳшуноснинг жазосини Ўзинг бер! Бу қилмишим тўғри ёки нотўғри эканлигини ҳам Ўзинг билгувчисан. Зеро ҳамма нарсани Сендан сўраш мумкин"...

Маҳбус яна совуқ илжайди...



Абдураззоқ ОБРҰЙ

# ПАРОВИЯЛАР

## ОШИҚ ПОЛИЗЧИ

Юрагимда мани бир дардим  
бор-ай, дардим бор,  
Мани севган гўзалдан арзим  
бор-эй, арзим бор.  
қош-кўз сузиб нозланар,  
билмам қачон розланар.  
Шу гўзалга бир ширин сўз  
қарзим бор-ай, қарзим бор,  
Баковулинг бўлайин,  
Ясовулинг бўлайин.

**Алишер ФАЙЗнинг  
"Ясовулинг бўлайин"  
қўшиғидан.**

Қўлтиғимда маним зўр тарвузим  
бор-ай, тарвузим бор,  
қўзим остига олган бир қизим  
бор-ай, бир қизим бор.  
Нега кўнглим хушламайди,  
Тарвузимни ушламайди.  
Эшит, эй гўзал, сенга айтар  
сўзим бор-ай, сўзим бор.  
Диринг, дирингинг бўлайин,  
Шўр бодирингинг бўлайин.

Яғир елкамга оғир юк ортмагин  
қўй, ортмагин, қўй,  
Жуссамни торозингда ҳам тортмагин,  
қўй, тортмагин, қўй.  
Ҳаддимдан кўп ошиб қолдим,  
Ўзимни хўп босиб қолдим.  
Пишмаган деб маломат отмагин,  
қўй, отмагин қўй.  
қўлда товоғинг бўлайин,  
пишган қовоғинг бўлайин.

Ўртаб нима қиласан ахир,  
жоним, сабримни,  
Ўзи етиб ортади рости, сендан  
тортган жабримни.  
Сенга етмай ўтиб кетсам дунёдан,  
мабодо, санам,

қора тарвуз пўчоқ билан кўм  
майли қабримни.

Куйдир, ўчоғинг бўлайин,  
Сўйдир, пичоғинг бўлайин.

Думалат, коптокедай ғилдираши  
бор, ғилдираши бор,  
Биласан, сувининг шилдираши бор,  
шилдираши бор.

Истасанг, полизга боргин,  
Танлаб-ай, биттасин ёргин.  
Хомлай есанг, қорин ғулдираши бор,  
ғулдираши бор.

Бўлди, бас, жонга тегмайин,  
Мен ўлай тарвуз экмайин.

## ХОТИННИ ҚҰЯВЕР

О! Қани, жонимни этсам садақа,  
Сен учун боримдан кечаман.  
Ҳозир уйимдаги жавроқ хотиннинг  
Жаврашини ўйлаб тушиб кетаман.

**Эр НАЗАРнинг "Менинг пигоҳим-  
да..." шеърдан.**

Сен учун ҳар нега тайёрман,  
Бошимни сапчадай узайми?  
Хотиндан воз кечиб шу дамда,  
Не қилай, орани бузайми?

Қўлимдан келади талай иш,  
юлдузни бенарвон ураман.  
Хотинни қўявер, хотинни,  
Рости гап, хўп ёмон кўраман.

Хоҳласанг, дунёнинг четига  
Ортингдан эргашиб бораман.  
Мен учун чепуха хотиним,  
Бошини бир уриб ёраман.

Етмасам мен сенга — висолга,  
Пойига мен чиқиб нетаман.

Ит каби сўлагим оқизиб,  
Мен сенинг кетингдан кетаман.

Сен учун ҳар нега тайёрман,  
Бошимни сапчадай узайми?  
Хотиндан воз кечиб шу дамда,  
Не қилай, орани бузайми?

## ТАРАЛАБЕДОД

(модерн шеър)

## ТЕХАДА ЁЗИЛГАН

Америкада  
Изим қолди  
Туғилмаган  
Ўғил билан  
қизим қолди.



## ИЗМИРДА ЁЗИЛГАН

Туркияда  
Бурним оқди  
Турк гўзали  
Кулиб боқди.

## ТОКИОДА ЁЗИЛГАН

Ёпон қизнинг  
Тухумини синдирдим  
Ўзим билан  
Кетишига кўндирдим.

## МОСКВАДА ЁЗИЛГАН

Русчага қиз  
Дуруст экан  
Кейин билсам  
Ўрис экан.



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Gulruh A'ZAMOVA

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Nurmat OTABEKOV

Minhojiddin MIRZO

Shunqor XUDOYBERDIEV

Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqqan boshlagan.

© "Yoshlik" № 2 (219) 2008 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA**MUNDARIJA****MUSHOHADA**Vafo **FAYZULLO**. Kitob, kitob... .. 1**NAZM**Usmon **QO'CHQOR**. Yiqilsang arziydi, Vatanga. .... 5Abduhamid **PARDA**. Muhabbat ham nozli-nash'ali ..... 18Otamurat **SHAMURATOV**. Mening iztiroblarim. .... 18Salomjon **MENGNOR TERMIZIY**. Hush yig'ib yoshlikdan

sen elga suyan. .... 19

Azim **SUYUN**. Men kim... .. 28Nigora **TOSHQULOVA**. Dilimdagin ayto'lmadim ..... 34Akmal **TOSHEV**. Shamollarga ergashgan ko'ngil. .... 34Ikrom **OTAMUROD**. Iztiyor. .... 37Muhammad **IBROHIM**. Xazonlar qalbindan uzilgan maktub. .... 41**NASR**Orziqul **ERGASH**. Olis yulduzlar. Qissa. .... 8

Ahmad A'ZAM. Tiqin. Hikoya. .... 20

Shahlo **HOSHIMOVA**. Jiyda gulining hidi. Hikoya. .... 42**TADQIQOT**Otabek **NORMATOV**, Otabek **ABDURAHMONOV**. Huquqiy

ta'lim ehtiyoji. .... 17

Ishoq **JABBOROV**. Bobolar hamisha o'rnak. .... 30**O'ZBEKISTON — DUNYOVIY DAVLAT**Shuhrat **SIROJIDDINOV**. Din haqida suhbatlar. .... 37**SHARHI DIL**Uzoq **JO'RAQULOV**. Asl ohang suvrati. .... 27**MUSHOIRA**

Erta nasib etar baxt. .... 32

**EHTIROM**To'lqin **ESHBEK**. So'z ehsoni. .... 33**BIRINCHI UCHRASHUV**Faxriddin **SODIQ**. Yaxshi odam. .... 40**YELPUG'ICH**Abdurazzoq **OBRO'Y**. Parodiyalar ..... 47**Muqovalarimizda**

1-betda: Yoshlar — kelajagimiz.

2-betda: Zulfiya mukofoti g'oliblari.

3-betda: Taniqli shoir va tarjimon Ismoil **MAHMUD**.

4-betda: O'zbekistonda bahor.

**Manzili:** Toshkent shahri, O'zbekiston ko'chasi, 16A-uy.**Telefon:** 227-08-23, **E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

Bosishga 07.04.2008 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi

tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 36

**Manzil:** Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.